

Водий қадамжолари

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ
Алишер ТОШҚУЛОВ
Турсинали ЖАМОЛОВ



**МОЗОРИ КЎҲНА
ТАРИХИДАН**

“Ахсикент” халқаро илмий-тадқиқот
жамоат бирлашмаси

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ,
Алишер ГОШҚУЛОВ,
Турсинали ЖАМОЛОВ

МОЗОРИ КЎҲНА ТАРИХИДАН

Биринчи китоб

Тошкент
“Kitobdornashr”
2019

УДК: 94(575.123)(091)

КБК: 63.3г(5У)

А 15

Абдулаҳатов, Нодиржон.

Мозори Кўҳна тарихидан [Матн]: Н. Абдулаҳатов, А. Тошқулов. – Тошкент: “Kitobdornashr”, 2019. – 144 б.

УДК: 94(575.123)(091)

КБК: 63.3г(5У)

Масъул муҳаррир:
ИКРОМИДДИН ОСТОНАҚУЛОВ,
тарих фанлари доктори

Тақризчи:
Тоҳиржон Қозоқов,
тарих фанлари номзоди, доцент;
Иномжон Тешабоев,
Фарғона ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси.

Мазкур китоб Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида жойлашган Мозори Кўҳна қишлоғи ҳақида маълумотлар бериш баробарида, қишлоқнинг қадимий тарихи ва у билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда ундаги зиёрат-гоҳлар ва уларнинг жойлашган манзиллари, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб “Водий қадамжолари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

“Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси ҳамкорлигида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-5741-3-7

© “Kitobdornashr”, 2019

© Н.Абдулаҳатов, 2019

МУҚАДДИМА

*Ушбу китоб Мозори Кўҳна
қишлоғида яшаб ўтган
барча муслим ва муслималарнинг
хотирасига бағишланади*

Ўз халқининг тарихини, маданиятини, анъаналарини яхши билган инсонлар юзидан улкан ақл-идрок, қамровдор дунёқараш балқиб туради. Бундайларни енгиб бўлмайди, ғаним ҳам улардан чўчийди. Донишмандлар ўтмишини билмаганларни илдизи йўқ дарахтларга қиёслайдилар. Шу сабабдан қадим замонлардаёқ қайси бир юртга душман тажовуз қилса, ўша ерда яшовчи халқларни ўтмишидан жудо этишга уринган. Шоир айтганидек:

*Унутсин деб халқ ўз кечмишин,
Тошлардан ўчирди хотираларни.*

Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов: “Яхшими-ёмонми, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўтмиши бор. Шу боис инсониятдан ёмон томонларини яшириб, фақат яхши томонларини кўз-кўзлаб, ўз тарихини ҳар хил безакбўёқлар билан жимжимадор қилиб, уни бир-бирига мос келмайдиган матоҳлар билан ямаб-ясқаб ўтириш кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Ахир, ҳар бир янги авлод ўз

ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини қидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўша хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади”, деган эди.

Агар инсон ўтмиш тарихни пухта билса эди, ҳаётда кўплаб хатоларга йўл қўймаган ва азият чекмаган бўлар эди. Тарихга назар ташлаш билан инсон йўл қўйган хатоларини теранроқ англай бошлайди ва алалоқибат ҳаётда тўғри йўлни танлашга имкон топади. Шу сабабдан қадимда яшаб ўтган аҳли донишлар: “Ўтмишни билиш бошқа ҳар қандай фанлардан кўра фойдалироқдир, зеро, тарихдан ўрганилган сабоқлар маърифатга олиб борадиган энг тўғри йўлдир”, дейишган эди. Ҳазрати Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида уч илмни: тарих, тиб ва дин илмини билиш кераклигини таъкидлаб, шундай дейди:

*Ул уч дин руҳу, бу бир бадандир,
Булар муҳтожи яхши, гар ёмондир.*

Афсуски, масжидлар омборхонага айлантирилган, намозхонлар ҳақоратланган, ўликлар қабристонларда хўрланган шўролар даврида аждодлари тарихидан хабари бор аҳли солиҳ кишилар ўз билганларини бировга айта олмай, сукут сақлаб, сабр билан яшашга мажбур бўлдилар. Ўз тарихидан сўз очиб, юртдошларини ҳақиқатдан хабардор этиб, “халқ душмани”га айланиб қолишдан сақландилар.

Шоир айтганидек:

*Осонми, осонми ҳақ сўзни айтмоқ,
Авжига чиққан чоғ қингир, кир ишлар.
Сотқинлар қаҳрамон аталиб, э воҳ,
Ватандан гап сотса ватанфурушлар.*

Сўзимни ҳайф билдим, қулоқлари гунг
Оломон тураркан бахтлидай кулиб,
Тилимни мен ютиб қўя қолдим жим,
У жавраб юрмасин овора бўлиб.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, шундай до-
риломон замонларга етказиб, оғзимиздаги қулф-
ларнинг очилиши, тилимиздаги тушовларнинг
ечилиши, кўзимиздаги пардаларнинг сурилиши,
қўлимиздаги кинанларнинг узилишига эриштир-
ди, эс-ҳушимизни йигиб олинимизга имкон бер-
ди, мазлум куксимизни кутаришимиз, хиёл бўл-
са-да, эркинроқ нафас олишимизга муяссар қилди.
Аммо вақт кутиб турмас экан. Яъни, ўтмишга қи-
зиқишимиз ортиб, уни билишни истаган чоғимиз-
да ўша тарихдан хабари борларнинг аксарияти
дорулбақога рихлат қилган. Ҳаёт бўлганларининг
айримлари дард туфайли хотираси заифлашган.
Бундай шароитда бирдан бир йўл нимаки бўлса,
барчасини қоғозга тушириш ва шу йўл билан ёзил-
ганларни китоб ҳолатига келтириш экан. Чунончи,
инсоният тафаккурининг юксак ҳайрати маҳсули
бўлган мумтоз асарларни битган алломалар эъти-
роф этганларидек: "...на денгизларни ошиб ўтаётган
кемалар, на сахро-ю даштларни босиб ўтаётган карвон-
лар, на ўзингнинг оёқларинг етти ёт бегона, номаълум
юрт сарҳадларига яхши китобларчалик теран ва чуқур
кириб бора олмайди".

Шу нуқтаи назардан, улуғ зотларнинг: "Ҳар нар-
сага маҳлиё бўлавермай, қўлдан келганича ёзавериш
керак", деган сўзлари далда бўлиб, Мозори Кўҳна
тарихига доир маълумотлар жамланди. Энг асосий-
си – қоғозга битилгани. Тарихимиз муҳиблари ундан
истаганларича ва имкониятларидан келиб чиқиб

фойдалансинлар.¹ Немис тадқиқотчиси Ф.Ульрих айтганидек: “Тарих фақат мутахассислар томонидан ва биргина мутахассислар учунгина ёзилмаслиги керак. Уни шундай ёзиш ва ўрганиш керакки, токи бу жараёнда имкон қадар кўпроқ фуқаролар қатнашсин ва уни барча тушунсин”.²

Эҳтимол, ушбу китобимизда эътибордан четда қолган камчиликлар мавжуд бўлиши мумкин. Ахир “Беайб Парвардигор”, деб бежиз айтмаганлар. Аммо нима бўлганда ҳам, бир қишлоқнинг тарихи атрофлича ёритиб берилди. Шу билан бирга, китобдан ўрин олган қишлоқнинг бугуни ва бутунги кишилари ҳақидаги маълумотлар ҳам эртага тарих бўлиб қолади.

Қадимдан ҳар бир ёзилган китоблар дили пок, эзгу ниятли инсонларнинг кўмаги туфайли дунё юзини кўрган. Биз ҳам ушбу китобнинг дунё юзини кўришида яқиндан ёрдам берган тарихимиз жонкуярлари: Турсинали Жамоловга, Хайрилло Сайфиддиновга, Абдурахмон Пирматовга, Ҳамидулло Мансуровга Аллоҳдан беҳисоб ажру мукофотлар тилаб қоламиз.

¹ Н.Абдулахатов, Н.Аҳмедова. Комиллик сари. – Тошкент: “NOSHIR”, 2018. – Б.8.

² Қаралсин: С.В.Оболенская. История повседневности в современной историографии ФРГ. Москва, 1990. – С.186.

МОЗОРИ КҶҲНА ҚИШЛОҒИ ҲАҚИДА

Қишлоқнинг қадимдан тарихий номи Мозори Кўҳна деб аталган ва ҳозирга қадар бу номини сақлаб қолган. Қишлоқда азалдан “Мозор ариқ маҳалла”, “Лашкартут маҳалла”, “Сирли мачит маҳалла”, “Боғ маҳалла”, “Тегирмонбоши” номли маҳаллалар мавжуд бўлган.

Қишлоқ қадимдан “Мозорариқ” деб аталувчи ариқдан, шунингдек, қишлоқнинг шарқий, шимолӣ томонидан оқиб келувчи ариқлардан сув ичган. Мозорариқ қадимдан мавжуд бўлиб, у ўз сувини Тўрақўрғон томонидан оқиб келувчи Косонсой сойидан олган. Мозори Кўҳна қишлоғи ҳозирда шимол томонидан Кужрон қишлоғи билан “Қўқон – Андижон” темир йўли орқали чегарадош қўшни. Жануби-шарқий томондан эса экин далалар орқали Шаҳанд қишлоғи билан туташган. Мозори Кўҳна қишлоғи шимолий-ғарбий томонида, асосан, Бураматут ва Қўшқайрағоч қишлоғи билан чегарадош. Мозори Кўҳнанинг шарқий томонида эса яна бир узоқ тарихга эга Калвак қишлоғи жойлашган.

Ҳозирда қишлоқ шимол қисмидан оқиб ўтувчи “Шимолий Фарғона канали” дан сув олади.

Қишлоқ Тўрақўрғон тумани марказидан 10 – 12 км жанубда, Сирдарёдан (Эски Аҳси қалъасидан) 3 – 4 км шимолда жойлашган бир гўзал гўша ҳисобланиб, майдони 6 км².га тенг.

Қишлоқ Зарбдор ва Мозори Кўҳна сингари икки маҳалла фуқаролар йиғинига бўлинган. 2018 йилги маълумотга кўра, ҳар икки маҳаллада: 1482 та хонадон, 1711 та оила, 6167 нафар аҳоли бор.

Изланишлар давомида Мозори Кўҳна қишлоғининг қадимий маҳаллалари билан боғлиқ ер олди-сотдисига доир васиқалар мавжудлиги

аниқланди. Ушбу васиқаларнинг тарихий аҳамияти шундаки, мазкур ҳужжатларда бундан икки аср муқаддам Мозори Кўҳна қишлоғида янаб ўтган кишилар номи қайд этилган. Оддий кўз билан қараганда васиқаларда ўтмишдаги айрим мазори кўҳналикларнинг исмлари тилга олинган, холос. Аммо тарихий жиҳатдан эътиборга олинса, ушбу исмлар орқали ҳозирда шу ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз ўз аجدодларининг номини аниқлашлари мумкин бўлади.

Шундай экан, ҳурматли ўқувчиларимиздан ушбу номларни бирма-бир ўқиш чоғида эътиборли бўлишларини сўрар эдик. Балким, бу номлардан бири сизга таниш бўлиб чиқар.

№1

Яккатут маҳалласига доир васиқа ҳужжати

Ушбу васиқанинг ҳажми 15x24 см. Кўқон қоғозига форс-тожик тилида кучирилган. Васиқага 3 та муҳр босилган.

Васиқанинг қисқача мазмуни куйидагича:

“Ахси вилоятидаги Мозори Кўҳна қишлоғининг Яккатут маҳалласида жойлашган бир ҳовли уй ҳудудининг майдони. Ғарб томондан бутунлай Муҳаммадхонлиқ Яхшибой ўғлининг мулкига туташган. Шарқ томондан бутунлай Тошмуҳаммад ва Худойназар Алиқул ўғилларининг мулкига туташган. Шимол томондан бутунлай омманинг йулига туташган. Ҳавосиллари маълум. Тарих 1284, ражаб (милодий 1867 йил октябрь) охида Хизриллоҳхўжа (?) Ёдгорхўжа эшон ўғли юқорида баён этилган тасарруфидаги ўз мулкини ун уч тиллога Муҳаммадназар Абдуназар ўғлига сотганлигини иқрор, эътироф ва муътабар шаръий қилди”.

Васиқага муҳр босганлар:

1. Кози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа.
2. Муфтий Сайидхон ибн Султонхўжа.
3. Муҳрни уқиб бўлмади.



1-расм. Мозори Кўҳна қишлоғи Яккатут маҳалласи билан боғлиқ васиқа ҳужжати.

№2

Мозор ариқ маҳалласига доир васиқа ҳужжати

Ушбу васиқанинг ҳажми 17x22 см. Европа қоғози-га туркий тилда кўчирилган. Васиқага муҳр босилган қисми йиртилиб кетган.

Васиқанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

“Мозори Кўҳна қишлоғида Мозор ариқда жойлашган тахминан бир таноб майдондан иборат ер ҳудуди. Қибла томони сайид Аҳмадхўжа эшон муфтий Валихўжа эшон ўғлининг мулкига туташган. Кунчиқар томони Нишон-диби ва Хушхонбиби Абдуназарбой қизларининг муштарак мулкларига туташган. Қутб тарафи тамоман Ота-бой Ҳамидназарбой ўғлининг мулкига туташган. Жануби тамоман васиқа эгасининг мулкига туташган.

Тарих 1321, муҳаррам (1903 йилнинг март) ойида Муҳаммадназарбой Абдуназарбой ўгли юқорида баён этилган тасарруфидаги мулкани тўрақўрғонлик Ўрунбой Абдурасулбой ўглига бир юз сўмга сотганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди”.

№3

Мозори Кўҳна қишлоғига доир ер васиқа хужжати

Ушбу васиқанинг ҳажми 18x22 см. Оддий қоғозга форс-тожик ва туркий тилда кўчирилган. Васиқага 2 та муҳр босилган.

Васиқанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

“Файзи осор Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган бир ҳовли уй майдони. Фарбдан васиқа соҳибининг мулкига туташган. Шарқ томондан бутунлай Қаландарбой Алиқул сўфи ўглининг мулкига туташган. Жануб томондан Тошмуҳаммадбойнинг экинсиз ерига туташган. Шимол томони омманинг йўлига туташган. Хавосиллари маълум.

Тарих 1316 йилнинг 29-рабиулаввал (милодий 1898 йил 18 сентябр) ойида Худойназар Алиқул сўфи ўгли тасарруфидаги мазкур ерини қирқ тиллога Муҳаммадназарбой Алиназарбой ўглига сотганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди...

Мазкур васиқага шоҳид бўлганлар: Хўжаёр Оталиқбой ўгли ва Ортиқбой Ўлжабой ўгли мазкурлар илтимоси илан менким, Мулло Ҳамроқул Абдуллоҳбой ўгли қўлум қўйдим. Анинг исботига Шаҳанд қозиси Музаффар махдум қўлум қўйдум”.

Васиқа муҳр босганлар:

1. Қози Мулло Музаффархўжа ибн Муҳаммадназархўжа;
2. Муҳрни ўқиб бўлмади.

Мозори Кўҳна қишлоғига доир ер васиқа ҳужжати

Ушбу васиқанинг юқори қисми йиртилиб кетган. Васиқанинг сақланиб қолган қисмининг ҳажми 22x20 см. Европа қоғозига туркий тилда кўчирилган. Васиқага 2 та муҳр босилган.

Васиқанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

2. *Ортуқ сўфидан мерос қолгон ўзимиз ва мувакилла-римизни мулкани жами ҳуқуқ ва мурофиқ шариятлари илан... маблағ ўттиуз тиллога Узоқбой Абдураззоқбой ўғлига сотдук... Гувоҳлар: Хўжаёрбой отлиқ Сўфи ўгли ва Усмонқули отлиқ Сўфи дигар ўгли ва Мулло Ҳамроҳқули Абдуллоҳ сўфи ўгли ва Мулло Қирғиз Муҳаммадназарбой ўгли. Мазкурлар илтимослари илан Мулло Шарафиддин қўлум қўйдум".*

Васиқа муҳр босганлар:

1. Қози Мулло Музаффархўжа ибн Муҳаммадназархўжа.

2. Муҳрни ўқиб бўлмади.

Мозори Кўҳна қишлоғи Кучкак ариғидаги ерга доир васиқа ҳужжати

Васиқанинг ҳажми 22x20 см. Европа қоғозига туркий тилда кўчирилган. Васиқага 2 та муҳр босилган.

Васиқанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

"Бир қитъа ер Мозори Кўҳна қишлоқда Кучкак ариқда тахминан икки таноб. Қибласи ва кунчиқари ва жануби муқирнинг (иқрор бўлганнинг) мулки. Шимол томони омманинг ариғига туташган. Ҳавосиллари маълум. Тарих 1336 йил муҳаррам (милодий 1917 йил октябр) ойида иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди Мулло Нишонбой охунд Абдужалил охунд ўгли

бу жумлагаким, мазкур ҳудуд мулки холисни юз сўмга намарганлик Мулла Убайдуллоҳ Қори Афанди ўглига сотдим. Баъда мазкурни муштарийи мазкурдан ҳар бир ойига ўн сўмданга ижарага олдим. Агарда ушбу васиқа муқирнинг қўлида туриб бердим, десам, сўзим бекор, деб хат билмагоним учун менким муқир мазкур Мулло Нишонбой охунд Абдужалил охунд ўгли қўлум қўйдим. Гувоҳлар: биринчи Мулло Имомберди Мулло Абдужалил ўгли. Иккинчи менким, Мулло Насриддинхон домла Мулло Музаффар махдум ўгли гувоҳ бўлуб қўлум қўйдим... Аҳси вўлўсти қозиси Мулло Муҳаммадхўжа муҳрим босдим”.

* * *

Мозори Кўхна ҳудудида ХХ аср бошларига қадар 5 та масжид, 1 та мадраса, 1 та қорихона фаолият кўрсатган. Бироқ улардан “Мозори Кўхна” жоме-масжиди, Лашкартут маҳалласидаги “Лашкартут” масжиди ва қишлоқ марказидаги “Саримсоқбой” масжидлари собиқ шўроларнинг мустабид тузуми даврида бузилиб, аҳоли яшайдиган ҳовлиларга айланиб кетган. Булардан фақат икки масжид биносигина сақланиб қолган.

“Сирли масжид” 1859 йилда бунёд этилган. Буни масжид ичкарасида сақланиб қолган ёзувлардан кўриш мумкин. Унда “Амали усто Муҳаммад Бобо ибн Сўфий ва Муҳаммад Расул ибн Уста Ортиқ ва Уста Тилло ибн Муҳаммад Карим Мирзо мажмуа Чустий. Сана – 1275. Эшонхўжа боний” деган битиклар сақланиб қолган. Бундан кўринадики, “Сирли масжид” Эшонхўжанинг саъй-ҳаракатлари билан Муҳаммад Бобо Сўфий ўгли ва Муҳаммад Расул Уста Ортиқ ўғли ва Уста Тилло Муҳаммад Карим ўғли томонидан барпо қилинган.

Иккинчи масжид – 1890 йиллар атрофида қурилган масжид халқ оғзида “Эшматбой масжиди” деб аталади. Бу масжид тўғрисида шундай ривоят мавжуд.

Эшматбой исмли саховатли киши ҳаж қилмоқчи бўлади. Бироқ, маълум сабабларга кўра, ҳажга бора олмай қолади. Шу сабабдан тўплаган маблағига масжид қурдиради.

Айтишларича, XX аср бошларида Мозори Кўҳнада ўн икки Ахсининг қозиси Музаффар қози ва Абдуқаҳҳор мингбошининг отаси Эшмат мингбоши истиқомат қилган. Эҳтимол Мозори Кўҳнадаги масжидларнинг бири айнан Эшмат мингбоши томонидан барио қилинган бўлиши мумкин.

Мозори Кўҳнадан Чустга олиб борувчи катта йўлда, ҳозирги болалар боғчаси ва унинг атрофларида, катта бозор фаолият кўрсатган ва аҳоли орасида “тим” (усти ёпиқ бозор) деб аталган. Тимнинг орқа томонида карвонсаройлар жойлашган.³

Айтишларича, авваллари Мозори Кўҳнадан отлиқ ўтгудек бўлса, шу тимга келганда отдан тушиб пиёда юрган. Шу тимнинг остида ўнлаб дўконлар мавжуд бўлган. Бу дўконларда атрофдан газмоллар олиб келиб сотилган. Кечалари тимнинг ҳар тарафига чироқлар қўйилиб, дўконлар қўриқланган.

Ўғилжон хола Хидирали қизи шу қишлоқнинг Мозор ариқ маҳалласида туғилиб (1906 – 1992), шу ерда яшаб ўтган. Ўғилжон хола қишлоқда ўтказиладиган ҳайит байрами маросимлари ҳақида ёшлик пайтларида кўрганларини, гувоҳи бўлганларини гапириб берганлари тўғрисида унинг фарзанди Али-

³ Дала тадқиқотлари. 2019 йили Тўрақўрғон тумани, Мозори кўҳна қишлоғида яшовчи Каримбой Исомиддиновдан (1945 йилда туғилган) ёзиб олинди.

шер Шаробиддинов (1950 йилда туғилган) куйидагича ҳикоя қилади: “Онамиз бизга кўрган-кечирганларини шундай ҳикоя қилиб берар эди: “Ёшлик пайтларимда (9 – 10 ёш) Мозори Кўҳнада ўтказилган рамазон ва қурбон ҳайитларини кўрган эдим. Уша пайтларда жомеъ масжиди, мадраса ва қироатхоналар фаол ишлаб турар эди. Ҳайит куни бўлса, ўн икки Аҳси қишлоқларидан намозхонлар бу ердаги жомеъ масжидига ҳайит намози ўқишга келишар эди. Жуда кўп одамлар тўпланарди. Масжид ичи ва ташқи ҳовлиси, кўчалар намозхонлар билан тўлар эди. Мадраса дарвозасининг томига чиқиб “соффан-соффан” айтишарди. Шундай қилиб, ҳайит намозлари ўқилар, мадраса толиби илмлари, қорилар Қуръон тиловат қилиб, ўтган мўмин-мусулмонларнинг руҳи покларига бахшида этишар, эл-юрт тинчлигини, осойишталигини Яратгандан сўраб дуолар қилишар эди. Ҳайит намози адо қилинганидан кейин, карнай чалиб ҳайит байрамини хурсандчилик билан бошланарди. Бу ҳайит байрами уч кун давом этарди. Кечалари ҳар жойларга чироқлар ёқилиб, хурсандчиликлар давом этарди.

Карвонсарой, бозорлар, чойхоналар, қаердаки одамлар дам оладиган жойлар бўлса, ҳаммаси ҳаттоки, шу атрофдаги хонадонлар ҳам узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан тўла бўлар эди. Шу тариқа, бу ерга тўпланган одамлар уч кундан кейин яна ўз қишлоқларига қайтиб кетишар эди. Ҳайит кунлари қишлоқнинг саховатли мўмин-мусулмонлари ҳайитни нишонлашга келганларга эҳсонлар қилишар, катта қозонларда (шўрва, палов) таомлар тайёрлаб тарқатишарди. Ёш болаларни ширинликлар: ҳолва, попукли қанд, хўрозқанд, мева-чева, майиз-ўрик, кулча нонлар билан сийлашар эди. Бу маросимларни ҳайит кунларидан кейин ҳам одамлар анча вақт эслаб, бир-бирларига гапириб юришар эди”.

МОЗОРИ КҶҲНА ҚИШЛОҒИ ТАРИХИГА ДОИР МАНБАЛАР

Тарих олимдан жуда катта тайёргарликни, ҳалолликни талаб қилади. Шу сабабдан улуғ олим, дин ва давлат арбоби муҳтарам Алихонтўра Соғуний ҳазратлари (1885 – 1976) ўз асарларининг бирида:

*“Сўзлар бўлсанг, далилларинг келтиргил,
Ё бўлмаса, оғзинг очмай ўлтиргил”,*

– дея тарихдан сўз очганда далилларга асосланиш кераклигини таъкидлаб утган эди.

Шу сабабдан Мозори Кўҳна қишлоғи тарихидан сўз юритувчи мазкур китобни нашрга тайёрлашда қўлёзма манбалардан, жумладан, архивларида сақланаётган нодир вақф ҳужжатларидан, аҳоли қўлидаги мавжуд васиқалардан фойдаландик. Ҳар бир маълумотга масъулият кўзи билан қараган ҳолда, уларга тўғри ёндошиб, холислик нуқтаи назаридан баҳо бермоққа интилдик. Қишлоқ тарихидаги воқеалар қандай бўлса, шундайлигича баён этилди. Мозори Кўҳна қишлоғи аҳлининг хотираларида хиралашиб қолган нарсаларни тиклашга уриндик. Қишлоқнинг ҳар бир қарич ери ва ҳар бир одами ўзига хос ғаройиб тарихга эга бўлишини, қолаверса, ўтмиш сабоқлари замонавий тараққиёт учун хизмат қилишини мумкин қадар кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Аммо бу изланишларнинг барчаси Мозори кўҳна тарихини ўрганиш борасидаги уринишлардан бири, холос.

Эл ардоқлаган адибларимиздан бири: *“Авлодларни катта, умуминсоний туйғулар бирлаштиради. Масалан, бир бутун халққа бўлган фидолик, ёрга, фарзандларга бўлган меҳру мурувват. Одамлар авлодлар ора-*

сида кўприк вазифасини ўташи, аждодидан қолган дуру гавҳарларни йўл-йўлакай тўкмай, йўқотмай, ўзи тополса қўшиб, авлодларига ётказиши керак бўлган кўприк вазифасини адо этмоғи лозим,” деган эди. Биз ҳам ушбу Мозори Кўҳна қишлоғи тарихини ўрганиш давомида унинг ўтмиши, бугуни ва эртаси учун кўприк вазифасини бажарувчи китобни нашрга тайёрладик.

Маълумки, ёзма ҳужжатлардаги қимматли маълумотлар бошқа ёзма манбалардаги тарих ва ўтган воқеа-ҳодисаларни ойдинлаштиришга, уларни тушунишга ва ҳатто қайта кўриб, янги фикр, мулоҳаза ва тасаввур олиб келиши мумкин. Одатда улуғ зотлар фаолиятини ўрганиш чоғида асосий эътибор, аввало, улар билан боғлиқ кўлёзма манбаларга қаратилади. Бироқ бундай ёзма манбалар ҳар доим бўлавермайди. Чунки турли сабаблар туфайли бундай нодир асарлар бугунги кунимизгача етиб келмаган. Шундай бўлсада, 2015 – 2019 йиллар давомида Мозори Кўҳна зиёратгоҳига доир қуйидаги осориатикалар, ёзма манбалар ва бошқа нодир ҳужжатларни тўплашга муяссар бўлдик:

1. Хожа Абул Бақо ибн Хожа Баҳовуддиннинг “Жомеъ ул-мақомот” (Махдуми Аъзам мақомоти) асари;

2. Муҳаммад Муфти Оҳангаронийнинг “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби” асари;

3. Мозори Кўҳна қишлоғи билан боғлиқ Ўзбекистон Республика Марказий Давлат архивида сақланган вақфномалар тўплами;

4. Мозори Кўҳна қишлоғи тарихига доир аҳоли хонадонларида сақланган вақфнома ва васиқа ҳужжатлари;

5. Қатағон қурбонлари билан боғлиқ адабиётлар.

Бундан ташқари, тадқиқотлар давомида Мозори Кўҳна қишлоғида умргузаронлик қилаётган ёши улуг отахон ва онахонлар суҳбатидан баҳраманд бўлиб, уларнинг қишлоқ ўтмишига доир “оғзаки тарих” хотираларини қоғозга туширдик. Бунинг ўзига хос ибратли жиҳатлари мавжуд. Чунончи, “оғзаки тарих” ўзида катта ижтимоий қувватни қамраб олиши билан бирга авлодлар ўртасидаги диалог, яъни тирик мулоқотга ҳам таъсир этади.⁴ Бу эса, биринчи гада, оталар ва болалар ўртасида бир-бирини тушунишни шакллантиради.⁵

⁴ К.Калонов. Социал маконда “оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // “Ўзбекистон тарихи”. 2012. № 3 – 4. – Б.110.

⁵ Т.К.Идеглова. Устная история. Учебное пособие. Барнаул: АлтГПА. 2011. С.24

МОЗОРИ КЎҲНА – МАҲДУМИ АЪЗАМ ҚАДАМЖОСИ

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Мозори шариф”, “Мозор кўрғон” сингари қадимий жой номлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Аммо Мозори кўҳна қишлоғи тўғрисида бир сатр ҳам гап йўқ. Бу қишлоқ ҳақида бирор бир маълумот топиш илинжида интернет сайтларига кирганлар ҳам ноумид қоладилар.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида жойлашган мазкур қишлоқ аслида қадимий ҳудудлардан бири бўлгани учун ҳам Мозори Кўҳна номини олган. Бу ҳақда М.Исмоилов шундай ёзди: *“Бу топоним қишлоқдаги эски ва қадимий мазор туфайли келиб чиққан. “Мозор” асли арабча бўлиб, “сигиниш жойи” деганидир. Мозори кўҳна – эски мазор бўлиб, халқ зиёрат қилиб келган. Туманда, айниқса, Ахсикент – Косон йўлида жойлашган қишлоқларда араб истилоси давридан қолган қадамжолар кўп. Улар бора-бора топонимларга айланган.*

*Мозори Кўҳна ўша замонлардан бери мавжуд қадимий гўшадир. Кейинчалик унинг атрофига аҳоли ўрнашиб, топоним шу асосда таркиб топган. XVI асрда битилган қўлёзмаларда Мозори Кўҳна Ахсикент яқинидаги қишлоқ, деб тилга олинган. Лекин унинг Бозори Кўҳна – эски бозор деган варианты ҳам мавжуд”.*⁶

Маълумки, одамлар қадим замонларда ҳам у ёки бу сўзнинг қаердан келиб чиққани билан қизиққанлар. Масалан, кишилар ўз туғилиб, ўсган жойларининг номи қаердан келиб чиққан, деган саволга жавоб беришга интилиб, турли-туман фаразлар, афсоналар яратганлар. Даврлар ўтиши

⁶ М.Исмоилов. Архиён – Тўрақўрғон тарихидан лавҳалар. – Наманган: “Наманган”, 2008. – Б.33.

билан илгари яратилган бу афсоналар турли хилдаги қўшимчалар билан тўлдирилган, “бойитилган” ҳар хил вариантлар юзага келган.

Айрим географик номлар ҳақидаги афсоналарнинг ҳақиқатга мос келмаслигини исботлаш унча қийинчилик туғдирмайди. Лекин баъзи топонимлар этимологиясини аниқлаш учун жуда катта текшириш ишларини олиб бориш, кўплаб манбаларни кўриб чиқиш керак бўлади.⁷ Жумладан, Мозори Кўҳна қишлоғи юзасидан ҳам.

Бундан тўрт-беш аср муқаддам ёзилган “Жомеъ ул-мақомот”, “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби” асарларида қишлоқ номи بازار كهنه – “Бозори кўҳна” шаклида ёзилади. Шарқшунос А. Семёнов ҳам 1940 йилда ёзган “XVI аср Ўрта Осиё адабиётига доир нодир асар” номли мақоласида ҳудудни “Бозори кўҳна” тарзида қайд этади.⁸

Бироқ XIX асрга оид вақфномалар ва васиқа ҳужжатларида “Ахсикент вилоятига тобе файзи осор Мозори Кўҳна қишлоғи,” деб ёзилади. Бизнингча, бозор ва мазор сўзлари ёзуви ва талаффузининг деярли ўхшашлиги туфайли хаттотлар томондан хатога йўл қўйилган бўлиши мумкин. Яъни “мазор” сўзи “бозор” тарзида кўчирилгани эҳтимолдан холи эмас. Изланишларимиз шуни кўрсатдики, чиндан ҳам қишлоқ ҳудудида қорахонийлар даврига оид нишиқ гиштдан барпо этилган, халқ орасида Бузрук ота номини олган XII асрга доир зиёратгоҳ бўлган. Ашнан шу мазор туфайли жой номи ҳам Мозори Кўҳна тарзида юритилган кўринади.

⁷ Ф.Абдуллаев. Этимология бўйича кузатишлар // “Ўзбек халқ ижоди”. – Тошкент: “Фан”, 1967. – Б.154.

⁸ А.А.Семёнов. Уникальный памятник агиографической Средне-Азиатской литературы XVI века // “Известия Узбекского филиала”. Ташкент: “УзФАН”, 1940. №12. С. – 59.

Ҳозирда Мозори кўхнада атрофдаги қишлоқлар каби, мана неча асрлардирки, осуда ҳаёт давом этмоқда. Одамлари меҳнатқан, тиним билмайди, зиёлилари маърифат тарқатиш, деҳқонлари эса, моддий бойлик яратиш билан банд. Аммо қишлоқ тарихи, шоир айтганидек, “қилганда изҳор ўзгача”.⁹ Ҳа, бу қишлоққа ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг муборак қадами теккан.

Қудрати илоҳий биз билган моддий оламдаги барча нарсада тажалли топади. Шулардан бири – ёзув ва унинг зуҳури – китобдир. Китоб бизга шаън аждодларимиз ҳақида хабар берувчи восита ҳамдир. Китоб орқали уларнинг ҳаёти, хавориқи одот ва кароматларидан огоҳ бўламиз, азиз-авлиёларнинг идроки, иқтидорини англаб етамиз.

Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий-Косонийнинг фаолияти ва мероси нари турсин, ҳатто исми шарифи ҳам ўтган асрнинг 90-йилларида Фарбда нашр этилган аксарият йирик нашрларда зикр этилмаган эди. Мустақиллик шарофати билан ул зотнинг ибратли ҳаётига бўлган қизиқиш улар ҳақида ёзилган китоблар туфайли янада кучайиб бормоқда.

XV – XVI асрларда Ўрта Осиё тарихи ва ислом оламида Маҳдуми Аъзам Даҳбедий номи билан маълум бўлган машҳур мутафаккир, нақшбандия тариқатининг етук назарийчиси ва давомчиси, файласуф ва ахлоқшунос олим Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий-Косоний 866/1461 (айрим манбаларда 868/1463) йилда Фарғона давлатининг кўхна пойтахти – Косон кендида (ҳозирги Косонсойда) дунёга келган. Маҳдуми Аъзамнинг ота-оналари Муҳаммад

⁹ С.Жалилов. Бобур қадами теккан қишлоқ // “Имом Бухорий сабоқлари”, 2003. № 2. – Б.180.

алайҳиссалом авлодларидан бўлиб, бу тўғрида кўпгина тарихий манбаларда маълумотлар берилган. Жумладан, Фахриддин Али ас-Сафийнинг “Рашаҳот айнил-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмасидан томчилар”), Мавлоно Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифийн” (“Орифлар силсиласи”), Хожа Абулбақо ибн Хожа Баҳовуддиннинг “Жомеъ ул-мақомот”, Насриддин Ҳусайн ал-Бухорийнинг “Тухфату-з-зоирийн” (“Зиёратчилар тухфаси”) асарлари ва бошқа тазкираларда Махдуми Аъзамнинг 22 пушт билан Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) етиши зикр этилган.

Махдуми Аъзам Қосонийнинг отаси Мавлоно Жаллолиддин ўз даврининг етук олимларидан бўлгани учун ҳам ёш Сайид Аҳмад илм ўрганишга жуда эрта киришади. Мактабда таълим олиш билан биргаликда отасининг раъйига қараб деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Бу ҳақда теурий тарихчилардан бўлган шаҳзода Муҳаммад Доро Шукуҳ “Сафинат ул-авлиё” (“Валийлар кемаси”) номли китобида Махдуми Аъзамнинг ўзи айтган қуйидаги сўзларни келтирган: *“Ёшлигимда падари бузрукворим мени деҳқончилик ишларига жалб қилар эдилар. Лекин менда илм олишга иштиёқ устун ва Қуръони каримни қироат ва тиловат қилишга мойиллик кучли эди. Бир куни тушимда бир киши менга Қуръонни тухфа қилди. Уйғониб, ёнимда ўша Қуръон турганини кўрдим ва бу китоб Аллоҳнинг инояти билан менга етказилгани маълум бўлди. Сўнгра Қуръонни тиловату қироат қилишга машғул бўлдим”*. Ёш Хожа Сайид Аҳмад дастлабки билимларини қосонлик устози Мир Сайид Алидан олади. Сарф ва наҳв (морфология ва синтаксис) илмларини қунт билан ўрганганидан кейин ўзи мустақил равишда изланади. Шу билан биргаликда, Сайид Аҳмад тасаввуф илмига қизиқиб, бу соҳадаги асарларни мустақил равишда ўрганади.

Кейинчалик Хожа Сайид Аҳмад билимини ошириш учун устози Мир Сайид Алининг маслаҳати билан Хожа Аҳрор Валийнинг Тошкентда яшаётган яқин шогирди мавлоно Муҳаммад Қози ҳузурига бориб, ул зотга шогирд тушади. Шу тариқа Сайид Аҳмад Косонийнинг нақшбандия тариқатидаги фаолияти бошланади. Мавлоно Муҳаммад Қози Сайид Аҳмаддаги фавқулодда қобилият ва гўзал фазилатларни билгач, уни Хожагон тариқатининг “шаҳбози баланд парвоз”и (баланд парвоз қилувчи лочини) қилиб тарбиялайди. Тошкентда устозидан таълим олиш билан бирга ёш Сайид Аҳмад ўзи мустақил ўқишни давом эттириб, бу шаҳардаги табаррук қадамжолар, жумладан, ҳазрат Абу Бакр Қаффоли Шоший, Шайх Хованд Тахур, Шайх Иброҳим Кимёгар, Зайниддин Кўйиорифон каби авлиёлик даражасига кўтарилган шайхларнинг мақбараларини зиёрат қилиб, уларнинг асарларини мутолаа этади. Натижада Сайид Аҳмад Косоний-Даҳбедий XV аср охирига бориб, нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган вакили ва комил пир даражасига етади. Аммо у устози ва пири Мавлоно Муҳаммад Қози ҳурмати юзасидан мустақил ҳаракат қилишга шошилмайди. Бу ҳолни Муҳаммад Қози ҳам сезар ва шундай дер эди: *“Бугунги кунда рубъи маскунда (ернинг одамлар яшайдиган қисмида) мавлоно Хожагий Аҳмад каби киши йўқдур. Аммо у пиру муридлик одобини сақлаб, бизнинг ҳузуримизни тарк этмаяпти”*.

Сайид Аҳмад шу тариқа Тошкентда камолотга эришгач, она шаҳри Косонга қайтади. XVI асрнинг бошига келиб, Сайид Аҳмад Косоний тариқат аҳлининг етук мутафаккири, валийлик сифатларини ўзида касб этган соҳиби каромат даражасига кўтарилади. Унинг “Рисолаи самоъия” (“Самоъ рисола-

си”) номли асарида баён этилган қуйидаги фикрлар ана шундан далолат беради: *“Дин ва муқаддас китоблар инсон учун, инсонни маънавий камолотга етаклаш учун берилгандир. Инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир”*.

Ана шу ғояни ривожлантириб, Косоний яна *“инсон ҳукмига инъом этилган оламни яшнатиш”* лозимлигини уқтириб ўтади. Бу ғоялар ўша даврдаги сиёсий ва ижтимоий муҳитда илғор, жасур ақидалардан энг муҳими бўлиб, инсоннинг Ер юзидаги тартиб ва осойишталикка шахсан масъул эканлигини алоҳида таъкидловчи, унинг тасарруфига берилган оламни яшнатишга, гуллатишга, такомиллаштиришга ундовчи, ҳар бир мусулмонни фаолликка чақирувчи даъват эди.

Сайид Аҳмад Хожагий-Косоний юқоридаги каби илғор ғоялар, тариқат илмидаги фавқуллодда истеъдод ва қобилияти туфайли ўз даврининг забардаст уламулари томонидан эътироф этилиб, *“Маҳдуми Аъзам”* унвонига мушарраф бўлади. Ёзма манбаларда Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий-Косоний *“Маҳдуми Аъзам Даҳбедий”*, *“Маҳдуми Аъзам Косоний”*, *“Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий”* номлари билан зикр қилинган.

“Маҳдум” сўзининг луғавий маъноси – *“хизмат қилинадиган зот, ҳазрат, хожа”* бўлиб, *“аъзам”* сўзи энг буюк, энг улуғ маъноларини англатади. Самарқанд ҳукмдори Жонибек султон Шайбоний Маҳдуми Аъзам Косоний камолоти ва шуҳратида хабар топгач, ул зотдан Самарқандга кўчиб келишни илтимос қилади. Шундай қилиб, Маҳдуми Аъзам Косоний XVI асрнинг бошларида Самарқандга кўчиб келади. Жонибек султоннинг фармонида биноан, унга Самарқанддан шимолроқда жойлашган Миёнқўл мавзесидан ер ажратиб берилади. Манбалардаги хабар-

ларга кўра, Махдуми Аъзам Косоний бу жойни обод қилиб, дастлаб ўн туп тол ўтқазган. Шу боис мазкур мавзе Даҳбед (ўнта тол) деган ном олган.

Махдуми Аъзам умрининг қолган қисмини ижодий фаолият ва шогирдлар тарбияси билан ўтказди. Аллома илмий фаолият билан бир қаторда Даҳбед қишлоғида 90 таноб (22,5 гектар) ерда катта боғ яратиб, ўз тирикчилигини таъминлаган. Боғда дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган ўсимликлар парвариш қилинган. Махдуми Аъзамнинг саъй-ҳаракатлари билан “Даҳбедий қовун”, “Даҳбедий анжир” навлари яратилган.

Махдуми Аъзам кўплаб давлат арбоблари, олиму уламолар ва мутасаввиф шайхларнинг комил инсон, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишига салмоқли ҳисса қўшган буюк зот, мутафаккир аллома, меҳрибон мураббий, сиёсий арбоб ва нуфузли шайх бўлган.

Темурий ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ҳазрати Махдуми Аъзам Косонийни ўзининг маънавият пири деб билган ва ул зотни чуқур ҳурмат қилган. Махдуми Аъзамга атаб рубоийлар бағишлаган:

*Нафс ҳавосини дебон ҳар қайдаким юргандамиз,
Дилда доим изтироб, дил олдида шармандамиз.
Бир назар бул хастадил мухлисларинга ташлаким,
Хожагини қўйган эрдик, Хожагига бандамиз.*

Шарқшунос олим Илёсхон Ғозий Бобур Мирзо ушбу мисраларни битишининг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Хожагон-нақшбандия тариқатига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг умаролари ҳам катта эътиқод қилган эканлар, чунки Бобур Мирзонинг устига сон-саноксиз душман лашкари (Ҳиндистонда) бостириб келганида, ўз вазири Амир Дарвеш Муҳаммад

маслаҳати билан Бобур нақшбандия тариқати мурши-
длари руҳу арвоҳларига жами девон мулозимларининг
тоат-ибодат билан мурожаат қилишларини буюрган
экан. Хуллас, бундан огоҳ бўлган Махдуми Аъзам гўё ўз
гайриоддий қобилияти билан душманнинг икки юз мин-
глик лашкарини заифликка (ривоятларга кўра, катта
қўшин лашкарни ўртага олиб, нобудлик ҳолига келтир-
ган экан) учратган экан ва Бобур Мирзо фурсатдан фой-
даланиб, душманни қириб ташлаган экан. Уруш Бобур
галабаси билан тугаганидан сўнг, у Даҳбедга – Махдуми
Аъзам олдига кўп инъомлар билан ўз махсус кишисини
(Амир Кўзини) юборди ва унга икки рубоий битиб, Мах-
думи Аъзам қўлига топширишни буюради”.¹⁰

Бобур Мирзо Рамазон ва Қурбон ҳайитларида
ўз пири ва устозини йўқлаб, совға-саломлар юбо-
риб турган. Бир гал Бобур Мирзо Хожа Убайдуллоҳ
Аҳрорнинг “*Рисолаи волидия*” асарини ўзбек тилига
ўгиргач, унга ўзининг рубоийларини ҳам қўшиб,
Махдуми Аъзамга юборган. Махдуми Аъзам бу ху-
сусда алоҳида “*Рисолаи Бобурия*” (“*Бобурга багишлан-
ган рисола*”) номли асар ҳам ёзган.

Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллоҳон
(892/1487 – 946/1540) ҳазрат Махдуми Аъзамнинг со-
диқ муридларидан ва холис мухлисларидан бири
бўлган. Улар ўртасидаги самимий пиру муридлик
муносабатларини тарафнам эгувчи қатор ҳикматлар
битилган. Бундан ташқари, шайбоний ҳукмдорлар-
дан Жонибек султон, Абдулазизхонлар ҳам ҳазрат
Махдуми Аъзамни ўзларининг пири деб билганлар.

Жўйборий хўжаларининг сардори бўлмиш
Муҳаммад Ислон замондоши Муҳаммад Қози ва-
фотидан кейин узоқ йиллар Махдуми Аъзам хиз-

¹⁰ Илёсхон Ғозий. Нақшбандия тарикатининг буюк сиймоси – Махду-
ми Аъзам // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”
1994. – Б. 271.

матида туриб, ул зотнинг табаррук нафасларидан бахраманд бўлиш шарафига муяссар бўлган. Бундан ташқари, Мавлоно Лутфуллоҳ, Хожа Дўстмуҳаммад, Хожа Баҳовуддин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий, Мирак Қутбиддин Аҳмад ибн ҳазрат Мавлоно Қози Муҳаммад каби ўнлаб мутасаввиф шайхлар ҳам Махдуми Аъзамнинг пирлик этагини тутиб, унга содиқ мурид бўлганлар. Шунинг учун ҳам баъзи манбаларда Махдуми Аъзам “*пири шастии*”, яъни “олтмиш муридни тарбиялаб, камолот чўққисига етказган пир”, деб зикр қилинган.¹¹

“*Махдуми Аъзам*” атамасини академик В.Бартольд ва профессор Н.Веселовский “Дунё ҳукмдори” (Властитель мира), “Улуғ ҳукмдор” (Величайший властитель) деб, тарихчи профессор Иванов “Олий ҳукмдор” (Верховный властитель) деб талқин этишган. Европа қомусларида эса “Улуғ жаноб” (Величайший господинь) деб таржима қилинган.

Бу зот ҳақида кейинчалик даҳбедлик тарихчи шоир Каттахон хожаи Музнийий-Даҳбедий ўзининг “Рисолаи тарихи Даҳбедия” асарида шундай сатрлар ёзиб қолдирган:

*Ҳазрати Махдуми Аъзам дунёда қутби замон,
Равзаси аҳли тариқатга эрур дорул-амон.
Марқади покни зиёрат айласангиз,
Токи бўлгайсиз икки оламда ҳар гамдин омон.*

Манбаларга қараганда, ҳазрати Махдуми Аъзам 1542 (ҳижрий 949) йилда Даҳбедда вафот этиб, ўзлари севган дарахт ёнидаги хонақоҳга дафн этиладилар.¹²

¹¹ Н.Жабборов. Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий: ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси // Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2009. №1. – Б. 52 – 54.

¹² К.Каттаев. Махдуми Аъзам тарихи ва мукаммал даҳбедийлар тариқати. – Тошкент: “MASHHUR-PRESS”, 2016. – Б. 16 – 17.

Ҳазрат Махдуми Аъзамнинг бир муддат Ахсикентнинг Бозори Кўхна қишлоғида истиқомат қилгани тўғрисида “Жомеъ ул-мақомот” асарида маълумотлар келтирилган.

Маълумки, “Жомеъ ул-мақомот” (Махдуми Аъзам мақомоти) асари ҳижрий 1026 (1616 – 1617) йилда Махдуми Аъзамнинг набираси Хожа Абул Бақо томонидан ёзилган.¹³ Китоб муаллифи кўплаб тарихий воқеалар гувоҳи бўлгани ва воқеа-далилларни асосий гувоҳлардан эшитиб ёзгани китоб аҳамиятини оширади.¹⁴ Асар сўзбошисида айтилганидек, Махдуми Аъзамнинг Мавлоно Дўст Саҳҳоф, Ҳофиз Иброҳим, Мулло Қосим Котиб каби халифа-шоғирдлари ҳам устозга атаб мақомот-китоблар ёзган бўлишса-да, кўпгина воқеа ва жиҳатлар ушбу китобларга кирмагани учун янги бир мукамалроқ асар ёзилиши тақозо этилган.¹⁵

Айнан шундай маълумот XV – XVI асрларда яшаган, нақшбандия силсиласининг Махдуми Аъзам Хожа Аҳмад Косонийдан кейинги йирик вакили саналадиган Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи Муҳаммад Муфти Оҳангаронийнинг “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби” асарида ҳам келтириб ўтилган:

“Бир дарвеш нақл қилади: “Ҳазрати Махдум Косондан Самарқандга кўчишни ихтиёр қилдилар. Тўсатдан қирғизларнинг босқини бошланди. Неча кун Бозори кўхна (эски бозор) деган жойда бўлдилар. У жой Ахсикентга қарашли эди. Бароқхоннинг ишончли амирларидан Мир Ҳақберди қирғизлардан чекиниб, лашкари билан Сафид-

¹³ СВР. III т. Ташкент, 1958. С.315

¹⁴ Хожа Абул Бақо ибн Хожа Баҳовуддин. Жомеъ ул-мақомот. Қўлёзма. ЎзФАШИ. – №

¹⁵ К.Катгаев. Махдуми Аъзам Даҳбедий ва унинг машхур авлодларидан мерос қолган қадимий нодир китоблар. Биринчи китоб. – Тошкент: “Tafakkur bo‘stoni”, 2016. – Б. 28.

булон тарафидан Ахсикентга келди ва ўша куни ҳазрат эшоннинг мулозаматига келди. Гап орасида амир бефаросатлик қилиб: “Ҳазрати Эшон, нима учун қирғиздан қочдиларинг? Азизлар Худонинг қиличи-ку”, – деб қўйди. Бу суҳанни эшитгандан кейин Махдумнинг сочи тикка бўлди ва паришон ҳолда мажлисдан чиқиб, хоналарига ўтдилар. Бир неча кун деганда, Самарқандга етиб келинди. У ерда қолган Мир Ҳақберди олмос касалига гирифтор бўлибди. Шунда бефаросат гап қилиб, ҳазратни ранжитганидан юз узр сўраб, мулозимларидан бирини ул зотнинг олдиларига юборибди. Ҳазрат айтдилар: “Ўқнишонга тегибди. Энди иложи йўқ”.

Элчи ниҳоятда афсусланибди ва ўзи дилу жон бирла ул зотга мурид тушибди. Сал ўтмай, Ҳақберди ва авлодининг ҳаммаси ҳалок бўлгани хабари келибди”.¹⁶

Махдуми Аъзамнинг Мозори Кўҳнада бўлиши ва у ерда Мир Ҳақберди билан боғлиқ юз берган воқеалар замирида авлиёларга нисбатан ҳурматсизликнинг оқибати қандай салбий оқибатларга олиб келиши баён этилган.

Шу ўринда авлиёлар хусусида.

Авлиё. Арабча “валий” (дўст, ёрдамчи) сўзининг кўплиги, Худога яқин одам – тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўтирувчи ориф – маърифатли зот. Авлиё пайғамбарлар даражасидан кейин туради. Авлиёнинг мазорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш савобли амаллардан ҳисобланади”.¹⁷

¹⁶ Мухаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ манокби. Форс тилидан Абдуллоххўжа Маъруфхўжа ўғли ва Шухрат Сирожиддинов таржимаси. – Тошкент: Имом Бухорий жамғармаси. 2002.

¹⁷ Ислом энциклопедия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2017. – Б.36.

Валийлик юксак мартабадир. “Валий” сўзи луғатда “дўст” маъносига келади. Валийликнинг энг кичик даражаси – “валояти суғро” мақомидир. Бунинг ишорати шудир: бу даражадаги валий қанча ҳаракат қилмасин, ўз қалбига Аллоҳдан бошқа бир тушунча кирита олмайди. Валийларнинг бу мақомига “фанои қалб” дейилади¹⁸. Валийликнинг кейинги мақомлари “валояти кубро”, “валояти нубувват”, “валояти рисолат”, “валояти улуд-азм” дир.

Ибн Мулаққиннинг (ваф. 804 ҳ.) “Табақот ул-авлиё” рисоласи II ҳижрий асрдан VIII ҳижрий асргача ўтган валийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлиб, унда Аҳмад Ибн Абул Вардининг валий ҳақидаги сўзлари келтирилган: “Аллоҳ агар валий бандада учта нарсани зиёда қилса, унда яна уч нарса зиёда бўлади: мартабасини зиёда қилса, тавозесини, молини зиёда қилса, саховатини, умрини зиёда қилса, риёзат ва мужоҳадасини зиёда қилади”¹⁹.

Ер юзида қиёматга қадар Аллоҳнинг валий бандалари бўлиши ва улардан турли кароматлар содир бўлиши ҳақ ва ростдир²⁰. Бу ҳақда “Сабот ул-ожизин” да кенг баён қилинган:

*Эрур дарҳақ каромат авлиёдин,
Иноятдур салми марга Худодин.
Каромат хориқи одат эрур исм,
Бўлубдур хориқи одат неча қисм.
Набидин хориқи одат не таъйин,
Дедилар мўъжиза, эй толиби дин.
Нубувватдин бурунни дерлар ирҳас.*

¹⁸ Маънавий даражаси бу мақомга келмаган кишига “валий” ёки “авлиё” дейиш жоиз эмас. Яна бу мақомга келмаган биттасининг валийликини иддао қилиши хатодир.

¹⁹ Ибн Мулаққин. Табақот ул-авлиё. 1-ж. 62-б. <http://www.alwarraq.com>

²⁰ Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-ҳанафий. (ваф.370 ҳ.) Шарҳ бадх ул-амолий. Макка, 2001. – Б.278.

Муни билсанг керакдур: “Аййуханнас!”.
Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,
Каромат деб бўлур бешаку ишбоҳ.
Кўрунса бир авом мўъмин кишидин,
Маунатдир ўшал айгон кишидин.
Агар кўрсатса мундог кофир инсон,
Ул истидрож эрур монанди шайтон.
Вале ул орифи биллаҳ бўлса,
Ёмон ишдин қўли кўтоҳ бўлса.
Авомирни ҳамиша қилса ул қул,
Тақи қилма деганни қилмаса ул.
Яратгон Тангрини қўрқинчидин низ,
Қаю шубҳа дегандин қилса парҳиз.
Тақи лаззат билан шаҳватга, эй ёр,
Фуру ҳам кетмаса ул яхши кирдор.
Бу таърифлар кишига бўлса содиқ,
Валийдур ул ақоидга мувофиқ.²¹

Уламолар каромат ҳақлигига Қуръони карим ва ҳадиси набавиядан ҳужжат келтиришган. Жумладан, Жалолиддин Суютий “Ал-хабаруд доллу аҳла вужуд ил-қутби вал автоди ван нужабаи вал-абдол”, имом Муновий “Файз ул-қодир”, Абдулваҳҳоб Шаҳроний “Ал-явоқит вал-жавоҳир”, Хожа Муҳаммад Форсо “Фасл ул-хитоб” асарларида қимматли маълумотлар келтиришган.²²

Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим бобидан бири, бу валийлар мавжудлиги ва улардан содир бўладиган хориқи одатлар, турли мукошафалар ва баъзи таҳсирларни тасдиқламоқ. Аввалги ўтган умматларда бўлгани каби ҳозир ҳам уммат ора-

²¹ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизийн. – Тошкент: “Чўлпон”, 1991. – Б.21 – 22.

²² Жалолиддин Суютий. Жомеъ ал-кабир. 1-жилд, 113-б; Абдулрауф ал-Муновий. Файз ул-қодир. Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937; Шарху ақидат ал-воситийя. 1-ж, – Б. 349.

сида мавжуд ва қиёматга қадар давом этади. Китоб ва суннатдан бўлган қатъий далиллар ўз пайғамбари йўлига мустаҳкам эргашган авлиёнинг каромати ҳақлигига далолат қилади. Каромат хориқи одат бўлиб, уни Аллоҳ дўстларидан бўлган бир валийнинг қўли орқали жорий қилади. Бу унга диний ва дунёвий ёрдам бўлиши мумкин. Мазкур кароматлар бир неча ҳикматларни ўз ичига олади. Биринчидан, у ҳам мўъжиза каби Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати, истак-хоҳишининг ижросига далолат қилади, чунки У хоҳлаган ишини қилгувчидир. Ғор эгалари бўлган (асҳоби Каҳф номи билан машҳур, бу борада Қуръони каримнинг “Каҳф” сурасида батафсил ҳикоя қилинган) йигитларнинг узоқ муддат бир ерда ухлаши ва бу муддат ичида баданининг чиримаслиги, ёки Исонинг (а.с.) онаси Марямга (р.а.) қишда ёзнинг, ёзда эса қишнинг меваларини пайдо бўлиши, ҳатто бундан Закариёдек (а.с.) пайғамбарнинг ажабланиб, сўрашлари каби ишлар, албатта, Аллоҳ қудратининг улуғлигидандир.

Иккинчидан, каромат пайғамбарнинг мўъжизаси жумласидан, чунки валийларда содир бўлган каромат, шубҳасиз, ўз пайғамбарига эрганиши туфайли содир бўлган.

Учинчидан, каромат валийларга бу дунёда берилган хушxabар бўлиб, оқибатдаги яхшиликлар аломатидир. Аммо айрим фирқа ва оқимлар кароматни инкор қиладилар. Бу ботил даъводир. Чунки айтилганидек, каромат соҳибида ҳеч қачон пайғамбарлик даъвоси бўлмайди.²³

Аксарият валийлар ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги сирларни муҳофаза қилиб, кароматни яширганлар, риё мақсадида кўрсатмаганлар. Баҳоуддин Нақш-

²³ Шарҳу ақидаг ал-Воситийя. 1-ж, – Б.349.

банддан каромат талаб қилганларида: “Барча кароматлар калимаи тавҳид билан йўқ бўлгувчидир. Каромат соҳибларининг барчаси парда остида – ҳижобдадирлар, орифлар эса кўздан узоқдадирлар. Бизнинг кароматимиз зоҳирдур. Бовужуди бу навъ гунаҳ юки Ер юзида юра олурбиз. Бизга халқнинг кўнглидаги фикрларидан, ишларидан ва аҳволларидан нимаики зоҳир бўлса, биз ўртада бўлмаймиз. Ё бизга илҳом орқали билдирадилар ёки бирор белги орқали етказиб турадилар”.²⁴ Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Фа иннаҳу янзуру би нуриллаҳи”, яъни валий Аллоҳ нури орқали боқади.²⁵

²⁴ Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. – Б.93.

²⁵ Ўша асар. – Б.93.

БУЗРУК БУВА ЗИЁРАТГОҲИ

Яшаётган қишлоқ ва шаҳарингизда валий зотлар, эл ардоқлаган алломалар дафн этилган зиёратгоҳлар мавжуд бўлса, шубҳасиз, сизда уларни яқиндан билиш имкони туғилади. Ёшлиқдан кўнглингиз улардаги яхши фазилатларни сезгандек бўлади. Аммо негадир истиҳола ё тажрибасизлик қилиб, улар ҳақида эшитган-билган ривоят ва ҳикоятларни ёзишга журъат қилмайсиз. Вақт ўтиб бориши билан улғая борганингизда, сиз билган улўғлар ва уларнинг авлодлари ҳам ғаниматлигини, уларнинг сирли жиҳатларини кашф қила бошлайсиз.

Азизларнинг ҳаётига узоқ умрлик тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда назар соласиз. Шунда безовта фикрлар, илоҳий туйғулар улар ҳақида бир нималар ёзишга ундайди. Ёзганда фойдаси бўладиган жиҳатларни ўйлаб, астойдил ишга киришасиз.²⁶

Маълумки, зиёратнинг бош мезонларидан бири ихлос. Кимки ихлос билан зиёратга келса, нияти ижобат бўлади, деб ўйлаганлар. Бинобарин, “ихлос - ҳалос” тushунчаси остида сидқидилдан зиёрат қилганлар мушкуллардан ҳалос бўлишига ишонч асрлар давомида халқимизнинг турмуш тарзи ва диний қарашларида муҳим аҳамият касб этган. Тарихда буюк шахсларнинг азиз-авлиёларни зиёрат қилишлари туфайли мусибатлардан ҳалос бўлганликлари ҳақида кўнлаб мисоллар келтирилган. Масалан, соҳибқирон Амир Темур ҳаётини олайлик. Абу Ҳафс Насафий бу ҳақда шундай ёзади:

²⁶ Ўроқхон (Раъфиддинхон) хожи шайх Назруллахон ўғли. Ибратли ҳаёт гулшани. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005. – Б. 6 – 7.

*“Нақлдирки, Самарқанд подшоҳлигига тааллуқ топгач, Амир Темур Кўрагон аҳли қулуб ва қубурга мулозамат кўргизиб зиёрат қилди. Улардан мадад ва ионат талаб қилди. Ҳазрати Шайхзода Абу Саъид ибн Шайх Бурҳониддин Соғаржийдан дуо ва мадад талаб қилганлар. Ҳазрати Шайхзода айтганларки, падари бузругворимиз алайҳирраҳма вар-ризвон ҳазрати қутбул-ақтоб Шайх Нуриддин Басир раҳматуллоҳу алайҳа ниёзмандлар ва толибларнинг ҳожат ва талаблару мақсадларини чиқаришда тенглари йўқдир. Биз сизнинг ҳазрати бузруквор қаддаса сирраҳу руҳларига кўп ҳавола қилганмиз. Шунга биноан амири кабир Амир Темур Кўрагон ҳаминша ҳазрати бузрукворнинг зиёратларида мадад ва ионат сўраганлар. Ул жанобдан ионат, имдод ва фатҳлар топиб, соҳибқирон ва даврон нодири бўлганлар”.*²⁷

Биз ҳам ушбу рисолани ёзиш давомида Бузрук бува мазорини ихлос билан зиёрат қилдик. Бошлаган хайрли ишимизга Аллоҳдан тавфиқ ва кўмак сўрадик.

Ривоят қилишларича, Бузрук бува мазорини Махдуми Аъзам, мавлоно Лутфуллоҳ Чустийлар Ахсикентга келганларида тез-тез зиёрат қилиб турар эканлар.

Айтишларича, Мозори Кўҳна қишлоғининг улугларидан бўлган Мулло Мир Усмон охунд ҳар доим Бузрук бува мазорига етмай туриб отдан тушиб, дуо фотиҳа қилгач, яна юз қадамча пиёда юргандан сўнггина отига минар экан. Кунларнинг бирида фаромушлик билан Бузрук бува мазорини олдига келганида отдан тушмабди. Шунда кимдир уни итариб юборгандек бўлибди. Қарасаки, ерда ётганмиш. Шунда “Бундай қилмишимга Бузрук бува хафа бўлди”, деб дуо-фотиҳалар қилган экан.

²⁷ Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Тошкент: “Минҳож”, 2005. – Б.78.

Аҳоли ўртасидаги қарашларга кўра, муқаддас жойлар ҳар доим ўзини-ўзи ҳимоя қилиб келган. Собик шўролар даврида муқаддас жойларни бузмокчи бўлган машиналарнинг сабабсиз ишламай қолиши, мозорларни бузишга қўл кўтарган шахсларнинг турли фалокатларга йўлиқиши, тўсатдан автоҳалокатга учраши, касаликка чалиниб, бевақт оламдан ўтиши, эгаллаб турган мансабидан айрилиб, ақлдан озиши билан боғлиқ ҳолатлар фикримизнинг яққол далилидир.

Бузрук бува тўғрисида ривоятлар

Маълумки, афсона ва ривоятларда соф тарих акс этмайди, балки реал тарихий воқеаларнинг акс-садолари, уларнинг гоёси тарихий шахслар, образлар, жой ва воқеаларнинг номлари орқали ўз ифодасини топади.²⁸ Ўзбек халқ оғзаки ижодининг тадқиқотчиси К.Имомов таъкидлаганидек, ривоят ҳаётий воқеаларни бадийий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи фольклорнинг реалистик характерига хос бўлган алоҳида туридир.²⁹ Чунончи, халқимиз тарихида ўзининг буюк асарлари билан ўчмас из қолдирган алломалар ҳаёти ва фаолиятининг аниқ кўрсаткичлари шу кунга қадар сақланиб қолган ривоятларда ўз ифодасини топган. Гарчанд мазкур ривоятлар тарихий ҳақиқатга бир мунча тўғри келмасда, уларни халқ оғзаки ижодининг бадийий намунаси сифатида нақадар муҳим эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Ривоят қилишларича, замонасининг аҳли илмларидан иккиси Мозори Кўҳнада яшовчи авлиё-

²⁸ У.Жуманазаров. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: “Фан”, 1991. – Б.178.

²⁹ К.Имомов. Ўзбек халқ прозаси. Тошкент, 1984. – Б.88.

ни зиёрат қилиш учун қишнинг чилласида йўлга чиқибдилар. Манзилга етай деганларида совға-саломга нима беришни ўйлаб қолибдилар. Улардан бири халтачадан икки дона қовун уруғини олиб иккинчисининг хуржунига солиб қўйибди. Авлиёнинг хонадонига қадам қўйгунларига қадар хуржундаги уруғлар қовунга айланибди. Улар шу икки қовунни инъом қилибдилар. Бундан мақсад шу қовунлар орқали авлиёни синамоқчи бўлган эканлар.

Авлиё бир хил икки қовунни қўлига олиб, улардан бири етилгани ва иккинчи ҳали хом эканини айтибди. Бу келганларнинг бири илм бобида етишиб қолгани, иккинчиси эса аксинча, ҳали илмда етарли эмаслигига ишора экан. Меҳмонлар бундан хижолат бўлиб қайтиб кетишга изн беришларини сўрабдилар. Шунда авлиё меҳмонни қуруқ қайтариб юбориш одобсизлик эканини айтиб, уларни узум билан меҳмон қилибди. Уларнинг иккиси ҳам тоқдан янги узилган узумни кўриб авлиёнинг улуглигига тан берибдилар. Чунки қиш вақтида бундай янги узумни тановул қилишни улар ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган эканлар. Улар шундан бу зот биз учратганларнинг ичида энг бузруги бўлади, деб унга қўл берибдилар. Ўша эл орасида “Бузрук бува” номи машҳур экан.³⁰

Албатта, мазкур ривоят Бузрук бува мазори учун атайлаб тўқиб чиқарилган эмас. Суюндик Мустафо Нуротой: “Тарихий ҳақиқиқат – шаҳс, макон ва замон уйғунлигида англашилади. Бу ёзма манбаларга таяниш демакдир. Аммо афсоналар ҳам қайсидир маънода мутлақо тўқима нарса эмас. Улар замирида асрлар елкасига ўрнашган нимадир бор. Йўқса,

³⁰ Дала тадқиқотлари. 2018 йил. Тўрақўрғон тумани, Мозори кўҳна қишлоғида яшовчи Рўзибой Аскаровдан (1950 йилда туғилган) ёзиб олинди.

эл азизлаб аждоддан авлодга кўчирмас эди”, деб бе-
жиз таъкидламаган.³¹

Дарҳақиқат, Бузрук бува тўғрисидаги ривоят-
нинг тарихий илдизлари Боб исми авлиё билан
боғлиқ эқанлиги ёзма манбаларда ўз ифодасини то-
пган. Чунончи, Фарғона водийсида Боб исми билан
машхур бўлган авлиёлардан бири хусусида ал-Хуж-
вирий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийнинг
асарларида маълумотлар келтирилган ва улардан
маълум бўладики, Боб (Шайх) Умар Фарғоний Х
асрда яшаган фарғоналик шайх ул-машойихдир.³²
Ал-Хужвирийнинг (ваф. 469/1076 й.) “Кашф ул-маҳ-
жуб” асарида келтирилишича, Боб Умар Фарғоний
Фарғонанинг Ашталак қишлоғида яшаган³³ ва замо-
насининг автодларидан бири бўлган.³⁴ Ал-Хужвирий
Боб Умар Фарғонийни “Автод ул-арз”, яъни “ернинг
тирик таянчи” деб атаган. Ҳақиқатан ҳам, “Аллоҳ-
нинг авлиёлари – ернинг таянчидирлар”, яъни ва-
лийлар Аллоҳнинг раҳматидан озуқаланган, унинг
метин кўрғонида ҳимоя топган, паноҳида муҳофаза
этилган, лутфи билан тарбият топган ва сир-асро-
рига хос қилинган. Бу тоифа Хуросонда шайх, Са-
марқандда хожа, Румда боб, Ҳиндистонда қози дей-
илган. Боб сўзи араб тилидаги эшик, дарвоза сўзига
тўғри келади. Тасаввуфий истилоҳда эса, шайхлар-

³¹ Суюндик Мустафо Нуротой. Хатирчилик табаррук сиймолар. – Тош-
кент: “Муҳаррир”, 2010. – Б. 7.

³² Бу ҳақда қаранг: ҳазрат Мавлавий Жомий. Нафоҳат-ул-унс. О.А.Пор-
цев литографияси. Тошкент: 1915. Б. 614.

³³ Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытые скрѳтого
за завесой для сведующих в тайнах сердец. (Кашф аль-маҳдјуб ли арбаб
аль-кулуб). Старейший персидский трактат по суфизму. Перевод с англий-
ского А.Орлова. Издание первое. Москва: “Единство”, 2004. – С. 88.

³⁴ Автод — арабча, “ватад” сўзининг кўлиги бўлиб, тирик, таянч, қозик
демакдир. Аллоҳга етишган, дунёнинг тўрт томонига масъул этилган ав-
лиёлар жамоаси, валийликнинг муайян даражасига эришган сўфий.

нинг улуғларига “ҳақиқат ва илоҳий камолот йўлига олиб борувчи эшик” маъносида берилган юксак ном бўлган. “Насойим ул-муҳаббат” да зикр этилишича, хуросонлик Шайх Аму (ваф. 441/1049 й.) Боб Умар Фарғоний билан замондош бўлган. Абдуллоҳ Ансорийнинг ҳикоя қилишича, бир куни Шайх Аму Боб Умарнинг зиёратига келиб, суҳбатлашиб ўтирганида, бир киши уларнинг олдига кириб, Боб Умардан қишлоқни *саркабдан* (босқинчи, қароқчидан) ҳимоя қилишни сўраган. Шунда Боб Умар ўчоқ бошида турган офтобани (обдастани) уриб йиқитиб, “Ундан халос бўлдингиз”, деган. Ўша онда саркаб қишлоққа кирмай, отдан йиқилиб, бўйни синган экан.³⁵

Ал-Ҳужвирий Боб Умар Фарғонийнинг кашф-кароматларини ўз кўзи билан кўриш учун Ўзкентдан Фарғонага келган. Боб Умар ундан нима учун келганини сўраганида, Ҳужвирий “То шайхни кўргаймен – сурат била ва андин назаре топқаймен – шафқат била”, (яъни шайхни ўз кўзим билан кўриб, унинг марҳаматига сазовор бўлишдир), – деганида, Боб Умар “Сен тавба қилиб, тасаввуф йўлига кирганинг, бу ерга келишни ихтиёр этганингдан бери кўз ўнгимдасан”, деб бир санани айтади. Ал-Ҳужвирий ҳисоб-китоб қилганида, унинг ҳисоби Боб Умар айтган муҳлат билан тўғри келган. Боб Умар ал-Ҳужвирийга насиҳат қилиб: “Йироқ йўл қатъ қилиш ўғлонлар ишидир. Мундин сўнгра зиёратни ҳиммат билан қил. Шахс анга қари қилмаски, они зиёрат қилғайлар ва ашбаҳ зуҳуриға ҳеч нима боғлиқ эмас” (яъни дунё бўйлаб саёҳат қилиш болаларнинг эрмаги, ҳар бир ишда ҳиммат лозим, бир шахс зиёрати

³⁵ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. — Тошкент: “Фан”, 2001. – Б. 372.

учун вақтни зое қилиш ҳамда шаклпараст бўлишда ҳеч бир маъно йўқ), – дейди.

Бундан кўринадики, Боб Умар кашф-кароматда ўз даврининг буюги бўлган, хоҳлаган кишиси билан илоҳий робита ўрнатиб, фикр алмашган. Унинг хотини Фотима ҳам каромат соҳибаси, яъни учини қобилиятига эга бўлган.³⁶ Ал-Хужвирий бу ҳақда “*Кашф ул-махжуб*” асарида алоҳида қайд этган. Қиш фасли бўлишига қарамай, Боб Умарнинг хотини Фотима барқанда янги узилган узум ва хурмоларни келтирган. Шуниси ажабланарлики, Фотима келтирган мевалар Фарғонада мавжуд бўлмаган.³⁷

Келтирилган маълумотлардан англашиладики, Боб Умар Фарғоний сингари Бузрук бува ҳам ўз даврида Аллоҳнинг сирлари, куч-қудрати, фазлу камолини тўлалигича англаган валий зотлардан бири бўлган. Қадимда Фарғона атамаси айнан Ахсикентга нисбатан ҳам қўлланганлигини эътиборга олсак, эҳтимол, уларнинг иккиси ҳам айнан бир зотдир. Фақат бу тахмин холос. Иккисининг яшаган даври ва кароматлари айнан бир хил бўлганлигини назарда тутсак, гўё бир инсон ҳақида сўз юритаётгандек бўламиз. Умуман олганда, юртимизда Боб Умар Фарғоний, Бузрук бува каби кўп улуғлар яшаб ўтганлиги бизларни уларга муносиб авлодлар бўлишга ундайди.

Шу ўринда яна бир қизиқ маълумотни келтириб ўтсак. Замонасининг забардаст шоири ва соҳиби каромат Зиёвуддин Ҳазинийнинг (1867 – 1923) чевараси Садриддин Ҳайдаровнинг айтишларича, Зиёвуд-

³⁶ Бу ҳақда қаранг: хазрат Мавлавий Жомий. Нафохат ул-унс. О.А.Порцев литографияси. Тошкент. 1915. – 614 б.

³⁷ Бу ҳақда қаранг: Б.Эралиев, И.Остонакулов, Н.Абдулаҳатов. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Андижон ва Наманган вилоятлари. Иккинчи китоб. Тошкент: “Tugon Zamin Ziyu”, 2014. – 320-б.

дин Ҳазиний яқинларидан бири бўлмиш Низомиддинхожанинг чевараси Бобоҳон эшон ҳам (XX аср бошларида вафот этган) аҳоли орасида “Боғдорхон эшон” номи билан машхур бўлган. Уни “Боғдорхон эшон” лақабини олишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан.

Бобоҳон эшон Қудаш қишлоғида истиқомат қилаётган кезлари уни синаш мақсадида Худоёрхон³⁸ айти чилла чоғида ўз мулозимларидан бирини сават ва челак билан Бобоҳон эшон ҳузурига юборади. Бобоҳон эшон мулозимнинг нима мақсадда келганлигини англаб, саватни узум билан, челакни бўлса анжирга тўлдириб қайтариб юборган эмиш. Худоёрхон мулозим олиб келган меваларни кўриб, Бобоҳон эшонни чиндан кароматли Боғдор эшон бўлганлигини тушуниб етган экан.

Ҳазинийнинг чевараси Наргизахон Мансурхон қизининг таъкидлашича, ўтмишда Катта кенасликлар орасида Ҳазиний тўра ҳам қиш пайтида кўнгли шафтолини тусаб қолган муридларидан бирига пишган шафтоли бергани ҳақида ривоят машхур.³⁹

Шу ўринда авлиёлар билан боғлиқ шафтоли мавзусига доир яна бир мисол. Одамларга қишда янги пишган шафтоли тақдим қилгани учун “Шафтоли бува” номини олган Шоҳи Толиб зиёратгоҳи ҳақида олтиариқликлар орасида қуйидаги ривоят шу кунгача сақланиб қолган.

³⁸ Аҳоли орасида сақланган ривоятларда Қўқон хонлари билан бўлган воқеаларнинг аксариятини Худоёрхонга нисбат бериш ҳолати кузатилади. Гарчанд, тарихий воқеалар ва шахслар яшаган замон тарихий жиҳатдан бир-бирига мос тушмаса-да, уларни Худоёрхон замонида бўлган, дея талқин қилинади.

³⁹ Бу ҳақда қаранг: Н.Абдулаҳатов, С.Масонов, И.Тўхтабоев. Ҳазиний юрти. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. – 290 б.

“Кунларнинг бирида Олтиариқдан юртнинг подшоҳи ўтиб кета туриб чанқаб, муздек сув ичгиси келибди. Аммо мулозимлари унга ўзи истаганидек сув топиб бера олмадилар. Подшоҳ бундан ғазабланиб: Наҳотки шундай жойда бир коса сув топилмаса”, деб шу ерлик одамларни қаттиқ ҳақоратлабди. Бу гап Шоҳ Толибнинг қулоғига етиб борибди. Кўп ўтмай, қаҳратон қишнинг айна чилласида подшоҳ яна Олтиариқдан ўтиб кета туриб, одамларни синаш учун бир коса сув сўрабди. Шунда Шоҳ Толиб подшоҳга сув ўрнига чанқоғингизни босади, деб бир товоқда шафтоли олиб чиқибди. Подшоҳ шафтолини кўриб ҳайратга тушибди ва Шоҳ Толибдан: “Бу шафтолини ҳозир уздингизми?” – деб сўрабди. Шоҳ Толиб: “Олампаҳо, шафтоли ёзнинг айна саратон вақти узиб қўйилган эди. Сизнинг ризқингиз бор экан, Худонинг марҳамати билан шу кунгача турди”, дебди. Авлиёнинг бу гапларни эшитиб, подшоҳ бу ернинг “Хизр назар қилган жой” эканлигига ишонибди ва аввалги ножўя сўзлари учун узр сўрабди. Ўшандан бери Шоҳ Толибни одамлар Шафтоли Азиз бува деб атай бошлабдилар”.⁴⁰ Тошмак ота Тожибоевнинг сўзларига қараганда, Шоҳ Толиб ҳазратлари бирон-бир кишига кўринса, албатта, унга қиш бўлса ҳам, янги узилган шафтоли тухфа қилар экан”.⁴¹

Бинобарин, Аллоҳ валийларни ўз ҳимоясига олган ва уларни ҳамма билишини хоҳламайди: “Авлиёлар менинг хос кишиларим, улар менинг рашк қаболарим ичида яшириндирлар”.⁴² Демак, авлиёлар Аллоҳнинг дўсти ва Аллоҳ уларни барчага ошкор

⁴⁰ Бу ҳақда қаранг: Н.Абдулаҳатов, В.Азимов. Олтиариқ зиёратгоҳлари. Тошкент, “Шарқ”, 2005. – 112 б.

⁴¹ Н.Абдулаҳатов, В.Азимов. Олтиариқ зиёратгоҳлари. Тошкент: “Шарқ”, 2005. – Б. 52.

⁴² Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс-тожик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. – Тошкент: “Маънавият”, 1997. – Б.87 – 88.

қилишни истамайди ва пинҳон сақлайди, чунки валийлар Аллоҳ сир-асрорининг эгаси ҳамда илоҳий амрларнинг бажарилиши учун масъулдирлар.⁴³

“Бузрукбува” мозори ҳақида Абдуғаффор ота ҳикояси⁴⁴

“Мен 14 ёки 15 ёшда эдим, бир куни онам Баҳринисо биби билан бирга Бузрукбува қабрларининг зиёратига борган эдик (1958 ёки 1959 йиллар). Бу зотнинг қабрлари оддийгина эди, онам Қуръон тиловат қилиб, савобини бахшида қилдилар, мен қизиқиб қабрнинг атроф-чеккасига қарадим, шунда қабрнинг кунботарида, қибла томонида ўрнатиб қўйилган қабртошга кўзим тушди. Бу тош чамаси бўйига 60 см энига 40 см бўлиб, анчагина қалин эди. Тош оч қизғини рангда бўлиб, ёзувлари оқ рангда эди. Бу воқеа ҳозиргача эсимдан чиқмайди. Ундан кейинги йилларда қабр тош тақдири нима бўлганини билмайман”.

“Бузрукбува” мозори ҳақида Ҳусниддин ҳожи ҳикояси

Тўрақўрғон туманидаги Бураматут қишлоғида 1933 йилда туғилган ва ҳозирда шу қишлоқда яшаб келаётган Ҳусниддин ҳожи Мулло Шамсиддин махсум ўгли Мозори Кўҳна қишлоғидаги Бузрукбува ҳақларида оталари Мулло Шамсиддин махсумдан эшитган-билганларини қуйидагича ёдга олади.

“Ёшлик пайтларимизда, 1938 – 1940 йиллар атрофида, қўшни қишлоқ Мозори Кўҳнага ўйнагант ўтардик,

⁴³ З.Исҳокова. Боб Умар Фарғоний // “Имом Бухорий сабоклари”. 2008. №3. – Б.201 – 202.

⁴⁴ Дала тадқиқотлари. 2019 йил. Тўрақўрғон тумани Мозори Кўҳна қишлоғида яшовчи Абдуғаффор Режаматовдан (1944 йилда шу қишлоқда таваллуд топган) ёзиб олинди.

ўша пайтларда Бузрукбува қабрларини кўрар эдик. Бу зотнинг қабрлари оддий тахта ёғочдан тўртбурчак қилиб, ўртасини тупроқ билан кўтариб қўйилган бир дўмса эди, унинг тепаси очик эди, қамишлар ўсиб ётарди, қабрнинг бош томонида бир кичик ёғоч ўрнатилган ва унга оқ мато осиб қўйилган бўлиб, бу ердаги бошқа қабрлардан ажраб турар эди. Қабрнинг қибла томонидан шимолроқда бир уй бўларди, бу уй чиллахона эканлигини кейинроқ билганмиз. Чиллахонага ҳеч ким кирмас ва киргани ҳам қўрқар эди.

Отамиз раҳматли ўша даврларнинг (1930 – 1940 йиллар) алгов-далгов йилларида кўрган-билганларини ҳикоя қилиб берар эдилар. Ўша йиллари колхозлаштириш (жамоа хўжалиги) авж олган эди, далаларга асосан пахта экилар эди, тупроқ унумдорлигини ошириш учун эски уйлар томининг тупроқларини, пахса деворларни бузиб (ўша йилларда “Бузрукбува” мозори атрофидаги пахса деворларни ҳам бузишган, деган гаплар ҳам бор, бунда асосан комсомоллар фаол бўлган, лекин улар кўп яшамаган, дейишади), далаларга ташиб, солинар эди. Шундай кунларнинг бирида колхоз раиси Бузрукбува қабрларининг қибла томонидаги, юқорида айтганимиздек, чиллахона томини ҳам бузиб, тупрогини далага ташиб чиқаришга кўрсатма беради. Колхоз аъзоларидан бир неча кишиларни бригадир эрталаб бошлаб келади ва чиллахона томини бузишни буюради. Лекин одамлар қўрқиб, бу ишга кириша олмайди. Тушдан кейин колхоз раиси келади ва ишчиларнинг томни буза олмай турганларини кўриб, жаҳли чиқади ва шахсий намуна кўрсатишга киришади. У қўлига кетмон олиб: “Бу томни бузса нима бўлади?!” – дейди беписанд, – “Мана, мен кетмон уриб бераман”, – деб, томни бузишни бошлайди.

Шу кунни кечқурун қўшни Бураматут қишлоғидаги қишлоқ совети биносида шу атрофдаги колхозларнинг

раислари ва фаоллари иштирокида дала ишлари юзасидан мажлис бўлади (бу қишлоқ советига бешта колхоз бирлашган бўлиб, ўша даврда совет раиси мозори кўҳналик Иброҳимжон бува Назаров эди. Мозори Кўҳна қишлоғидаги колхоз номи “Зарбдор” бўлган, бу ном ҳозирда МФЙ номи сифатида сақланиб қолган).

Мажлис кеч тунда тугайди, биз ҳикоя қилаётган колхоз раиси мажлисдан олдинроқ чиқиб, отда уйига жўнайди, икки фаол – Мамаджон Қамбаров ва Мамаджон Парпиев қишлоққа пиёда қайтишади. “Бузрукбува” қабристонининг шарқ томонидан оқиб ўтувчи Мозорариқ кўпригига етганларида, ўзларидан бир оз олдин жўнаган раиснинг оти безовта ҳолда кишнаб турганини кўришади, раиснинг ўзи эса йўқ эди. Раиснинг исмини айтиб чақиринишади, қидиринишади ва уни ариқнинг ичидан шалаббо ҳолда топинишади. У ҳушсиз экан, кўтариб, уйига олиб бориб қўйинишади. Эртасига эрталаб раиснинг аҳволини билиш учун боришса, унинг ҳолати жуда ҳам ачинарли эди. Тезда отаравада туман марказидаги шифохонага олиб боришади. Шифокорлар саъй-ҳаракати самара бермай, беморнинг ҳолати тобора ёмонлашади ва уни сақлаб қолиш умиди узилиб, уйига қайтариб олиб кетинишади. Раиснинг отаси бўлиб ўтган воқеалардан хулоса чиқаради ва ўғлининг аҳволини ўнглаш илинжида бозордан кетма-кет уч кун мол олиб келиб, “Бузрукбува” қабристонига қурбонлик қилади. Бу иш ҳеч қандай натижа бермайди. Шунга қарамай, ота тўртинчи бор, яъни уйидаги соғин сизирни олиб келиб, уни ҳам сўйиб эҳсон қилмоқчи бўлганида, шу қишлоқ аҳли илмларидан бири: “Эй фалончи, ўнинчи молни сўйиб эҳсон қилсанг ҳам фойдаси йўқ, чунки ўқ отилган ва нишонга теккан”, – дейди. Раис қаттиқ азоблар тортиб, тез орада вафот этади. Қабр қазувчилар жуда қаттиқ машаққат тортишади, чунки қабр

ўрни қаттиқ чиққани учун иш унавермайди. Раисни қабрга қўйган киши ҳам номаълум касаллик сабаб тез орада вафот этади. “Бузди-бузди” жараёнида фаол қатнашган комсомоллар ҳам тез вақтда ҳар хил касаллик билан ҳаётдан кўз юмади, улар орасида раиснинг ўғли ҳам бўлади.

Бу гапларни катталардан кўп эшитгандим, аммо воқеа қайси йиллари бўлганини аниқ айтолмайман...”

(Дарҳақиқат, бу воқеаларнинг қайси йилларга тўғри келиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин катта ёшлилар 1928 – 1938 йиллар орасида содир бўлганини тахминан қилишади. Бу ҳодисаларни ўша даврдаги қишлоқ совети раиси Иброҳимжон бува Назаров ҳам ҳикоя қилиб бергани ҳақида маълумот бор).

Маҳмуджон ҳожи Мулло Шаҳобиддин ўғли ҳикояси⁴⁵

Аслида Мозори Кўҳна тарихи борасида сўз айтишига лойиқ эмасман: аввало, билимим оз, қолаверса, мазор тарихидан хабардор бўлган катталар бу дунёдан ўтиб кетган (барчаларини Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин), лекин, оз бўлса-да, кўрган ва эшитганларимни Аллоҳ қодир қилганича айтиб бераман. Авваламбор ўтиб кетганлар ҳақида ёмон фикрлар гапирмаслик кераклигини устозим айтар эдилар. Аллоҳ кечирсин, Ислом дини йўлида бўлган хизматлари учун баён қилинган воқеалар тасдиғи учун (бу ерда асосан вақф қозғолари ҳақида гап кетаяпти) гапириб ўтганларнинг номини ёзишни лозим топдим. Аввало қишлоқ тарихида келтирилган (вақф қозғоларида) маълумотларни ўқиб чиқиб, ўтган

⁴⁵Дала тадқиқотлари. 2018 йил. Тўрақўрғон тумани Мозори Кўҳна қишлоғида яшовчи Маҳмуджон ҳожи Мулло Шаҳобиддин ўғлидан (1934 йилда шу қишлоқда таваллуд топган) ёзиб олинди.

ота-боболаримиз одиллик билан аниқ-аниқ, ҳеч қандай шубҳасиз, мукаммал, гувоҳлар билан пухта иш қилганига амин бўлдим.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, шундай одил, билимдон, Ислом дини билан сугорилган, доно ва камтар юртбошини насиб этганига. Ислом дини йўлидаги улуғларни, Аллоҳнинг дўстларини ва азиз-авлиёларни ҳаммага танитиши йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Халқлар ўртасида адолат ўрнатмоқдалар. Яхши ишлар бардавом бўлса, Аллоҳ нурини кўпроқ тўкади, қиладиган ишларимиз баракотли бўлади, юртимиз янада обод бўлади. Аллоҳ таоло умрларини зиёда қилсин, мартабаларини бундан ҳам улуғ қилсин. (Маҳмуджон ҳожининг юртбошимиз ҳақларига қилган дуолари).

Энди яна қишлоғимиз тарихига ўтсак... Мозори Кўҳна қишлоғи марказида “Лашкартут” масжиди бўлган, ҳозир Лашкартут (дарахти) бор. Масжиднинг шимол ва гарб томонидан йўл ўтган, масжид яқин кунларгача мавжуд эди. Бу масжид эскириб қолганлиги боис, унинг қурилиш ашёларини катта йўлнинг жануб томонида янги қурила бошланган масжидга ишлатиш мақсадида бузиб олинган, аммо янги масжид ҳали битмаган ҳолда турибди. Масжид, мадраса ва қироатхоналарга вақф қилиб ер берган аждодларимиз ҳақида, афсуски, кам биламиз.

Мозори Кўҳна ариғи (вақф қогозларида Жўйи мозори кўҳна ариғи дейилган) Бузрукбува қабрларининг шарқий томонидан ўтган. Яна бири “Лашкартут” масжиди ёнидан ўтган. Бу ариқ ўз сувини аввал Косонсойдан оқиб келувчи сойдан олган. Мазкур ариқ қишлоқнинг далаларини сугорган. Ҳозирда ҳам ушбу ариқ қишлоқнинг барча ерларига сув етказиб беради, аҳолининг асосий қисми

шу ариқ сувидан ичади. Эндиликда ариқ суви Шимолий Фаргона каналидан келади.

Мозори Кўҳна қишлоғидаги 1 та мадраса ва 3 ёки 5 та масжид бўлган. Мадраса Бузрукбува қабрлари ёнида жойлашган эди. Масжидлардан бири – “Сирли масжид” катта йўлнинг шимол-ғарбида жойлашган эди. “Лашкартут” масжиди ва яна битта масжид қишлоқнинг шарқий томонида бўлган. Ҳозирда 2 та масжид бор, қайсиси кимнинг масжиди экани ҳақида маълумот йўқ.

Бузрукбува қабрларининг шимолий томонидаги мадраса ёнида қорихона бўлганлиги тахмин қилинади. Бу мадраса, масжид ва қорихоналарга вақфномалар тузилган вақтда гувоҳ бўлганлардан бирлари Мулло Султонқул охунд, яъни камина Маҳмуджон ҳожининг катта оталаридир. Яна бир гувоҳ Мулло Шавқий охунд, бу кишининг ўғли (Калвак қишлоғида) мулло Лутфиддин ва бу кишининг ўғли мулло Исоқжон Махсум бўладилар.

Яна Бузрукбува ҳақларида... Мозори Кўҳна қишлоғидаги Мозорариқнинг ғарбий томонига, улуғ зот Бузруква (халқ тилида) қабрларининг шимол томонига туташган жойда мадраса бўлганини катталардан кўп эшитганмиз. Бузрукбува қабрларининг қибла томонида чиллахона ва бошқа зиёратгоҳлар бўлиб, бу табаррук жойга қишлоқ аҳли жуда катта ҳурмату эҳтиром билан қараб келган ва ҳозир ҳам шундай. Биздан аввал яшаб ўтган ҳамқишлоқларимизнинг айтишларига кўра, йўлдан ўтаётган отлиқ кишилар Бузрукбува қабрларига яқинлашганларида отдан тушиб анча жойгача отни етаклаб ўтган. Бузрукбува кимликлари ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас, аммо ҳозирга келиб бу улуғ зот ҳақида маълумот топишга сабъ-ҳаракатлар бошланган. Аммо шубҳамиз йўқки, бу зот

Ислом динига хизмат қилган, динни тарқатганлардан бўлганлар.

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин ва айниқса, ҳозирги кунларда “Бузрукбува” зиёратгоҳини қайта қуриш, таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда саховатли кишилар ўз меҳнатлари ва маблағларини аямаяптилар. Иншааллоҳ, бу қилинган хайрли ишларга Аллоҳнинг ўзи улкан ажр-савобларни ато этган бўлсин. Омийн!

Шўро даврида коллективлаштириш, яъни жамоа хўжалиги тузилган дастлабки пайтларда Мозори Кўҳна қишлоғида “Зарбдор” номли колхоз бўлган. Ўша пайтдаги кишиларнинг айтишларига қараганда, бу ерда ён-атрофдаги колхозларга нисбатан пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари мўл-кўл бўлган ва ҳар йили давлат режасини ортиги билан бажарилган. Шунинг учун бу жамоага “Зарбдор” деб ном қўйилган. Бу колхозни, шу ерда ётган улуг зот Бузрукбува шарофати туфайлими, Аллоҳ таоло турли (дўл, сел, жалла, иссиқ, совуқ ва бошқа) офатлардан сақлаган. Аллоҳнинг бу инояти учун барча-барча ақл эгалари беадад-беадад ҳамдлар айтиб, шукрлар қилишарди, дейишади.

Совет даврида Мозори Кўҳна қишлоғидан, яъни “Зарбдор” колхозидан Москвага – Олий Советга депутат сайлаш учун юқоридан вакиллар келган, улар қишлоқ номини таржима қилиб кўришган ва уларга маъқул бўлмаган. Қишлоққа бошқа ном қўйишни таклиф қилишган, бу таклиф колхоз фаоллари ўртасида ўрганилиб, қўшни қишлоқ номи билан, яъни “Бураматут сайлов участкаси” деб ёзилган. Шу сабабли қишлоқда кейинги ҳужжат ишлари (почта, китоблар, идора ҳужжат ишлари, қишлоқ кенгаш йигилишлари ва бошқалар) Бураматут номи билан юритилган. Бу воқеаларни шу ишларда иштирок этган марҳумлар (Аллоҳ раҳ-

матиға олган бўлсин) тириклик чоғида айтиб ўтганлар. Бу маълумотларни мен ҳам кўп қишлоқ аҳллари қатори, ўз қулогим билан эшитганман.

Энди қишлоқдаги мадраса ҳақида билганимча айтиб бераман. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мадраса Бузрукбува қабрларининг шимол томонида жойлашган бўлиб, унинг ўрни тахминан 20-30 сотих атрофида бўлган. Шўролар даврида мадраси жойлашган ер бир неча гектар экин майдони билан Мозорариқдан 600-700 метр атрофидаги селхона, ташлама ариққача қўшни Бурамадут қишлоғидаги (ўша пайтдаги) Куйбишев номли колхоз ерига қўшиб юборилган. Натижада икки қишлоқ ўртасида мадраса талаш бўлган (бу иш Совет даврида атайлаб қилинганми, бу бизга номаълум). Шу даврда Мозори Кўҳна қишлоғидаги “Зарбдор” колхоз раисининг ўғли А. комсомол бошлиғи бўлиб, мадрасани бузишга биринчи бўлиб кетмон уриб берган, шундан кейин одамлар мадрасани бузиб олганлар. Орадан кўп ўтмай колхоз раиси билан боғлиқ бир воқеа юз берган. Бузрукбува қабрларининг шарқий томонидаги Мозорариққа қурилган кўприк тағида ҳушсиз ҳолда сувда ётган рангни кўришган ва уни сувдан олиб чиқиб, уйига олиб кетишга кетганда қоралиб қолган. Раис уйида 2 – 3 кун ётиб ўлим топганини бу воқеага гувоҳ бўлган одамлар баён қилишган. Кўп ўтмай ўғли А. ҳам вафот этган. А.ни биз болалик чоғимизда кўриб юрар эдик, аммо раисни билмас эдик. Бу воқеаларни ҳикоя қилганларнинг исми шарифлари маълум, лекин андиша ва истиҳола туфайли аниқ ёзмадик. Мен ақлимни таниганимдан кейин ҳам иш жойида, одамлар орасида, йиғилишларда бу воқеа ҳақида кўп бора эшитганман.

Мадраса ўрни кейинчалик мактаб стадиони бўлган, бу ерда болалар тўп ўйнаб кўп шикастланишар эди, турли жароҳатлар тошар эди. Менда ҳам ҳозиргача жа-

роҳат ўрни бор. Оқибатда стадионни бошқа жойга кўчирилган. Мадраса атрофида қироатхона ва чиллахона ҳам бўлган, лекин менда бу ҳақда маълумот йўқ”.

* * *

Авлиёлар ва уларнинг қабрларини мазах қилиш нақадар аянчли оқибатларга олиб келиши ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Жумладан, Икромиддин Остонақуловнинг “Фарғоналик валийлар” асарида қуйидаги воқеа баён этилган: “Кунлардан бир кун шум ниятли кишилар Азимхўжа эшон исмли авлиёни мазаммат қилиш учун бир одамни ўлди деб гап тарқатиб, тобутга солиб, жаноза намозига одам йигишади. Жаноза намозини сиз ўқинг, деб эшондан илтимос қилдилар. Эшон жаноза намозини ўқийди. Шунда шумлар: “Бу одам ўлгани йўқ эди, сизни синовдик”, деб кулишади. Шунда Азимхўжа эшон: “Очиб қаранглар, балки ўлгандир”, дейди. Тобут устини очиб қарашса, ҳалиги одам чиндан ҳам ўлиб ётган экан”.⁴⁶

Эркин Абдуллаев “Оғир қилмиш интиҳоси” номли мақоласида Нуротада туманидаги ҳазрати Али зиёратгоҳини топтаб, менсимаган кишининг аянчли тақдири ҳақида шундай ҳикоя қилади:

“Бу воқеани менга бир неча йил муқаддам Ғозгондаги катта эски қабристон қоровули Ҳамро бобо ҳикоя қилиб берган...”

Йўлдан кетиб бораётган эдим. Қабристон ичида оппоқ бир нарса кўринди. Дастлаб қўрқдим ва тўхтадим. Бироз кутдим. Ҳеч қандай ҳаракат сезилмади. Яқинлашиб қарасам, Т. бобонинг жасади. Юзи очиқ, кўзлари ўрни ўрадек кўриниб турибди. Бир амаллаб жойдаги

⁴⁶ Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар. Тошкент: “Мовароуннахр”, 2001. – Б.79.

очик қабрга тушириб, кетмон билан устига тупроқ тортидим. Бу ҳолат иккинчи кунни ҳам такрорланди. Ёзу гал мурданинг бурни, қулоқлари гажиб ташланган эди. Яна уни қабрига жойлаштирдим ва ўзимга зиён етмасин, деб ҳеч кимга огиз очмадим.

Буни қарангки, учинчи кунни ҳам қабристон яқинидаги катта йўлнинг қоқ ўртасида Т.нинг жасади ётар, кафан титилиб кетган, энг даҳшатлиси, мурданинг боши йўқ эди. Ҳали вақтми. Кўчада ҳеч ким йўқ. Зудлик билан яқиндаги сўрковнинг унча бориб, уни уйғотиб келдим. Икки киши жасадини бир амаллаб қабрга элтдик. Шеригим бориб кекса муллони олиб келди ва у жа-ноза уқиди. Қабристондан қайтар эканмиз, мулло бобо бу воқеани ҳеч кимга айтмаслигимизни тайинлади.

– Раҳматли Т. ўтган асрнинг 30-йилларида ком-мунистик фирқанинг каттаси эди. Биласизки, Шо-ҳимардон масжиди бутун дунёга машҳур. Ана шу зи-ёратгоҳни омборхонага айлантирди. Лекин бирор киши шу ерда ишлашга рози бўлмади. Шунда Т. кўпчиликнинг олдида улкан қабрга отга мингандек миниб олди-да: “Агар шу қабрнинг бирорта каромати бўлса, мана, менга кўрсатсин”, деб қўлидаги қамчи билан қабрни савалади. Тавба қилдим, шунча вақтдан кейин ҳам қил-мишига ярашаси қайтибди-да!”⁴⁷

Шу ўринда Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг (1103 – 1179) қуйидаги сўзларига эътибор берайлик:

“Эй одамлар, авлиёларнинг кароматини ҳақ деб би-линг, подшолик боргоҳининг соҳиб валоятлари мақо-мотларини ҳақиқий деб ҳисобланг, меҳрибонлик наза-рини ташувчилар деб тушунинг, суҳбатларини офтоб каби қадрланг, уларга ҳимматингизни қаратинг. Шун-дай қилсангиз, шояд, Аллоҳнинг тавфиқи сизга рафиқ

⁴⁷ Э.Абдуллаев. Оғир қилмиш интихоси. “Даракчи”. №42 (345)

бўлиб, азизларнинг ахлоқи тарбиясидан шундай саодатга етсангиз!"⁴⁸

Азиз-авлиёлар Худонинг қиличи экани тўғрисидаги халқона қарашлар ҳам эътиборга молик. Манбаларда келтирилишича, XIII асрда яшаб ўтган фарғоналик ҳазрат Бурҳониддин Қилич муслимларга ниҳоятда раҳм-шафқатли, Худонинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, шукронасини адо қилмайдиган жоҳилларга нисбатан эса қаҳрли бўлган экан. Жоҳиллардан бир нечтаси ул зот ҳақида ғийбат қилганларида, уларни ўз ҳузурларига таклиф этиб, шифтга соч толасига осилган жуда ўткир тигли қилични кўрсатган экан. Икки томонли тиғи ўткирланган ва ойнадек мусаффо (ялтироқ) қилич шуъласига пашша-ю қўнғизлар ўзларини урар, қилич тиғига тегиб, икки бўлиниб ерга тушар ва ҳалок бўлар эди. Шунда Султон Бурҳониддин ғийбатчиларга қараб: "Айтинглар-чи, айб шамширдами ёки қўнғизу пашшадами? Сизлар ўзларингизнинг айбингиз бирлан ўзингизни қиличга уриб, ҳалок бўласизлар!", дейди. Шу воқеа ҳам сабаб бўлиб, Султон Бурҳониддин номига "Қилич" лақаби қўшилган экан"⁴⁹.

⁴⁸ Хожа Абдухолик Гиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: "Ўзбекистон", 2003. – Б. 72.

⁴⁹ Қаранг: К.Қараффа-Корбут. Узгенская легенда // Протоколы и заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год 2-й (11 декабря 1896-11 декабря 1897). Ташкент, Протокол заседания 16/X/1897 г; В.Орлов. Клыч Бурханиддин, сын Саид-Камаледдина (Узгенский Георгий Победоноец) // "Туркестанские ведомости". 13(26). 04.1908, № 82; Махмуд ибн Вали. Море тайн. Тошкент: "Фан", 1977; Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Самарқанд: "Сугдиён". 1994; К.Қаттаев, Махдуми Аъзам ва Дахбед. Самарқанд: "Сугдиён", 1994; Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. Тошкент: "Ўзбекистон", 1996; С.Н.Абашин. Бурханиддин-Кылыч: ученый, правитель, чудотворец? // Подвижники ислама. Москва: "Восточная литература", 2003; Джамал ал-Карши. Ал-Мулҳакат би-с-сурах. История Казахстана в персидских источниках. I том. Алматы: "Дайк-Пресс", 2005; M.SAWADA, Genealogy of Makhdūm-i A'zam and Cultural Tradition of Mazārs // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hnjjiang. 2008.

Шу ўринда валийлик тўғрисидаги баъзи бир халқона қарашлар хусусида тўхталиб ўтсак. Масалан, авлиёлар дуосининг ижобат бўлиши тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳақда Фаридиддин Аттор шундай нақл қилади: *“Нечунким, Яхё ибни Муоз раҳматуллоҳи алайҳ дунёдан ўтганидан кейин уни тушида кўрдилар ва сўрадилар: “Аллоҳ таоло сенга не қилди?” деб. Айтдики, “Роббим хитоб этди: “Ё Яхё! Менинг сен билан қаттиқ жазолов ишларим бор эди, аммо бир кун Мени сўзлар эрдинг ва сўзлаб-эслаб таъзим қилар эдинг. Менинг валиларимдан бирови у ердан ўтар экан, сенинг таъзим ила мадҳу сано этишингни эшитиб, вақти хуш бўлди ва сени дуо қилди. Ушал валининг дуоси баракоти ила сени ҳам дўстларимдан қилдим ва сенга раҳмат айладим!”⁵⁰*

Ҳирот пирларидан Абдуллоҳ Ансорий (1006 – 1088) қуддиса сирруху (Аллоҳ унинг сирини муқаддас тутсин) ўз асҳобларига: *“Ҳар пирдан бир сўз эслаб қолинг, агар бу қўлингиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра топасиз”*, дея васият қилган эди.⁵¹ Чиндан ҳам Худонинг дўстлари, деб аталувчи улуғ зотлар бўлган авлиёлар номини ёдга олиш, уларнинг файзи осори қутлуғ, сербаракот қабрларини зиёрат қилиш қадимдан савобли ишлар жумласидан ҳисобланган. Зеро, Низомиддин Мир Алишер Навоий авлиёлар тазкираларини ўқишнинг фазилатлари ҳақида: *“Умид улки, бу залолат водийсида гумроҳдек маҳрумлар бу ҳидоят олами раҳнамойларининг оёғи тупроғи бирла тийра бўлгон ботин кўзларин ёрутмоққа баҳраманд бўлгойлар ва хокисор бошин*

⁵⁰ Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 1997. – Б.4.

⁵¹ Абдурахмон Жомий. Баҳористондан. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 296.

оёқларга туфроқ қилмоқ бирла сарбаланд бўлгойлар”,⁵² деб ёзган эди. Бундан кўринадики, ҳазрат Алишер Навоий авлиёларни “ҳидоят оламининг раҳнамойилари”, яъни тўғрилиқ оламининг сарбонлари, деб таърифлаган.⁵³

Тасаввуф тариқатининг улуғ намояндаларидан бири ҳазрат Махдуми Аъзам (1463/64 – 1542) ўзининг “Рисолаи вужудия” асарида валийлар хусусида қуйидаги таърифни келтиради: “Валийнинг уч белгиси бор, у баъмани, унинг юзини кўрсанг, меҳрингни тортади. Иккинчиси, мажлисда у маънили сўзлаганида, ўз борлиги ва сўзлари билан ҳаммани ўзига тортади. Учинчиси шуки, баъманиликда у оламнинг энг хосидир. Унинг бирор узвидан ёмон ҳаракат юзага чиқмайди”.⁵⁴

“Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби” асарида авлиёлар хусусида ушбу маълумотлар келтирилган: “Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: “Марди Худолар (яъни авлиёлар) билан беллашмоқ ва ўзида сезган баъзи ҳолатлар билан мағрурланмоқ лозим эмасдир. Истигно ва истикбордан шумроқ нарса ва куфр йўқки, охирги ҳоли ва оқибати қийинчилик бўлмай. Аллоҳдан тавфиқ ва кўмак тилаш керакким, то иршод аҳлининг иноятини топсинлар ва Ҳақ таоло тавфиқини азизларнинг инояти ва муҳаббатидан деб билсинлар.

Мардларнинг (авлиёларнинг) иноятисиз ҳеч инсон хатарлардан, хатоликлардан омонликда бўлмайди. Зубдат ул-орифин Ҳазрати Чалабий буюрибдурларки, иноятсиз фойда бермагай. Агар авлиёуллоҳларнинг ино-

⁵² Алишер Навоий. Асарлар. 14 Том. Тошкент, 1973. – Б.23.

⁵³ Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар. Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2001– Б.11.

⁵⁴ Э.Х.Зоиров, Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи вужудия” асари хусусида // Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Т., 2006. – Б.68.

яти камолидан ҳар иккисига эга бўлсалар, нур устига нур бўлгусидир”.⁵⁵

Азиз-авлиёларнинг фазилатлари хусусида XVIII асрда яшаб ўтган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий ўзининг “Мифтоҳ ул-асрор” (“Сирлар калити”) номли асаарида жумладан шундай ёзади:

“Анбиёларнинг, уларга саломлар бўлсин, фозиллари ва комиллари ва авлиёлар, уларнинг барчасига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин, бир ойина кабидурларки, Худованди таоло ўзининг ҳукмлари ва сирларини бу ойинада зухур қилдиради, уларнинг вужуди ва тилидан бу ҳукм ва сирларни инон ва ихтиёрсиз содир қилади. Тўтига ўхшаган муридлар ва таълим олувчилар ўзларининг суврати ва жисмига ўхшаш бу зотлардан маъориф ва ҳақойиқларни тинглайдилар, ахлоқ ва одоб ўрганадилар. Уларнинг сўзлари ва ҳаракатларини уларнинг ўзларидан деб ўйлайдилар, уларга тобелик ва пайравлик қиладилар. Бу нарсалар бошқа жойда эканини билмайдилар”.⁵⁶

Авлиёлар тўғрисида “Ҳазрати Башир маноқиби” асаарида қуйидагича баён этилади: “Аллоҳ Ҳақ субҳанаҳу ва таоло бундай инсонни ўзининг махфий бўлган сир-асрорларидан хабардор қилиб қўяди. Бу ҳолатда инсон валоят салтанатининг тахтига ўтиради. Бу мартабани топган инсон бу дунёда ўзини йўқ деб ҳисоблайди ва охират кунда ўзини ҳақиқий инсон деб билади. Авлиёуллоҳларда баъзи кароматлар пайдо бўлади. Чунончи, инсонларнинг ички феъл-атворларидан хабардор бўлган ҳолатда уларни йўлидан адашганлар ва қилган гуноҳлари ва савоб ишларини айнан кўз

⁵⁵ Муҳаммад Муфти Охангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ Маноқиби. Тошкент, 2002. – Б.121.

⁵⁶ Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. Тошкент: Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Мусика” нашриёти, 2006. – Б.84.

билан кўргандек ва ё қулоқ билан эшитгандек айтиб берадилар”.⁵⁷

“Бузрук бува” зиёратгоҳининг таъмирланиш тарихи

Қишлоқ аҳлининг саъйи ҳаракатлари билан 2010 йил Бузрук отанинг хароб ҳолатда ётган мазорини таъмирлашга киришилди. Зиёратгоҳнинг тарихий кўринишини тиклаш учун шу соҳада етарли тажриба ва малакага эга бўлган усталарни Мазори Кўхнага таклиф қилдилар. Натижада ёзёвонлик уста Иброҳим Муллоев Бузрук бува мазорини таъмирлаш ишларига астойдил бел боғлади.

Уста Иброҳимжон 1966 йили Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Қорасоқол қишлоғининг Паст маҳалласида, ҳисобчи Турдибобо Муллоев хонадонида дунёга келган. Ёшлигидаёқ устачиликка иқтидори борлиги маълум бўлган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай хотирлайди: “Бир куни ёғочларга нақшлар ўйдим ва дадамга қумли қоғозда силлиқлаш кераклигини айтдим. Дадам акамларга тайинлади. Улар кечаси билан нақшларни ишқалаб силлиқлаб чиқдилар ва эртасига мени роса койишди”. Мана ўша нақшлар ҳозир ҳам эски дарвоза устида Иброҳимжоннинг биринчи усталик иши сифатида хотира бўлиб турибди.

Ўша йили ўғлидаги қобилиятни сезган Турдибобо Иброҳимжонни етаклаб, уста Худойбердининг олдига олиб боради ва шогирдликка олишини илтимос қилади. Улар эски таниш эдилар. Иброҳимжон 2007 йилгача барча ишларда устанинг энг яқин ёр-

⁵⁷ Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби. – Тошкент: “Шарк”, 1996. – Б.260.

дамчиси бўлди. Кейин ўзи мустақил иш бошлади ва Фарғона водийсининг бир қанча тарихий зиёратгоҳларини миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо этди. Бузрук бува зиёратгоҳини таъмирлаш ишларини кейинчалик бураматуглик хунарманд Хусниддин 2018 йилда ниҳоясига етказди. Зиёратгоҳ гумбази билан боғлиқ ишлар Наманган шаҳридаги истиқомат қилувчи уста Ҳасан хожи томонидан амалга оширилди.



*2-расм. “Бузрук бува” зиёратгоҳи.
Сурат 2019 йилда олинган.*

МОЗОРИ КЎҲНА БУЗРУКЛАРИ

Ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти сахнасида бошқаларга кўз-кўз қилгудек бебаҳо бойликлари бўлади. Ўтган буюк даҳолар салоҳияти, маданий бойликлар, илмий-маънавий мерос ва бошқалар каби. Айниқса, улар орасида ажлодлар маънавий мероси тенгсиз хазинадир. Зеро, мазкур хазина нафақат ўз даврининг ютуғи, балки авлодларнинг келгусидаги маънавий салоҳиятига мустаҳкам замин бўлиши билан ҳам характерлидир. Асрлар давомида бойиб келган ўзбек халқининг мазкур хазинаси бу каби бебаҳо дурларга тўла эканини дунё эътироф этади.

Фарғона водийсининг қадимий мавзеларидан бири бўлган Мозори Кўҳнадан етишиб чиққан инсонлар юксак иқтидори билан ўз замонасида машҳур бўлганлар. Ул зотларнинг номларини ёдга олиш бугунги кунда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Шу ўринда Суфён ибн Уяйнанинг: “Солиҳ кишиларнинг зикри бўлган жойга осмондан мўл-қўл раҳмат ёғилади”, – деган сўзини ёдга олайлик. Машҳур Қози Иёзнинг келтиришича, Абу Ҳанифа (р.а) шундай деганлар: “Менга уламолар ҳақидаги ибратли ҳикоя ва фазилатли аҳволлар баёни манзурдир, чунки булар ушбу қавмнинг аввалги вакилларининг одобидир”.⁵⁸ Муҳаммад ибн Юнус шундай дейди: “Инсон қалбини тузатишга солиҳлар зикридан кўра фойдалироқ нарса бўлмайди”.⁵⁹

⁵⁸ Қози Иёз. Тартиб ул-мадорик ва тақриб ул-масолик. 1-ж, 6-б. <http://www.alwaggaq.com>

⁵⁹ Абдурахмон ибн Али ибн Муҳаммад Абул Фараж. Сифатус софва. До-рул маърифат, Байрут. 1979.1-ж, – Б.5.

Фахруддин Али Сафий “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт” да Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Авлиёуллоҳнинг сўзларига адаб ва ҳурмат била муносабатда бўлиш керак, токим киши ўзида бир баҳра топсун”.⁶⁰

Хожагонлар силсиласининг сарҳалқаси бўлмиш Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруху ўзларининг маънавий фарзандлари Хожа Авлиёи Кабирга қилган ва барча тариқат солиқлари учун дастуруламалдек бўлиб қолган васиятларида, жумладан, шундай сўзлар бор эди:

*“Эй фарзандим, барча аҳволда илму адабга, тақвога лозим бўл, салафи солиҳлар йўлларига эргаш, суннат ва жамоатга мулозим бўл...”*⁶¹

Солиҳлар ва ўтган улуғларнинг зикрларини қилишда қатор фойдалар борлиги ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Марғилонда ўтган сайид авлодларидан Валихон тўра авлодлари қўлида сақланувчи “Равзат ул-ансоб”⁶² асарини олайлик. Унда, жумладан, шундай келтиради:

“Аммо баъд, билгил ва огоҳ бўлгилким, оят ва ҳадисдин сўнг бузургворларнинг сўзларини эшитмоқнинг савоби бисёрдур ва саҳиҳ сайид насаблар кароматлари ва хориқи одатларининг ихлос бирла эшитса, неча фой-

⁶⁰ Ф.А.Сафий. Рашаҳоту айн ил-ҳаёт. – Б.59.

⁶¹ Ф.А.Сафий. Рашаҳоту айн ил-ҳаёт. // Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изохлар муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент: “Абу Али ибн Сино”, 2004. – Б.37.

⁶² 2002–2007 йилларда Япониянинг “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигида “Марказий Осиёдаги илмий мукаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар чоғида “Равзат ул-ансоб” қўлёзмасининг уч нусхаси аниқланди. Ҳозирда қўлёзмалардан бири Марғилон шаҳри, Жўрахон Султонов кўчасида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов хонадонидида сақланади.

далар ва манфаатлар ҳосил бўлур. Аввал улким, толиб муридлар эшитса, талаби зиёда бўлур ва ҳиммати қавий бўлур. Иккинчи улки, кишининг кўнглида гурур ва димогида кибру даъвоси бўлса, буларнинг сўзлари кўнглидаги кибр ва даъвони ботил қилур ва ўз нафсини яхши ва ямони ўзига кўрсатилур ва Худо йўлига ихлос бирла кирар ва кўр бўлса, ботин кўзи очилур. Кўнгли мусаффо ва равшан бўлур”.⁶³

Маълумки, инсон буюклиги бўй-бастининг баландлиги билан ўлчанмаганидай, халқнинг буюклиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди. Бунда ўлчов сифатида унинг ақлий камолоти ва маънавий савияси хизмат қилади. Шу сабабдан, Исмоилбек Гаспринский 1908 йилда чоп этилган “Илм ва маърифат даври” номли мақоласида: “Бир миллатнинг қувват ва матонати, унинг саодати ва фароғати аҳлининг оз-кўплиги билан эмас, аъзоларидаги маданият ва тараққиётга омил ҳаётий хусусиятларининг даражаси билан ўлчанади”, деб ёзган эди.⁶⁴

Дарҳақиқат, қачонки жамият илм, маърифат ва фаннинг турли соҳалари бўйича ўз фарзандларига эга бўлса, ихтисосликлари бўйича ҳаётнинг турли жабҳаларида уларга суянади. Уларнинг суҳбатлари туфайли инсонларнинг онглари ўсади, фикрлари юксалади, ҳаётлари гуллаб-яшнайти. Бир-бирларидан маданиятни, илмни, адабни, йўл-йўриқни ва вақтни қадрлашни ўрганадилар. Юсуф Товаслий таъкидлаганидек: “Агар маданият юксалса, ақллар кенгайса, ҳаёт тараққий этса, қувват зиёда бўлса, яшаш тарзи гуллаб-яшнаса, шунда барча инсонлар ошқозонларига озуқа берганлари каби ақлларига

⁶³ Равзат ул-ансоб қўлёзмаси. 3-варак.

⁶⁴ Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: “Маънавият”, 2002. – Б.66.

ҳам озуқа беришлари лозимлигини, озуқасиз ҳаёт йўқлигини тўлиқ англайдилар. Озуқа эса вақтни асрамасдан, ундан етарли тарзда истифода қилмасдан ҳосил бўлмайди. Ана шунда бутун жамиятнинг ҳолати, фикри, касбу кори, ишлаб чиқариши, саҳовати ва манфаати тараққий этади”⁶⁵.

Маълумки, инсон ўз ўтмишига, аждодлари қандай яшаганига, улар ким бўлганига қизиқиб яшайди, билишга интилади. Бугун эртанги кун учун тарихга айланади. Бугун ҳамма учун оддий, ҳеч қизиғи йўқдек кўринган нарса ёки воқеа эртага жуда қизиқ, ўрганишга молик нарсага айланади.

Ўтмиш узоқлашган сари уни ўрганиш қийинлашиб бораверади. Шунинг учун Аллоҳ таоло баъзи инсонларнинг қалбига билган ва кўрган воқеа-ҳодисалар тарихини ёзиб қолдиришни солади. Биз ҳам ана шуларга асосланиб, мазкур китобни ёзишга жазм этдик.

Ҳамма даврларда илм кишиларига иззат-икром кўрсатиб келинган. Лекин ростгўй кишиларнинг, ҳур фикрли одамларнинг қадри ундан-да баландроқ бўлган. Ҳукмдорлар ҳам улар билан алоҳида ҳисоблашганлар. Аслида жамиятнинг ривожини ҳам кўпинча ўшалар белгилайдилар. Бизнинг элни ҳам Тангри таоло ўшандай ҳур фикрли зотлардан қисмаган.⁶⁶

Мозийга назар ташлар эканмиз Мозори кўҳна қишлоғида ҳам не-не ҳур фикрли улуғ зотлар таваллуд топганлигининг шоҳиди бўламиз. Уларнинг бир гуруҳи илм ва ижод аҳлига мансуб бўлса, яна бошқа-

⁶⁵ Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда. Уламолар наздида вақтнинг қадри. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – Б.171–173.

⁶⁶ Мурод Хўжа. Биз қанчалик ватанни севамиз // Ўзбегим. – Тошкент, 1992. – Б.23.

лари дорус-салтанатда баланд рутбани эгаллаб, халқ хурматиға сазовор бўлган улуг зотлардир. Афсуски, уларнинг барчасини мазкур китобда нома-ном санаб ўтиш имкони йўқ. Шу сабабдан фақат айримлари тўғрисида мухтасар маълумотларни келтириб ўтишни лозим кўрдик. Чунки уларнинг ибратли ҳаёти бугунги кунда ҳам маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мулло Мир Усмон охунд (1883 – 1937)

Ўзбекистон меъморчилигидаги халқимизнинг асрлар бўйи яратган, ўз услуби ва жилоси билан ажралиб турувчи ноёб моддий меъморий ёдгорлик Мулло Қирғиз мадрасаси 1910–1912 йилларда қуриб битказилган. Мадраса пештоқи кошинли нақшлар билан безалган, унинг ўртасидаги ярим гумбазга: “Карам аҳлини эҳсондан ўзга қолмагай боқий”, яъни одам ўтиб кетса ҳам, унинг эҳсони абадий қолади, деган сўзлар битилган. Унинг ёнида: “Боний Мулло Қирғиз ибн Машраббой тижорий (Мулло Қирғизбой Машраббой савдогар ўғли), Устоз Мулло Қирғиз ибн Иброҳимбойи меъмори (Уста Мулло Қирғиз Иброҳимбойи меъморнинг ўғли)”, деб ёзилган. Мадраса битта хужра ва учта гумбаздан иборат. Мадраса дарвозасининг ҳар икки томонидаги хужралар устига хужралар ва гумбазлар қурилган. Мадрасанинг шарқий қисмидаги хужралар устига ҳам иккинчи қават хужралар қуриш режалаштирилган, аммо қандайдир сабабларга кўра бу хужралар қурилмай қолиб кетган. Мадрасадаги қатор хужралар айлана шаклида жойлашган бўлиб, ҳовлининг ички томонида тўртта кичик пештоқ ҳам бор. Мадра-

са ҳовлисида зарҳал гуллар билан миллий услубда безатилган айвон ва мадрасанинг жанубий қисмида баландлиги ўн метр келадиган минора ҳам бўлган. Мадраса дарвозаси ичидан иккинчи қаватга чиқади-ган минора типиде қурилган бурама зина бор.

Мадраса тарҳини режалаштириш билан ўз даврининг етук меъмори ва устаси бўлган Уста Қирғиз шуғулланади. Лойиҳа маъқуллангач, мадраса шахсан Мулло Қирғиз раҳбарлигида қурилади. Пенгтоқ юзаси ҳамда унинг ичига чоксиз қилиб теришда сиркорлик усули қўлланилган бўлиб, у Фарғона водийси меъморий ёдгорликларига хос бўлган оқ, зангори, ҳаворанг, сариқ, кўк ва оч кўк рангдаги кошнлардан иборат. Айниқса, мадрасанинг ўнг томонида жойлашган дарсхона ҳамда айлана шаклидаги масжиднинг меъморий кўриниши диққатга сазовор. Уларнинг устига маҳобатли гумбазлар ишланиб, гумбазлар устига эса, дераза-ҳаштаклар ўрнатилган. Гумбазга ҳамда ҳовли деворларига ғишлардан бўрттириб куфий ёзувида Куръон оятлари битилган. Мадраса қурилиши учун кетган барча ғишт Мирзададабой, Топболтабойлар томондан тайёрланган. Улар бунинг учун Намангансой бўйига хумдон қуриб, ғишт шиширганлар, аммо мадраса пештоқига ва гумбаз ичига ишлатилган рангли кошнлар мадраса ҳовлисида қурилган хумдонда тайёрланган.

Мадраса ғарбидаги иккита асосий гумбаз меъморий мажмуанинг қоидаларига ҳилоф равишда мадраса пештоқига нисбатан бир оз эгри қурилган. Сабаби, ислом дини қоидаларига биноан, гумбаз меҳробини намоз ўқиш учун мослаб, қибла томонга қаратиб қуриш зарур эди. Шунинг учун мадраса гум-

базини эгри куришга тўғри келган. Мадраса пишиқ ғишт билан қадимги ўзбек меъморчилигидаги арк услубида курилган. Гумбаз меҳроби ва ён томонлари ғиштга сайқал берилиб, ганчли зарҳал нақш билан безатилган. Мадрасанинг асосий фасади шимол томонга қараган бўлиб, XVIII – XIX асрлар Ўрта Осиё меъморий анъаналарига мувофиқ баланд пештоқ қилинган. Пештоқнинг олд томони рангли кошинли нақшлар билан ишланган. Мадраса ҳовлисининг ўнг томонидаги гумбаз деворларига сайқал берилган ғиштга Қуръони карим оятларидан битиклар ёзилган.

1912 йилда ишини бошлаган мадрасада дастлаб Собитхон Тўра, Носирхон Тўралар мударрислик қилганлар. Мадраса чиқимлари мадрасага қарашли вақф ерлари ва вақф дўконларидан топилган фойдадан қопланган.

1925 йилдан бонлаб собиқ Шўролар давлати томонидан мадрасаларда диний билим бериш тақиқланган ва улар ёпилган. Шу йилдан эътиборан, мадраса биносидан турли мақсадларда фойдаланилган.⁶⁷

Мулло Қирғиз мадрасаси ҳақида бундай батафсил маълумот беришимизнинг ўзига хос сабаби бор. Чунки мазкур мадрасанинг сўнгги мударриси айнан Мозори Кўҳна қишлоғида таваллуд топган. Шу сабабдан сўзимиз аввалида эътиборингизни Мулло Қирғиз мадрасаси билан боғлиқ маълумотларга қаратдик. Шу ўринда Мулло Қирғиз мадрасасининг сўнгги мударриси ким, деган ўринли савол туғилади. Биз мазкур саволга жавоб бериш учун Мозори Кўҳна қишлоғида умргузаронлик қилиб келаётган Муҳаббатхон ҳожи онанинг хонадонига йўл олдик ва у ки-

⁶⁷ Л.Ахмадалиева. Мулло Қирғиз мадрасаси // “Мозийдан садо”, 2015. №2. – Б.47 – 49.

шидан ўзимизнинг саволимизга қуйидаги жавобни олдик:

“Мен Мадаминова Муҳаббат Мулло Ғиёс қизи 1947 йилда Мозори Кўҳна қишлоғида туғилганман. Шу қишлоқдаги 27-мактабда таълим олдим. Онаминг онаси Қутбинисо муаллим Умарбой қизи (1903 – 1985) менинг ачам бўлади. Болалигим шу ачамни хонадонидан ўтган. Қутбинисо ачам ўша вақтда кўп ривоятларни, айниқса, Бузрук бува, Мозори кўҳна ва офоқдадамлар (яъни бобомлар) ҳақида қизиқ ҳикоятларнинг сўзлаб берган.

Офоқдадам Мулло Мир Усмон охунд Искандар ҳожининг ўғли бўлади. Мулло Искандар ҳожининг отаси Абдужалилбойдир. Искандар ҳожи аёлининг исми Эсонбу отин шаҳандлик ҳазрати Хожа Матвали авлодларидан бўлиб, тўрт ўғил фарзанд кўришган: Мулло Мир Усмон, Мулло Мир Сайид, Мулло Абдужаббор, Мулло Абдугаффор.

Искандар ҳожи XIX асрнинг охирида ҳаж зиёратига борган вақтида Макка шаҳрида вафот этади, уни ўша ердаги қабристонга дафн этадилар.

Мулло Мир Усмон охунд отасининг вафотидан келин оналари Эсонбу (Эсонбийи) отининг қистовлари билан, дастлаб Кўқонда, сўнгра ун олти ёшида Бухорога бориб, ўша ердаги мадрасаларнинг бири ўқиб келган. Унинг зеҳни ва илмидан хабардор юрт улуғлари Наманган шаҳридаги Мулло Қирғиз мадрасасига мударрис этиб тайин қилганлар. Шу сабабдан у Мозори Кўҳнадан оиласи билан Наманган шаҳрига кўчиб ўтади ва Орифбой гузари маҳалласидан уй сотиб олиб ўша ерда истиқомат қилади. У киши бу ерда қисқа вақт ичида ҳурмат қозониб, маҳалланинг обрўли зотларидан бири сифатида халқнинг ишончига сазовор бўлади. Шу боисдан маҳалла аҳли бирон бир масалада ишонч-

ли, холис гувоҳ керак бўлса, айнан Мулло Мир Усмонга муурожаат қилганлар.

Бунга Орифбой гузарлик Муҳаммад Иброҳим томонидан берилган васиқа ёрқин мисол бўлади. Васиқа оддий қозога туркий тилда кучирилган бўлиб, ҳажми 9x22 см.дан иборат.


Васиқанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

“Бир ҳовли жой тахминан бир чек Наманганда Дегрезлик даҳасида Орифбой гузар маҳаллада. Қибласи Абдувалибой Рафиқхожи ўглининг ҳовлисига ёпишган ва кунчиқари Муҳиддинбой оқсоқол кунчининг ҳовлисига ёпишган ва дашт тарафи кучай калонга ва кун юришии (ҳам). Ҳавосиллари маълум.

Тарих сана 1348 ҳижрийда 21 нчи зулқайда (милодий 1929 йил 20 апрель) оида иқрор эътироф ва муътабар шаръий саҳиҳ қилди тани дурустлик ҳолида Муҳаммад Иброҳим Муҳаммад Амин ўгли бу жумлагаким, мазкур ҳудуд ўз ҳақ мулкимни жами ҳуқуқ ва муурофиқлари илан таслим қилдим мутавафий ўғлум Муҳаммаджондан қолгон набираларимга мендин кейин мазкур ҳудудга ворисларимдан таъриз (эътироз) ва муноқаша (жанжал) қилмасунлар. Агар қилсалар, қози ва маҳалла катталари эшитмасунлар.

Ушбуга холислар: Мулло Усмон Искандар ҳожи ўгли; 2 нчи Мулло Сиддиқ охунд Муҳаммадюсуфбой ўгли; 3 нчи Иброҳимбой мазкур Муҳаммадюсуфбой ўгли; 4 нчи Акбарбой мазкур Муҳаммадюсуфбой ўгли; 5 нчи Исроил Мулло Домлажон охунд ўгли; 6 нчи Мулло Абдурахмон мазкур Домлажон охунд ўгли”.

Мулло Мир Усмон икки марта уйланган. Биринчи аёлидан Абдусалом исмли бир ўғил ва Санобархон, Зоҳидахон номли қизлар кўрган. Абдулбори ва Абдулвосит исмли икки ўғли гудаклик чоғида ўтиб кетишган. Уларнинг қабри ҳам Даштда Мулло Мир Усмон охунд қабри олдиди.



3-расм. Мулло Мир Усмон дастхатиға мансуб мактуб.

Иккинчи аёлининг исми Қутбинисо бўлиб ундан Ҳафизахон ва Мавлудахон исмли икки нафар қиз фарзанд курган”.

Тарихдан маълумки, собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қулга олган даврдан бошлаб маҳаллий бойлар, дин уламолари, эшону сайид ва хужаларга нисбатан аёвсиз курашни бошлаб юборган. Бу ҳолат кейинчалик дин вакилларининг оммавий тарзда қатағон қилинишига олиб келди.⁶⁸

⁶⁸ Д.Ю. Арапов, Г.Г. Косач. Ислам и мусулмане по материалам восточно-го отдела ОГПУ. 1926 год. – Нижний Новгород, 2007. – С.3.

30-йилларнинг бошида Ўзбекистондан Афғонистонга чиқиб кетиб, кейинчалик Туркияда яшаб қолган Аҳмад Яссавий авлодларидан Шаҳобиддин Яссавий ўша нотинч давр тўғрисида бундай деган эди: “Келажакни олдиндан башорат қилиб, ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди: бири, ҳақ йўлида жонни қурбон қилиш, иккинчиси, истибдодга кўниб, тақдирга тан бериш, учинчиси, тарки дунё қилиб, ғарблик жандасини кийиб, ватандан бош олиб кетмак. Не қилайликки, тақдир экан, бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлаган”.⁶⁹

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 20 – 30 йилларида мустабид тузумнинг манфур сиёсати туфайли юрт ва миллат манфаатини ҳар нарсадан юқори қўядиган Ватаннинг содиқ ўғлонлари ҳаёти таҳликали кечди. Жумладан, ўша йилларда Мулло Мир Усмон оиласининг тақдири ҳам остин-устун бўлиб кетган. 1937 йилда укаси Мулло Мир Сайид тухмат билан “халқ душмани” сифатида қамоққа олинади. Аждодларидан мерос бўлган ер-сувлар, турар жойлар мусодара қилиниб, бошқа оила аъзоларининг ҳаёти ҳам хафв остида қолади.

Халқимиз орасида “Бало келса қўш келади”, деган нақл бор. Буни қарангки, тез орада Мулло Мир Усмоннинг иниси Мулло Абдужаббор ҳам ҳаётдан кўз юмади. Кенжа инилари Мулло Абдуғаффор, қўшни юртда бир муддат жон сақламоқ учун аҳли оиласини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу ҳам етмагандек, ҳукуматга солиқларни вақтида тўламаган, деган баҳона билан Мулло Мир Усмоннинг уй-жойи мусодара қилинади. Мулло Мир Усмон хонадони мушкул бир аҳволда қолади. Бу ҳолатни

⁶⁹ Ш.А.Ҳайитов, Н.С.Собиров, А.С.Легай. Хориждаги ўзбеклар. – Тошкент: “Фан”, 1992. – Б.13.

қадрдони Тошмуҳаммад қорига ёзган хатида ҳам кўриш мумкин. Хат оддий қоғозга ёзилган бўлиб, ҳажми 9x11 см.дан иборат.

Хатнинг мазмуни қуйидагича:

*“Жаноб биродари киром Мулло Тошмуҳаммад қори хизматларига! ...Қолгон пулни уҳдасини қилсалар. Чунки ночорлик тариқасида бўлгон ишдур. Ўзларига маълум, жон биродар... Котиб ҳуруф Усмон”.*⁷⁰

Яқинлари “Хожамнинг қабри” маҳалласидаги масжид ёнидан ижрага уй олиб, уни оиласи билан жойлаштирадилар. Сайид Мубашширхон Косоний (1929 – 1995) ўз хотираларида ўша таҳликали йилларда юз берган воқеалар хусусида шундай ёзган эди: *“...Тугилган йилимдаёқ бошимизга огир савдо тушди – отам раҳматли 1929 йилнинг қаҳратон қишида коммунистлар томонидан ҳибсга олинди ва бир оз муддат ичида Сибирияга сургун қилиб юборилди.*

Отамни йўқотиш билан коммунистлар ҳовли-жойимиз, ер-сув, боғ-роғларимиз ва Косонсойнинг ичида ишлаб турган тўрт тошли тегирмонимизни рўйхатга олиб, давлат ҳисобига мусодара қилдилар. Ҳолимизга заррача шафқат қилмасдан, уйдаги асбоб-анжомларимизни, айниқса, совуқда устимиз ва остимизга солиб ётадургон кўрпа-тўшақларимиз, ёстиқларимизгача тортиб олдилар. Фақат эғнимиздаги либосларгина қолди, холос. Бошқа ҳамма нарсаларни араваларга юклаб кетдилар...

Ушш фожиа ечимида Косон уламолари, мўътабар кишилар ва бойлардан ўн тўрт нафарини Наманган шаҳрига олиб келиб, муҳокама қилиб, отиб ўлдирдилар.

Шаҳид оўланлардан эсда қолганларининг исми шарифлари қуйидагича:

⁷⁰ Мулло Мир Усмон охунда тегинши айрим кўлёмалар Мадаминова Муҳаббат Мулло Ғиёс кизи хонадонида сақланади.

1. Сайид Муҳибиллаҳон тўра, табиб. Бу киши менга она томондан бобо эдилар.

2. Домла Абдул Муталлиб ибн Ғози қори. Юсуфхўжа эшон мадрасасининг мударрисси эди.

3. Ҳидоятиллохўжа.

4. Усмонхўжа домла ибн Эшонхўжа.

5. Қирғизхон Ҳидоятхўжа домла. Ёшлардан Зикрийёхон ва Яҳёхон Каримхон тўра ўғиллари эдилар”.⁷¹

Оссурия подшоси Ахикар: “Мен темир ва қўрғошинни кўтардим, аммо гийбат ва тухматдан оғирроқ ҳеч нимани топмадим”, деган экан. Чиндан ҳам тухматдан даҳшатлиси бўлмайти. Ривоятлардан бирида айтилишича, йўл бўйида кампир мункайиб ўтирган экан. Унинг олдидан елкасига милтиқ илган бир отлиқ ўтиб қолибди. У отини тўхтатиб, кампирдан сўрабди:

– Ҳа, онажон, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

– Уйим олис, бирорта одам мингаштириб олиб кетармикан, деб ўтирибман.

– Бўлмаса, мингаша қолинг. Уйингизга элтиб кўяй.

Кампир отга минибди.

Ҳалиги одам уни уйигача олиб бориб қўйибди. Кампир отдан тушиб дуо қилибди:

– Ҳамиша тухмат балосидан асрасин, ўғлим.

– Э онажон, шу ҳам дуо бўлдимми? Агар биров тухмат қилса, тепамда худо бор, ўзи асрайди. Ҳеч қандай банда менга тухмат қилолмайди.

Унинг бу сўзларидан кампирнинг аччиғи келибди ва эғнидаги кийимларини йиртибдида, дод-фарёд кўтариб одамларни ёрдамга чақирибди. Кампир-

⁷¹ Сайид Мубашшир Косоний (1928 йил, Наманган; 1998 йил, Тошкент). Бир умр дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман. Хотиралар. 2000 й. Қўлёзма, 6-варак.

нинг етгита ўғли бор экан, улар дарров етиб келишибди:

– Ҳа, онажон, нима бўлди?

– Болаларим, манави одам мени зўрламоқчи бўлди.

Кампирнинг ўғиллари отликни ўраб олишибди. Отлик эса “бир ўзим етти кишига қарши нима ҳам қила оламан?” дея ваҳимага тушибди.

Ака-укалар у одамни отдан туширишибди, милтиғини тортиб олиб, оёқ-қўлларини боғлашибди.

Шунда кампир отликқа юзланиб:

– Кўрдингми, ўғлим, тухмат дегани нима эканини? Сен бўлсанг, менинг дуойимни масҳаралаб кулиб юрибсан! – деган экан

Мулло Мир Усмон янги кўчиб ўтган жойида ҳам тинч яшамайди, ҳар қадамда кутилмаган тўсиқ ва балоларга дуч келади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадиси шарифларида айтганларидек: *“Балою офат, гурбат ва мусибатларнинг энг қаттиғи бу дунёда пайғамбарларга, сўнг уларнинг хайрли ишларини давом эттирувчи уламоларга, сўнг шуларга ўхшаш солиҳ зотларга келиши муқаррардир”*.

Кетма-кет келган мусибатлардан дили абгор бўлиб, адолатсизлик қурбонига айланган Мулло Мир Усмон 1937 йили вафот этади. Уни “Лаббай тоға” қабристонига, дунёдан барвақт кўз юмган фарзандлари ёнига дафн қиладилар.

Фарзандларидан шу тарзда жудо бўлган Эсонбион отин айрилиқ изтиробида кўр бўлиб қолади. Бу ҳақда Муҳаббат Мулло Ғиёс қизи қуйидагиларни ёдга олади.

“Эсонбу энамиз фарзанд доғида йиғлайвериб, кўзи кўрмай қолган. Қуларнинг бирида уйининг олдида бойўгли сайрай бошлайди. Эсонбу энамиз: “Яхшиликдан хабар

бераётганга ўхшайсан”, дея бир сиқим ун олиб чиқиб, “Оқлиқ бўлсин” деб сочган вақт Мулло Абдугаффор ўйга кириб келган экан”.

Мулло Мир Усмон охунд адабиётга ғоят қизиққанлар, ўзлари ҳам шеърлар битган. Унинг дасхати билан қўчирилган шеърларда “Каримий” тахаллуси учрайди. Эҳтимол “Каримий” Мулло Мир Усмон охунднинг айнан ўзидир.

Изланишлар давомида Мулло Мир Усмон охундга тегишли қўлёмалар орасидан 14x19 см ҳажмда туркий тилда битилган бир нома мавжудлиги аниқланди. Ушбу номада айтилишича, Мулло Мир Усмон сармақандлик шоир Партавий билан дўст тутинган. Бу ҳақда у шундай ёзади: *“Тарих жумодул аввал ойинда 1345 йил ҳижрийда (1926 йил октябрда) эрдик, сармақандлик Партавий номли шоир ҳазрати Тўрамга мурид ва муътақид эрди. Каминага муҳаббат ва истинод (суяниш) пайдо қилиб, камина фақир ҳақирни тилидан таржимаи аҳволимга ва мени тарафимдан шериклар ва ёри биродарларга ва раийаларга узр ва илтимос ва ризонома ва ҳамда... бошқаларга ризо ва узрнома хусусида қилгон мухаммасни баа тариқа назмиёт ва ҳамда мени... жавоб ва абёт айтгоним баёни:*

*Манимким Ҳақ йўлига жон кўнгил бирла қурбонман,
Худогўй, художўй, худохон, худодонман.*

*Аниси аҳли шавқимким, муҳаббат аҳли ирфонман,
Шак-иштибоҳ йўқтур, муътақид жумла пиронман,
Қаю ерда марди Ҳақ бўлса, ани амрида тургонман”.*

Маълум бўлишича, Партавий умринг охирги йилларини Наманган шаҳрида ўтказган. Демак, улар айнан шу ерда дўстлашган бўлса керак. Бу ҳақда Пўлотжон домудла Қаюмов ўзининг “Тазкираи Қаюмий” асарида қуйидагиларни баён этади:

“Бу киши Самарқанд атроф туман ўзбекларидан бўлуб, номи Мулла Нуъмон Бадалдур. Ўз отаси ҳам ўқимишли кишилардан бўлмишдур. 1920 нчи йилда Самарқанддан чиқиб, сайру сайёҳат ила Хўжандга, 1921 нчи йилда Фаргона водийсига келмиш. Катагон даҳасида Эшон Шофёъ номли шайхнинг ўгли Сафоҳон махдумга меҳмон бўлуб, 15 нчи участка масжидида турмишдур. Кўп фозил, олимлиги ила баробар шоир, бадийъагўй, тез забон бўлганидан оз вақт ичинда шуҳрат қозонмишдур. Шаҳар шоирлари, фозиллари бу кишининг атрофига тўпланмишдурлар. Шоир Мулла Ҳайдар Шайдо ва шоир Фироқий, Чархийлар ила дўстона алоқалари бўлмишдур. Шоир Партавий 55 ёшларинда бўлуб, ярим фалаж, судралиб юрувчи, кўзлари гилай, бир қўли ишламайдиган, нотовон одам экан. Шундай бўлгани ҳолатда гашти гузар, сайру сайёҳат қилар, қаландарона вазиятда бўлмишдур. Бундан Наманган шаҳарига бориб, Собитхон деган киши(га) меҳмон бўлмиш ва бошқа жойларда ҳам юруб, охирда 1931 нчи [йили] ҳибсга олинмишдур ва Наманганда вафот этмишдур”.⁷²

Мулло Мир Усмон охунд бой кутубхона соҳиби бўлган. Қолаверса, аёли Қутбинисога аммаси Шодмон отиндан ҳам китоблар мерос қолган. Шодмон отиннинг эри мозори кўхналик Турсунхўжа Наманганнинг қозиси бўлган. Улар фарзанд кўришмаган. Кейинчалик Турсунхўжа бошқа аёлга уйланган ва ундан бир ўғил туғилиб, аёли оламдан ўтган. Чақалоқ Убайдуллони Шодмон отин тарбия қилган. Турсунхўжа қози шўролар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида тазйиққа учрайди, бутун мол-мулки мусодара қилиниб, танг аҳволда қолади ва тез орада вафот этади. Аёли Шодмон отин қийин бир аҳвол

⁷² П.Қайюмов. Тазкирани Қайюмий. – Тошкент, 1998. III жилд. – Б. 531.

да турмуш кечиришда давом этади. Акаси Умарбойнинг қизи Қутбинисо унга ғамхўрлик қилади. Шодмон отин жиянининг бу яхшиликлари эвазига Турсунхўжа қозининг китобларини мерос қилиб, Қутбинисога топширади. Шу тарзда кейинчалик қизлари Ҳафизахон аяга бир неча сандиқ китоб мерос қолади. Лекин ушбу нодир китобларни катта қисми алғов-далғов йиллари йўқолди, бир қисми айрим кишиларга бериб юборилди. Шунга қарамай, қўлёзма ва тошбосма асарларнинг маълум бир қисми сақланиб қолган эди. Афсуски, турмуш қийинчиликлари баъзан кишини ҳам ўзи учун қадрли бўлган табаррук нарсаларини сотишга мажбур қилади. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганидек:

*Шерни ҳам қилгувчи бир тўлки мизож,
Эҳтиёждир, эҳтиёждир, эҳтиёж.*

Мулло Мир Усмон охунд кутубхонасига оид китоблар, фарзандларининг таълим олишида юзага келган қийинчиликлар боис, авлодлари томонидан сотиб юборилган. Бу ҳақда “Халқ иродаси” газетасида “Ноёб китоблар” номли мақола ҳам чоп этилган. Қуйида ушбу мақолани ўқувчилар эътиборига хавола этмоқдамиз:

“Яқинда Наманган давлат университетининг профессор-ўқитувчилар ва талабаларга хизмат кўрсатувчи илмий кутубхонаси янада бойиди. Бу ерга ҳамюртимиз, ўз даврининг соҳиби илмларидан бўлган Мулло Мирусмон охунд Искандархожи ўглидан қолган ноёб китоблар ҳада этилди. Мулло Мирусмон Охунд Искандархожи ўгли 1883 йили Тўрақўргон туманининг Мозоркўҳна қишлоғида туғилган. Аввал Қўқон мадрасаларида, кейин Бухорода ўқиганлар. Мадрасани тамомлагач, Наманганга қайтиб, Орифбой гузари маҳалласида

яшаб, Мулло Қирғиз мадрасасида мударрислик қилганлар. 1937 йилда Ориф баққол маҳалласида вафот этганлар. Қабрлари Лаббайтога мозорида. Шогирдлари ҳам, асосан, ўтиб кетишган. Уларнинг авлодий фарзандларидан Убайдулла Маҳдум ўгли Тоҳиржон, Ҳожи баққол ўғиллари Тождин, Мўминжон, Мулло Абдугофир ўгли Турсунбой Мулло Мирусмон охунд ҳақида маълумот беришлари мумкин.

У кишининг оталари Искандархожи ҳам маълумотли киши бўлган. Ҳаж сафарига бориб, ўша ерда вафот этганлар. Мулло Мирусмон охунд адабиётга гоят қизиққанлар. Ўзлари ҳам шеърлар битганлар. Бой кутубхоналари бўлган. Қизлари Ҳафизахон аяга бир сандиқ китоб мерос қолди. Лекин буларнинг кўпчилиги давралгов-далговлари оқибатида йўқолди. Анча қисми сўнгги йиллар давомида истаган кишиларга бериб юборилди.

Совет даврида диний адабиёт таъқиб этилгани, ҳатто ўттизинчи йилларда қатагон қилиниши мумкинлигига қарамай, кўплаб қўлёзма, тошбосма асарлар сақлаб қолинди.

Мана энди бу бойлик давлат муҳофазасига олинди. Энг муҳими, келажак авлод ҳам мазкур китоблардан баҳраманд бўлади. Улар қаторида “Фатвои оламгирия”, “Тафсири Яъқуб Чархий”, “Шарҳи Ҳидоя”, “Шарҳи Мулло Жомий” каби шартли номдаги асарларнинг мавжудлиги беқийёсдир.

Китобларнинг илмгоҳга келтириши ҳам ажойиб бўлди. Ўзбек филологияси куллийетида 1994 йилда шартнома асосида қабул қилинганлар ичида Ҳафизахон ая Мирусмонованинг набираси Фотима Олимжонова ҳам бор эди. У шартнома тўлови эвазига катта бобосидан қолган китобларни топшириш ҳақида ариза билан ректоратга мурожаат этди. Махсус комиссия тузилиб, про-

фессорлар Исматуллоҳ ҳожи Абдуллаев, Одилжон Носиров ва Абдулла Аъзамовлар Хўжанд қишлоғига ташириф буюришади.

Китоблар орасида мадрасалар учун логика оид икки томлик дарслик, Фузулий, Хилватий девонлари, баёз ва бошқа диққатга молик асарлар борлигини ҳисобга олиб, маданий меросимизни асраш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифаларидан келиб чиқиб, китобларнинг университетга топширилиши эвазига толиба Фотима Олимжоновани шартнома пулидан ўқишини битиргунича озод этиш тавсия қилинди”.⁷³

Изланишлар давомида Мулло Мир Усмон Охунд кутубхонасидан университет кутубхонасига олинган китоблар рўйхатини топишга муяссар бўлдик. Қуйида ушбу рўйхатини ўқувчилар эътиборига ҳа-вола этамиз.

Мулло Мир Усмон охунд Искандархожи ўғли кутубхонасидан қолган адабиётлар рўйхати

1. “Фатова оламгирий”, 4 жилд. Тошбосма.
2. “Шарҳи Ҳидоя”, 7 жилд. Тошбосма.
3. “Қози Байзовий тафсири”. Тошбосма.
4. “Шарҳи Мулло Жомий”. 3 нусха. Тошбосма.
5. “Мажмуа”. Тошбосма.
6. “Салоти Маъсудий” . I жилд. Тошбосма.
7. “Тавзеъ маа Талвех Садри Шариа”. Тошбосма.
8. Шайх Имом Камолиддин. “Шарҳ”. 8 жилд. Тошбосма.

⁷³ А.Ҳожиёв, З.Кенжаева. Ноёб китоблар // “Халқ иродаси” газетаси. Наманган, 1997 йил. 4-сон.

9. Усмон Бозорий. "Шарҳи таълимун мутаалим". 2 нусха. Тошбосма.
10. Кайдоний "Хулосаи фикҳ". Тошбосма.
11. "Тасҳирул тароқиб". Тошбосма.
12. Наҳв дарслиги . Тошбосма.
13. Саъдий. "Тулистон". Тошбосма. .
14. "Мажмуа расоили ибн Обидин". I жилд. Тошбосма.
15. "Китоб ҳафт авранги Жомий" . Тошбосма.
16. "Ал-қисму-с-Сомий фит-табиийёт". I жилд. Тошбосма.
17. "Девони Фузулий". Тошбосма.
18. "Шарҳи Аълоуддин". Тошбосма.
19. "Билкофия" . Тошбосма.
20. "Муфрадот". Тошбосма.
21. "Авомилу бил-кофия". Тошбосма.
22. Грамматикага оид китоб. Тошбосма.
23. Китоб "Мухтасар виқоя" . Тошбосма.
24. "Манияти мусали". Тошбосма.
25. "Ғафсири Ёсин". Тошбосма.
26. "Манориф ул-анвор". Тошбосма.
27. Али Шайх ал-Адавий . Тошбосма.
28. "Ат-таълиқот би-л-кафия" . Тошбосма.
29. "Мухтасари виқоя". Тошбосма. .
30. "Хавойишул-фозил". Тошбосма.
31. "Ақоиди Мулло Аҳмад". Тошбосма.
32. "Бидон"нинг муқаддимаси . Тошбосма. .
33. "Ас-Саъдиятул Қутбий". Тошбосма. .
34. "Шарҳи Жомий". Тошбосма.
35. "Муқаддиматул Ҳидояи Абдулҳай". Тошбосма.
36. "Сийрат ул-Расуллуллоҳ". Тошбосма.
37. "Шарҳи Мухтасари виқоя". Тошбосма.

38. “Радиул Мухтор ибн Обидин”. 4 жилд. Тошбосма.

39. “Мухаррам”, 2 жилд. Тошбосма.

Муҳаббат Мулло Ғиёс кизи ушбу китоблар тўғрисида 2001 йили “Мулло Мир Усмон охунд Искандар хожи ўғиллари ҳаёти ва улар қолдирган мерос – кутубхоналари ҳақида ва китобларнинг сўнги тақдирини” сарлавҳаси остида хотиралар ёзган. Биз ушбу хотираларни сурагга олишга муяссар бўлдик.

Маълум бўлишича, университет кутубхонасига олинган тошбосма китоблар сони юзга яқин бўлиб, улар билан бирга 25 та қўлёзма ҳам олиб кетилган. Аммо кейинчалик қўлёзмалардан фақат 14 донасини китоб соҳибасига қайтариб берилган. Қолган қўлёзмалар тақдирини шу кунгача номаълум бўлиб қолмоқда. Хилватийнинг нодир қўлёзмаси профессор Исматуллоҳ хожи Абдуллаев қўлида қолган. Гарчанд таниқли олим ушбу қўлёзмани қайтариб беришга ваъда берган бўлса-да, илмий тадқиқотлар жараёнида унутган кўринади. Ачинарлиси шундаки, кейинчалик айнан ушбу қўлёзма хусусида Мулло Йўлдош Хилватийнинг (1858 – 1921) “Девон”ига ёзилган кириш сўзида Исматуллоҳ Абдуллоҳ қуйидагиларни келтиради:

“Ушбу девон тайёр бўлиб, нашрга топширилганидан кейин тўрақўрғонлик бир аёлдан Наманган университетига бир қанча босма асарлар харид қилдик. Ундаги қўлёзмалар ноёб бўлмагани учун олинмади. Аммо улар орасидаги бир қўлёзма менинг диққатимни тортди. 62 варақдан иборат бу қўлёзмада асосан Жийдакапа қозиси Муҳаммад Ориф Махдумнинг шоир Партав ёзган шеърини таржима ҳол мухаммаси, шу кишининг вафот этган ўғли Муҳаммад Абдулборий, набираси Уммунисолар вафотига Партав ёзган ўзбекча ва тожикча

марсиялар (1^о-30^о варақлар), набираси Мирзо Умид вафотига Партав марсияси (32^о – 33^о варақлар) мавжуд. Кейин Хилватийнинг Жийдакана қозиси Муҳаммад Орифхон Махдумнинг хотини Рисолатхон биби, (қози унга 1893 йили уйлангани юқорида айтилди) онаси Санамбибилар вафотига унинг номидан ёзган “Онам” радибли марсияси ҳам тўпламга киритилган (34^а – 39^а). Энг муҳими, Хилватийнинг қози Муҳаммад Ориф ўзига аталган шеърини номасидир. Бу шеър биз юқорида тавсиф қилган девон ва тўпламларда йўқ. Шеър олдидан шундай кириш бор: “Тарихда ҳафдаҳум моҳи шаъбон 1336 ҳижрийда (28 май 1918 йил) эканким, жаноби Хилватий домла каминани фарзанди аржуманди ва нури чашми мулло Муҳаммад Абдулборийхон махдуми марҳум камина қиблагоҳини ҳидоятдан бўшаёлмай, таҳсили илмга боролмай қолгани учун шогирд ва фарзанди мақомида Муҳаммади Абдулборийхон махдуми насиҳатомиз ва ҳам муштамил бир 100 сўм пул сўраб, ушбу қасидаи турки ва форсийни ёзган эканлар. Сўнгра марҳум ўғлум катта дастурхон бирла ва сўраган пуллари бирла бориб, дуоларини олган экан”. Баёз ҳошиясига қизил қаламда “Ўғлим баёзига ёзиб қўйибдир бадихасин”, деб ёзиб қўйилган (бу ерда шундай ёзилган).

Қасида Абдулборийнинг отаси қози Муҳаммад Ориф томонидан ўгли вафот этган 1931 йилдан кейин ушбу тўпламга киритилган. Бу ёзув тўплам қози Муҳаммад Ориф томонидан тузилганига далолат беради. Ёзувлар ҳам шу киши қаламига мансуб. Бу шеърнинг 5 байтига ҳозиргача ҳаёти ва ижоди ўрганилмаган шоир Партав мухаммас боғлаган (шу тўплам, 44^о-45^о варақлар). Шу тўпламдаги Партавнинг Абдулборийхон вафотига багишланган марсиясида унинг 37 ёшда 1931 йили вафот этгани айтилган. Демак, Хилватийнинг яқин шогирди

Абдулборий 1894 йил қозининг учинчи хотини Зухро-хондан тузилган”.⁷⁴

Ушбу маълумотларни ўқир эканмиз, “тўрақўр-фонлик бир аёлдан” жумласи бизни таажжубга солди. Наҳотки қўлёмаларни йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб, керак бўлса, бундай машаққатли йўлда мустабид тузумнинг кундасига бошини қўйишга рози бўлган Ҳафизахон ая Мирусмонованинг номи тилга олиниб, унга лоақал бир оғиз миннатдорчилик билдиришнинг имкони топилмади. Ёки ушбу қўлёмма соҳиби бўлмиш Мулло Мир Усмон охунд хусусида маълумот келтириб ўтилмади.

Мулло Мир Усмон охунднинг ўғилларидан мулло Абдуғаффор ва Абдусалом махсум (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ҳам шу қишлоқда яшаб ўтганлар, бу зотлар ҳам анча йиллар ҳамқишлоқларининг хизматида бўлиб, дину шариатдан баҳоли қудрат ёшларга ўргатиб келганлар. Қизларидан Ҳафизахон ая қўшни Хўжанд қишлоғида туғилиб, яшаб, шу жойда вафот этган. Кейинги қизлари Мавлудахон ая шу қишлоқда туғилган ва тумандаги Бекобод қишлоғига турмушга чиққан. Ҳозирда ўша қишлоқда яшаб келмоқда. Беш нафар ўғли ва уч нафар қизи бор. Биз ушбу маълумотларни Мавлудахон аянинг тўнғич ўғли Ҳамидуллодан ва бу киши орқали оналаридан олдик.

Мир Сайид Искандар ҳожи ўғли (1880 – 1937)

XX асрнинг буюк ёзувчиларидан бири: “Ота-боболаримизни эсласак, бизни ажиб ҳис-туйғулар чулғаб

⁷⁴ Мулла Йўлдош Хилватий. Девон / Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Тошкент: “Фан”, 2001. – Б.20-21.

олади. Улар узоққа кетмаганлар. Илло, ўзимиз ҳам уларнинг қаватига киражакмиз... Мудом уларни ёдлаб туриш бизнинг бурчимиз, уларнинг хотираси ўзимиз учун зарур. Уларнинг мазорига ташлаганимиз бир сиқим тупроқ – бизни боғлаб турган ришта ҳисобланади”, деган эди. Дарҳақиқат, бир сиқим тупроқнинг қиймати шу қадар улўғки, у инсонларнинг тилақларида акс этади. Шоир Муҳаммад Юсуф айтганидек:

*Иймони соф, юзга кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин
Ва жисмига сўнғги сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин!*

Минг афсуски, биз ушбу китобда сўз юритаётган Мир Сайид Искандар ҳожи ўғлининг фарзандлари ота қабрига бир сиқим тупроқ ҳам ташлай олмадилар. Маъшум давр уларни фарзандлик бурчларини бажаришга йўл бермади. Ҳаётлари қатағон туфайли остин-устун бўлибгина қолмай, мудҳиш сиёсатнинг қурбонига айланган оталарининг қабри бир умр уларга номаълум бўлиб қолди. Охир-оқибат, фарзандлар афсус ва надомат оғушида, армонда дунёдан кўз юмдилар.

Мир Сайид Искандар ҳожи ўғли 1880 йилда Мозори Кўҳна қишлоғида тугилган. Айтишларича, бу зот ҳам биродарлари Мулло Мир Усмон каби ўқимишли, диний илмларни эгаллаган экан. Бу киши яшаган хонадонлар ўша пайтдаги қишлоқнинг жанубий томонининг чекка (боғлари бор) қисмида бўлган.

Бу ҳақда унинг “жиноий иши”да қуйидагича изоҳ берилган:

“Искандаров Мир Саид 1890 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Мазаркўҳна (Мозори Кўҳна – Н.А.) қишлоғидан, қатагондан яширинган, ҳибсга олинган вақт-

да колхоз аъзоси, ўтмишда босмачилик кўмакчиси) ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 4961-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагери-га ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган”.⁷⁵

Ўзбек тилининг изохли луғатида қатағон сўзига қуйидагича изох берилган: “Қатағон – тақиқ, манъ”.

Ажабо! Минглаб ҳалол ва покиза, беайб ва содадил инсонларни жаҳаннам гирдобига тортиб кетган, минглаб мурғак гўдакларни кўчаларда сарсон-саргардон қилиб, ота-онасидан маҳрум айлаб, очликдан ўлишга маҳкум этган қатағоннинг маъноси шу қадар қисқа бўлса?! Орадан етмиш йилдан зиёд вақт ўтса-да, қатағон сўзини эшитган кишилар ҳали-ҳануз ларзага тушадилар. Чунки ундан қолган асоратлар киши баданига теккан ўқнинг азобидан минг чандон ёмон десак, янглишмаймиз. Ахир, танадаги ҳар қандай жароҳатни даволай олишга қодир малҳамлар бор. Лекин қалб жароҳатини-чи...

Шу хусусида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло-нинг сўзларига қулоқ солсак:

“Ўттизинчи, эллагинчи йилларда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари бегуноҳдан-бегуноҳ сургун қилинди, ҳибсга олиниб, отиб ташланди.

“Қамалдилар, отиб ташландилар”, – дейиш осон! Аммо бу қамалган, отиб ташланганларнинг оҳу нолалари, азобу хўрликлари, уларнинг хонавайрон бўлган оилалари, бола-чақалари, эридан айрилган хотинларнинг фарёдлари, дарбадарликларини ҳамма ҳам бир дам кўз олдига келтириб, юракдан ҳис қила олади дейсизми?

⁷⁵ Р.Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август — 5 ноябр). Иккинчи китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. – Б.289.

Бегуноҳ қатл қиланаётган одамнинг ҳолатини ҳис қила оласизми? Йўқ! Унга ачинасиз, албатта, “аттанг” дейсиз, аммо унинг ноласи-чи!”⁷⁶

Тарихдан маълумки, собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга олган даврдан бошлаб дин уламолари, эшону сайиду ва хўжаларга нисбатан аёвсиз курашни бошлаб юборган. Бу ҳолат кейинчалик қатағон даврида дин вакиллари оммавий тарзда йўқотилишига олиб келди.⁷⁷ Бунинг учун мустабид тузум зўравонлари 20-йиллардаёқ фитна мақсадида турли котилликларни уюштириб, унинг баҳонасида кўплаб бегуноҳ кишиларни қамоққа олишга киришган эдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоири рақматли Рауф Парфи шундай ёзган:

“Зулм – ўзбекнинг энг сара гулларини юлиб отди. Ҳамзани ўлдириб, бу ўлим баҳонасида, биринчи ўзбек совет шоирининг қотили сифатида минглаб бегуноҳ мусулмонларни қириб ташлади, бутун давлатчилик иқтидорини ишлатиб қўлга киритилган Туркистон жумҳуриятини ер билан яксон қилди, янги ўзбек ҳукумати аъзоларини қиличдан ўтказди. Масалан, 1917 йилдан 1947 йилгача фақат Русиянинг ўзида сталинизм қурбонларининг сони 67 миллион 533 мингга етди. Зулм – шоир юрагида қандай кечгани ёлғиз Аллоҳга аён.

Зулм – башариятнинг муқаддас бешикларидан бўлмиш улуғ Туркистонга бостириб кирди. Милён-милён гуноҳсиз инсонларимизнинг пок қонларини тўкди, илоҳий масжидларимизга кўппакларини боғлади, ме-

⁷⁶ Шукрулло. Ҳақиқатни айтмаслик – хиёнат // Халқ хотираси олдида бош эгамиз: ҳужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б. 86.

⁷⁷ Д.Ю.Арапов, Г.Г.Косач. Ислам и мусулмане по материалам восточно-го отдела ОГПУ. 1926 год. Нижний Новгород, 2007. – С.3.

зоналарига қўнғироқлар осди, боғларимизга “итларга ва сартларга кириш манъ этилади”, деб ёзиб қўйди, жаҳоннинг кўрки бўлган обидаларга бомба ёғдирди, бир кечада минглаб ўзбекларни, эру хотин, болаларни, ҳомиладор аёлларнинг қорнидаги гўдаккача жаҳолат пичоги билан сўйди, неки ҳалол бўлса, борини харом қилди, нажосатга тўлдирди”.

Ўша машғум даврлар тўғрисида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон шундай ёзган: “Онам раҳматлининг айтишига қараганда, аргумоқлилар отсиз, сайидзодалар авратсиз қолган, покдомонлар хор, ҳаромзодалар бахтиёр бўлган; беклар қулга, ула-молар бир пулга айланган йили дунёга келган эканман. Ўша 1934 йили отам қулоқ бўлиб, мол-мулки тарош қилиниб, ўзи ҳибсга олиниб, Жиззах турмасининг “тўри”ни эгаллайдилар. Онам шўрлик бир этак бола – Уммат, Амир, Ҳамза оғамлар, Ғайбулло укам ва мен билан зор қақшаб қолгон экан. Биргина мен эмас, ўша қиргин-қиронли йиллари тузилган бўбақларнинг кўпчилиги пешоналарига “халқ душмани”, “ёт унсур”, “бой”, “мулло”, “хўжа”, “эшон”, “тўра” деган тамга ёпиштирилган ота-оналарининг кўзларига бола эмас, бир бало бўлиб кўринганлигини айтиб ўтмасам ҳам бўлар”.⁷⁸

Бирор тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятини, адабий-илмий меросини ўрганишда айрим кишилардан тўпланган ёзма, оғзаки маълумотлар муҳим рол ўйнайди. Бу ҳақда адиб Ҳабибулла Қодирий “Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати” номли мақоласида қуйидагиларни келтиради: “...бу икки манба ҳам шу шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдиради, кенгайтиради, қизиқувчиларга,

⁷⁸ Тўра Сулаймон. Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим... – Тошкент: “Movaqouf-nahr”, 2013. – Б.367-б.

хусусан, илмий ходимларга катта ёрдам беради. Иккинчи жиҳатдан, умуман машҳур кишилар ҳақида кўрган-билганларни ҳикоя қилиш ҳам, тинглаш ҳам қизиқ, мароқли...

Бироқ бу икки тур (ёзма ва оғзаки) маълумотларни тўплаганда маълумот ҳаққоний, эътироздан холи, мантиқан асосланган бўлмоғи керак. Акс ҳолда, қилинган хизмат қош қўйиш ўрнига кўз чиқариш қабилида бўлиб, ўрганилувчи шахс тўғрисидаги тасаввурни чалкаштириб, қоронгилаштириб қўяди”.⁷⁹

Биз ҳам Мозори Кўҳна қишлоғида тухматга учраб қатағон этилганлар тўғрисидаги маълумотларни архив ҳужжатлари ҳамда ёзма ва оғзаки маълумотларни қиёслаган ҳолда ўрганишга киришар эканмиз, тўпланган материалларга имкон қадар таҳлилий ва танқидий аснода холисона ёндашишга ҳаракат қилдик.

Мир Сайид ҳибсга олинган пайтида аёли ва икки гўдак фарзандлари қон қақшаб қолган. Фарзандларининг каттаси – қизи Кўпайсинхон 1929 йилда туғилган бўлиб, вафот этган йиллари маълум эмас. Ўша кезлар ўғли олти ойлик чақалоқ бўлиб, исмлари Жалолиддин эди. Кейинчалик Жалолиддиннинг фамилияси Содиков бўлиб қолган, яъни она тарафдан бобосининг исми Содиқбой бўлган экан. Шу тарзда кейинги авлод шарифи ҳам Содиков бўлиб келмоқда.

Мулло Мир Сайид ҳақида набиралари Содиков Бурхониддин билан суҳбатлашдик. Искан-

⁷⁹ Ҳабибулла Қодирий. Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати // Адабиёт – бадийят адабиёт. Хотиралар, бадиалар, мақолалар / Нашрга тайёрловчи: Хондамир Қодирий. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – Б.109.

даров Мир Сайиднинг ҳибсга олинishi сабаби, қишлоқдаги ёши улугларнинг айтишлари ва набиралари уста Бурҳониддин оталари уста Жалолиддиндан эшитганлари бўйича, ўша даврларда колхозда пахта қуритадиган жойлар (сушилкалар) бўлиб, уларни иситиш учун кўчалардаги дарахтларни, одамларнинг боғларидан мевали дарахтларни аёвсиз кесиб, ўтин қилиб ёкқан, бировдан сўрамаган колхозга норозилик билдиргани, яъни “Мевали дарахтларни кесманглар, ўрнига биз бошқа ўтин тошиб берамиз”, – деб айтган гапи учун ҳибсга олинган. Ўша куни ҳовлиларида ток кесаётган бўлган. Ҳукумат вакилларида икки киши от миниб келган, кўчада ўйнаб юрган қизларидан отаси чиқишини сўраган, қизча эса уйга кириб, отасини айтиб чиққан. Мулло Мир Сайид кўчага чиқиши билан, отлиқлар у кишини тутиб ўзлари билан олиб кетган. Шу кетганича Мулло Мир Сайид қайтиб келмаган.

Шу ўринда, Мулло Мир Сайиднинг фарзанди уста Жалолиддин Содиқов ҳақида. Бу киши бир неча йиллар қурилиш ташкилотларида катта қурувчи уста сифатида меҳнат қилиш баробарида қишлоқда бўладиган барча маросимларни, яъни тўйлар, эҳсонлар, вафот этган кишиларни жаноза-дафн маросимларини ўтказишда хизмат қилиб, эл-юртда катта обрў топганлар.

Саъдий Шерозий айтганидек:

**Ибодат дегани халққа хизматдир,
Тасбеҳу жойнамоз қуруқ савлатдир.**

Худди шунингдек, олти нафар ўғиллари ҳам уй-жой қурувчи дурадгор уста бўлиб, оталари каби

халқ хизматини қилиб келмоқдалар. Ушбу маълумотларни уста Бурҳониддин уста Жалолиддин ўғли ҳикоя қилиб берди.



*4-расм. Жалолиддин уста Мир Сайид ўгли.
Сурат 2005 илда олинган.*

Саримсоқбой Сайид Али ўғли

Саримсоқбойнинг қачон туғилганлари маълум эмас, лекин вафот этган йили оғзаки маълумотларга кўра, тахминан 1941 – 1942 йилларга туғри келади. 100 ёшдан ортиқ умр кўрганлари туғрисида маълумотлар мавжуд.

Саримсоқбойнинг қишлоқ марказида кичик ҳовлиси бўлган. Бу киши мироббоши бўлиб ишлаган. Саримсоқбой хотини Ачахон, икки нафар ўғил ва қизлари Адолатхон, ўғилларидан Нишонбой билан бир ҳовлида яшашган. Қишлоққа масжид қурдирган ва бу масжид “Саримсоқбой масжиди” деб аталган (ҳозирда бу масжид бузилиб кетган). Маз-

кур масжид бир неча йиллар қишлоқ мўмин-мусулмонларига хизмат қилган. Советлар даврида қишлоқ одамлари учун кинохона вазифасини ўтаган. Ундан кейин эса “Шон-шуҳрат уйи” бўлиб хизмат қилган. Саримсоқбой яшаган хонадон 1960 йиллардан кейин колхоз томонидан бузилиб, унинг ўрнига клуб биноси қурилган.

Нишонбой Саримсоқбой ўғли (1893 – 1947)

Нишонбой Саримсоқбой ўғли 1893 йили Мозори кўҳна қишлоғида туғилган. Нишонбой ҳам ўша даврнинг ўқимишли, бой-бадавлат кишиларидан бўлган. Дастлабки колхозлаштириш даврида қишлоқ совети раиси бўлиб ишлаган. Хотини Атикахон (1961 йил вафот этган) билан, ўн нафар фарзанд кўрганлар. Қизи Адашхон (1930 йилда туғилган), катта ўғли Саримсоқов Абдуллажон 1914 йили туғилиб, 1972 йили вафот этган, энг кичик ўғли Саримсоқов Тошпўлат 1936 йили туғилган, ҳозирда ҳаёт.

Ўша даврда колхоз раиси бўлган шу қишлоқлик Худойберди буванинг айтишларига қараганда, бу зотга кўп тухматлар қилинган. Бу киши Поп томонларда отда кетаётганида НКВД ходимлари томонидан ушлаб олиб кетилган, шу билан қайтиб келмаган. Жазо муддатини (яъни 10 йиллик қамоқ муддати), Новосибир қамоқхонасида ўтаган, 1947 йили озодликка чиқишга бир кун қолганида қамоқхонада вафот этган. Қабри Новосибир қамоқхонасининг қабристониди.

Ўғли Тошпўлат отаси қабрини зиёрат қилиш ва бирон-бир маълумот олиш мақсадида Новоси-

бирга тўрт марта борган, охирги марта (1968 йили) борганида қамоқхона маҳбуслари ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини эшитиб, ноилож қайтиб келган.

Нишонбой қатағонга учраганидан икки ой ўтиб, хотини Атикахон ва энг кичик ўғли Тошпўлат Наманган туманининг Тепакўрғон қишлоғига (оналари хонадонига), кўчиб кетишади ва ҳозир ҳам шу жойда яшади.

Ушбу маълумотларни кичик ўғли Саримсоқов Тошпўлат Ҳожи бува билан бўлган суҳбатда ёзиб олинди.

Мулло Жўра ҳожи Парпибой ўғли (1885 – 1938)

Мулло Жўра ҳожи 1885 йилда ўзига тўқ, бой оилада туғилган. Бу зот ёшлигидан таълим-тарбия олган, устоз кўрган, айниқса, исломий таълимот бўйича пешқадам ҳисобланган. Қишлоқнинг мўмин-мусулмонларига шариат аҳкомларини ўргатиб келган, бу борада қишлоқ ёшларига устозлик қилганлар. Қишлоқнинг ўртасида иккита ҳовлилари ва қишлоқдан ташқарида катта боғлари бўлган. Мулло Жўранинг оталари бой бўлгани учунми, қишлоқ бойларидан бири Ҳамроқулбойнинг қизи Ҳожихонга уйлантирадилар. Жўрабой бува Ҳожихон билан токи қатағон қилингунча бирга яшаб, икки фарзанд кўришган, аммо бу фарзандлари кўп яшамай барвақт вафот этганлар. Шунинг учун у кишидан ҳеч қандай авлод қолмаган.

Мулло Жўрабой Аллоҳнинг байтига сафар қилиб, ҳаж рукнларини бажариб қайтган. Жўрабой ҳожи ҳамқишлоқларига ғамхўр бўлиб, ҳайит байрамлари-

да (бошқа пайтларда ҳам), хайр-эҳсон улашиб, болаларга меҳрибонлик қилиб турган. Қишлоқнинг камбагал оилаларига, бева-бечораларга ҳам қўлдан келганича ёрдам бериб турган. Қишлоқдаги масжидлар фаолияти учун ҳам кўмак бериб келган сахий инсон бўлган.

Ушбу маълумотларни Жўра ҳожи яшаган маҳаллада истиқомат қилаётгани кексалар, Ҳакимов Абдуғаффар домла (72 ёш) ҳамда Сотихон ая Отабоевадан (72 ёш) ёзиб олинди.

Жўра ҳожи бой бўлгани учун шўролар ҳукумати унга доим душман сифатида қараб келган. 1938 йили уйда тушлик қилиб ўтирганида шу қишлоқда яшовчи бир киши Жўрабой ҳожини кўчага чақирган. У киши кўчага чиқиши билан икки бегона киши қўлини боғлаб, олиб кетган. Шу билан Мулло Жўрабой қайтиб келмай, дом-дараксиз кетган. Унга қуйидагича айблов қўйилган:

“Парпибоев Мулло Жўра — 1885 йил туғилган, Тўрақўрғон тумани Кўҳнамозор (Мозори Кўҳна — Н.А.) қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, босмачи, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида коллективлаштиришга қарши тарғибот олиб борганликда, фуқароларга нисбатан террорчилик нуқтаи назаридан сўзлаганликда айбланган. 1938 йил 17 февралдаги “учлик” (тройка) йиғилишининг 88-сонли баённомасига кўра, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган”.⁸⁰

Айтишларича, 1937 йили шундай ҳазил оммалашганди: “Менинг уйим — менинг қўрғоним, аммо

⁸⁰ Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. — Тошкент: “Шарк”, 2009. — Б.315.

большевиклар забт этолмайдиган кўрғон йўқ”. Дарҳақиқат, бундай кўрғон йўқ эди. НКВД ходимлари куннинг ҳар қандай лаҳзасида, ҳар қандай уйга қамоққа олиш ҳақидаги ордер билан ёки ордерсиз бостириб кириб, хонадон соҳибини олиб чиқиб кетаверарди.⁸¹ Бу ҳолат ўша даврнинг қатъий қонуниятига айланиб қолган эди. Ўша машъум йилларда қанчадан-қанча зиёлиларни шу йўсинда бирин-кетин тунда олиб кетишган ва қайтиб уларни ҳеч кўрмаган.

Мир Сайид Искандархожи ўғли, Нишонбой Саримсоқбой ўғли ва Мулло Жўра хожи Парпибой ўғилларининг қатағон даврида чеккан азоб-уқубатлари тўғрисида сўз юритиш баробарида, ўша даврда зулм қиличига дучор бўлган Мозори Кўҳна қишлоғининг бошқа фарзандлари тўғрисида ҳам айрим маълумотларни келтириб, уларнинг номи-ни ҳам хотирлаб ўтмоқчимиз. Бу, аввало, бизнинг марҳумлар олдидаги одамийлик бурчимиздир. Зеро, донишмандлар айтганидек: *“Одамнинг одамлигини кўрсатувчи ягона бисот хотирадир”*.

⁸¹ Б.Сарнов, Е.Гик. Тўқилмаган хангомалар. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2015. – Б.98.

Мулло Авлиёхон домла
(1886 – 1962)



5-расм. Мулло Авлиёхон домла. Сурат ўтган асрнинг 30-йилларида олинган.

Мулло Авлиёхон домла Музаффархон қози ўғли 1886 йилда Мозори Кўхна қишлоғида туғилиб, шу ерда яшаб, кейинчалик Наманган шаҳрида истиқомат қилган. 1962 йил вафот этган. Наманган шаҳридаги Дашт қабристонига дафн қилинган. Бу зот қаерда ва қачон, қайси мадрасада таълим олганликлари ҳақида маълумот йўқ. Бироқ шу қишлоқда жойлашган мадрасада талабаларга диний таълим берганлар ва қишлоқ масжидида имомлик қилганлар. Бу 1917 йилга қадар давом этган.

1917 – 1918 йиллардан Советлар тузуми бошланиб, даврлар ўзгариб, қишлоқдаги масжид ва мадрасалар, қироатхоналар давлат томонидан эгалланиб, бузиб ташланган. Ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида

барча илмилар қаторида Мулло Авлиёхон домла ҳам қатағон қилинади ва Новосибирск қамоқхоналарида бўлиб (қачон қамалганлари ва қачон қайтганлари аниқ эмас) қайтадилар. Қамоқдан келганларидан сўнг, умрларининг охиригача Наманган шаҳрида яшаганлар.

Мулло Авлиёхон домла қаерда бўлсалар ҳам, Ислом динига хизмат қилдилар ва мўмин-мусулмонларга шариат илмини ўргатдилар. Бу зотни қишлоқдаги жойлари (ер-мулклари) бузилиб, ўрнига мактаб биноти (ҳозирги 27-мактаб) қурилди. Айтишларича, бу ердаги масжид, мадраса ва қироатхона (қачон қурилгани аниқ эмас) оталари ва боболарининг мулк ерларига қурилган. Бу илм масканлари ўтган асрнинг 20 – 30 йилларда шўролар томонидан бузиб ташланган. Айтишларича, бу жойларни бузган кишилар (асосан, комсомоллар) тез орада бирор дардга мубтало бўлиб, ўлим топган.

Оталари Музаффархон қози (туғилган йиллари тахминан 1860 йиллар бўлса керак) ўша даврнинг етук олим зотларидан бўлган экан. Музаффархон қозининг оталари Муҳаммад Розик домла бўлган. Ҳар иккиларининг ҳам туғилган ва вафот этган йиллари бизга маълум эмас. Мулло Музаффархон қозининг қабрлари қишлоқдаги Бузрукбува қабрларининг қибли томонида (тахминан 50 – 60 метр нарида) ҳозиргача сақланиб қолган.

Мулло Авлиёхон домланинг ўғли мулло Фатхуллахон ҳожи исломий таълим-тарбия олганлар, эл-юртга динимиз аҳкомларини ёйишда фаол бўлиб, элу юртга хизмат қилган. Мулло Фатхуллахон ҳожи домла Мозори Кўҳна қишлоғида 1922 йилда туғилган. Бу зот 1953 йилда оилалари билан Найманча қишлоғига кўчиб ўтганлар, умр-

ларини охиригача шу қишлоқда яшаб, 1994 йили вафот этган.

Фарзандларидан қизлари Офиятхон хола 1949 йилда туғилган ҳозирда 70 ёшдалар. Ўғиллари Қодирхон Набихонов ҳозир 47 ёшда, Найманча қишлоғида оталарининг уйида яшаб келмоқдалар. Ушбу маълумотлар мулло Фатхуллахон ҳожи домланинг набиралари Қодирхондан ёзиб олинди. Бу киши эса ўз навбатида буларни оналари Офиятхондан эшитганликларини сўзлаб берди.

Ҳамроқулбой

Қишлоқдаги энг сахий бой ҳисобланган Ҳамроқулбой Худоёр ҳожи деган бир илми кишининг куёви бўлган. Ҳовлилари қишлоқнинг марказида жойлашган эди. У кишининг бир неча таноб ерлари бўлган экан. Ўрим пайтида халққа буғдой тарқатар эканлар, ҳайит кунлари камбағаллар ва ўз қўлларида ишлайдиганларга пул ва кийим-бош ҳадя қилар эканлар. У киши қишлоқнинг ўқимишли, зиёли кишиларидан бўлиб, ёшларга илм ҳам ўргатар эканлар. 1934 – 1936 йиллардаги қатағон даврида Ҳамроқулбой олдиларига НКВДнинг Мулло Шерматжон исми бошлиғи келиб тезда яширинишларини айтиб кетганидан кейин Бураматут қишлоғидаги сомонхонага яширинган. У кишига куёви (ушбу манбани ҳикоя қилиб берган Соттихон холанинг дадаси) Отамирза бува тунда таом олиб бориб, хабар олиб турган. Бир қиш яшириниб ётганлар ва баҳорда у кишини Наманган шаҳрига йилда бир марта қишлоққа келиш шарти билан олиб кетишган экан.

Аелининг исми Меҳрибонбуви бўлиб, ўн нафар фарзанд (тўрт нафар ўғил ва олти нафар қиз) кўришган. Ўғилларидан бирлари Усмонжон 1930-йилларда Учқўрғоннинг Қўғай мавзесида маълум муддат сургунда бўлганлар. Яна бир ўғиллари Содикбой Сибир томонларда сургунда бўлган, лекин қайтиб келмаган (ўша томонларда бўлиб, қайтган одам у кишини кўрганини ҳикоя қилиб берган).

Наманган шаҳрида ҳам яна бир хотинлари бўлиб, бир нафар қизлари бўлган. Ҳамроқулбой буванинг қишлоқдаги ҳовли-жойлари, мол-мулклари Шўролар томонидан мусодара қилинган, ҳовли-жойлари ўша пайтда колхозга топширилган ва омбор сифатида фойдаланилган (токи колхоз тизими тугатилгунича). Куёвларидан Парпибоев Мулло Жўрабой (Ҳожихоннинг эри) 1938 йилда қатағонга учраб, 10 йилга қамалган, қайтиб келмаган. Ҳамроқулбой 1953 йилда вафот этган. Қабрлари Наманган шаҳридаги Дашт қабристониди. Вафотларидан кейин у кишидан жуда кўп китоблар мерос қолган, лекин улар бизгача етиб келмаган. Ушбу маълумотни Ҳамроқулбойнинг қизлари Уммигулсум холанинг қизи Соттихон хола (72 ёш) ҳикоя қилиб берди.

Мулло Қирғиз охунд Муҳаммадназар ўғли

Мозори кўҳналик Мулло Қирғиз охунд Муҳаммадназар ўғли ҳам ўз даврининг зиёли ва бой кишиси бўлган. XX асрнинг бошларида маблағларини таълим ривожини учун вақф қилганликлари тўғрисида маълумотлар бор.

Изланишлар давомида Мулло Қирғиз охунд томонидан қишлоқ мингбошиси номига ёзилган арзномани аниқлашга муяссар бўлдик. Ариза оддий қоғозга кўчирилган бўлиб, ҳажми 11,5x18 см. дан иборат. Арзноманинг чекка қисми сақланмаган.

Аризанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Арзнома

Жаноб ҳурматли ва улуғ даража ва фуқаропарвар, давлат саодатли ва хайр-саховатлу мингбоши жанобларига маълум ва равшан бўлсунки, Мулло Қирғиз охунд ва Саримсоқбой Сайид Алибой ўғлиларидан. Биз каминаларни Мозор аризида бир неча танобдан экин ерларимиз бор эрди. Мазкурни (ариқни) қуриғонига тоқат қилолмай, жанобларининг марҳаматидан умид қилиб келдук.

Мулло Қирғиз охунд...

Сирожиддин домла

(1888 – 1946)

Сирожиддин домла Мулла Нурмуҳаммад муфтий ўғли Мозори Кўхна қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этган. Мозори Кўхна қишлоғи қабристонига дафн қилинган. Оталари Мулла Нурмуҳаммад қозихонада муфтийлик ва аъламлик вазифаларида фаолият юритган. У кишини ҳамқишлоқлари Нурмат аълам дейишган экан. Аёллари Ўғил биби Мулла Хидирали қизи (1909 – 1973) билан Абдусалом, Неъматилла, Мадаминжон, Ҳабибулло, Ҳамидулло, Файзулло, Хуснияхон, Замирахон исмли фарзандларни вояга етказишган.

Сирожиддин домла ёшликларидан ўқимишли бўлиб, қишлоқ ёшларига шариат илмини

ўргатиб келган. Шўролар даврига келиб, тахминан 1920 йиллардан кейин, қишлоқда яшаш қийинлашганда, эл қатори иш ахтариб Тошкент томонларга кўчиб кетган ва Тўйтепада турмуш кечирган. Тўйтепадаги масжидлардан бирида имомлик қилган. 1937 – 1938 йиллардаги қатағон даврида туғилган қишлоқларига (Мозори Кўҳна) кўчиб келган. Қолган умрини шу ерда ўтказиб, 1946 йилда вафот этган. Қабрлари қишлоқ қабристониди.

Сирожиддин домланинг авлодлари турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатишмоқда. Ушбу маълумотларни ҳозирда ҳаёт бўлган энг кичик қизлари (1940 йилда туғилган) Замирахон аядан ёзиб олинди.

Худойберди раис (1900 – 1963)

“Худойберди Жалил ҳожи ўғли Мозори Кўҳнанинг улуғларидан эди. XX асрнинг доғали даври, яъни 30-йиллари ўқимишли ва сермулоҳаза, фикрини атрофидагиларга уқтира оладиган, бир ишга киришса, уддасидан чиқмагунича тиниб-тинчимайдиган йигитни ҳамқишлоқлари якка батрақлар уюшмаси – жамоа хўжалигига (колхозга) раисликка муносиб кўришди. Қарийб ўн саккиз йил раҳбарлик қилиш давомида гўё катта-кичикнинг отасига айланиб қолди. 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши не-не алп йигитларни ўз домига тортди. Жудоликлар жабрини, машаққатларини енгишга сабр-бардош топа олган, кўпчиликка ҳамдард бўлиб, уларнинг азаларида йиғлаб, тўйларида шодлигини баҳам кўрган

Худойберди ота “Зарбдор” хўжалиги исми жисмига мос эканини ҳаётда исботлай олди. Раис унинг учун лавозимгина эмас, ҳатто лақабга айланиб кетганди. Кексайиб, вазифасини ёшларга топширганда ҳам одамларнинг дилида ва тилида “Худойберди раис”-лигича қолаверди...

Худойберди раисга Нишонбой деҳқон бир девор қўшни яшарди. Аччиқ қисматни қарангки, 1941 йили эр, 1944 йили хотини Иноятхон орқама-орқа оламдан ўтди-кетди. Худойберди раис қўшнисининг етим қолган уч нафар ўғлини ўз фарзандларидай кўриб, бошини силаган. Улар вояга етгач, Абдусаломга катта мурувват кўрсатиб, қизи Меҳринисога куёв қилди. Икки ҳовли ўртасидаги пахса девордан ҳам воз кечилди. 1950 йили тўнғич набира дунёга келди. Кўхна удумга кўра, исмини бобоси танлади. “Икромжон атасак, зора иззат-эҳтиромли инсон бўлиб улғайса”, деди кўнгли ширин орзу ниятларга тўла Худойберди Жалил ҳожи ўғли”.⁸²

Худойберди раис бувани ғамхўрлиги тўғрисида Турсинали Жамолов қуйидаги хотираларни ёдга олади: “Худойберди раис бува ҳамқишлоқларига, айниқса, бева-бечора, етим қолганларга меҳрибон экан. Бунга бир мисол. 1939 йиллар чамасида бўлган бир воқеани ёшлигимда онам раҳматли қайта-қайта сўзлаб берган эдилар. Раис буванинг бир маҳалладоши туҳмат билан айбланиб, узоқ муддатга қамалади. У кишининг ортида бир ёшдан ўтган ўғли билан хотини чирқираб қолади. Бу хонадондаги бор мол-мулк – ер, уй-жой суд қарори билан мусодара қилиниб, сотиб юборилган экан. Худойберди раис бува ҳам бу мусодарада қатнашаётган

⁸² Содиқ Сайхун. Яхшиликка яралган умр. – Наманган: “Наманган”, 2010. 9 – 10-б.

бўлган. Навбат уй-рўзгор буюмларига келганида, раис буванинг ўзи суд ижрочиларига билдириб-билдирмай, она-бола учун кўрпа-кўрпача, кигиз, идиш-товоқ, қозон кабилардан қўлга кирганини олиб қолади. Шундан кейин кўчада қолган она-болани уйларига бошлаб келади ва жой беради. Ўзининг оиласи кўп болали бўлишига қарамасдан, маълум муддат, бу оила шу ерда яшаб туради. Раис буванинг шундай алгов-далгов йилларда ҳамқишлоқларига кўрсатган гамхўрликларини бунга гувоҳ бўлган кишилар яқин-яқингача бир-бирларига айтиб юришар эди. Биз ҳам Раис буванинг бундай яхшиликлари тўғрисида кўп марта эшитганмиз”.

МОЗОРИ КЎҲНА ТАРИХИДАН СЎЗЛАГУВЧИ НОДИР ҲУЖЖАТЛАР

Изданишлар давомида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Мозори Кўҳна қишлоғи билан боғлиқ ўндан ортиқ нодир ҳужжатларни кўздан кечиришга муяссар бўлдик. Мазкур ҳужжатлар нафақат Мозори Кўҳна қишлоғининг, балки ўлкамизнинг икки-уч аср муқаддам ўтган тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунки ҳар бир ҳужжат тузишда маълум қонун-қоида, тартибга амал қилинган. Масалан, ҳужжатга дахлдор шахсларнинг номлари, уларнинг ёши ва яшаш жойи, ерларининг чегараси, гувоҳлар ва имзо чеккан шахслар, муҳр босган қозиларнинг исмлари аниқ-тиниқ кўрсатилган. Ҳужжатларда кишиларнинг ҳунари ва хонликда эгаллаб турган мансаб, амаллари ҳам қайд этилган. Шу сабабдан мазкур нодир ҳужжатларнинг айримлари тўғрисида қуйида мухтасар маълумот келтириб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, Мозори Кўҳна қишлоғида бундай маърифат ўчоқларининг бу қадар кўплиги сабабларидан бири, ўша вақтларда бойроқ кишиларнинг ҳар бири савоб йўлида кичикроқ масжид ё бошқа иншоотлар қуришган. Улуғроқ ва бадавлатроқлари (жумладан, ҳокимлар, қозилар ва йирик олимлар) эса шаҳар ёшлари таълим олсин деб, ўз ҳалол маблағлари ҳисобига мадрасалар тиклаганлар, жомеъ ва кўприклар қурганлар, ариқлар қаздирганлар. Шаҳарнинг барча бадавлат кишилари кўплаб мадраса, масжид, мактаб ва халқ манфаати йўлида турли иншоотларни қуриб, Худо йўлига садакаи жория этганлар. Бу ҳақда “Жавоҳир ул-ҳикоят” да қуйидаги ҳикоят келтирилган:

“Исфаҳон шаҳрида Антар деган баззоз одам бор эрди. Анинг одати шул эрдик, ҳар қайси мева пишиб, аввал бозорга чиққон кунни ўшал мевадан олиб, уйига келтурар эрди. Бир кунни одатига мувофиқ бир дона қовун олиб, қулидин бериб юборди. Ўзи намози асрдин сўнгра дўконини беркитиб келди ва хотунига қараб: – Эй хотун! Қовунни келтургил! – деб эрди, хотун: – Қовунни бизлар сўйиб едик,– деди. Ул киши: – Еган бўлсангизлар яхши бўлибтур! Эмди манинг насибамни келтургил, – деб эрди, хотун: – Сизни фаромуш қилибдурмиз ва насиба сақламабдурмиз, – деди. Бас, ул киши бул жавобни эшитиб кўнглуда фикр қилиб айтдики: – Мани ҳаётлик вақтимда ўзимнинг келтурган қовунимдин ўзумга насиба сақламоққа фаромуш қилгон хотун, эмди ўлганимдин сўнгра, албатта, бир бегона эрга тегиб айшу ишрат ила мағрур бўлгон вақтида мани фаромуш қилмоғи ва фотиҳа ўқимаслиги муқаррардур. Эмди ўзумга дастгирлик қилгудек савоб ишни ўзум қилиб кетмасам, булардин фотиҳа умид қилмоқ хато экан, – деб фикр қилиб ўз дилида ҳамма моли ва пулига бир жой олиб, вақф қилиб кетмоқни маслаҳат кўрди. Аммо бул муддаони хотунига билдурмай, хафалигини яшуруб ўлтурди. Соате ўтгандин сўнгра хотунига тадбир қилиб: – Эй хотун! Ман сани ниҳоят даражада қаттиқ яхши кўраман ва сенинг бирла ҳамнишин бўлуб ўлтуруб, таом ва мева емоғу шароб ичмоқни орзу қилурман, лекин ўзум дўконимга банд бўлуб, санинг бирла ҳамсуҳбат бўлмогда ҳаргиз фурсату фароғат тополмасман. Бугун эшиттимки, фалон одам богини сотар эрмиш. Ман агар ўшал богни олсам, анинг меваси бизларнинг бир йиллик рўзгору хароҷатимизни кўтарур ва ман ҳам дўконнинг ташвишидин халос топиб, санинг бирла айшу ишрат қилмоққа фурсат топгайман. Лекин ул богни олмоққа пулим кифоя қилмас. Бас, агар сан

иттифоқлик қилиб, ўзингнинг олтинку кумушларингни ва зиёда либосларингни манга берсанг, ман аларни сотиб пулини қўшсам, иккимизнинг пулимиз богнинг баҳосига тайёр эрди, – деб эрди, хотун эри бирла айшу ишрат қилмоқни эшитиб, дарҳол молларини бермоққа рози бўлди. Эри ҳам хотунни қозихонага олиб бориб, ўшал молларни берганига тилхат олиб, шариатга мувофиқ қилиб, молларнинг ҳаммасини ўз тасарруфига олди ва бир фурсатдин сўнгра молларнинг ҳаммасини бозорга чиқариб сотиб, пулига пул қўшиб, минг тиллога ўшал богни олди ва қозидин васиқа қилиб олгандин сўнгра бозорга келиб баланд овоз бирла: – Эй халойиқ, ман фалон жойдаги богимнинг мевасини ва дарахтини Худо йўлига садақа қилдимки, ҳар ким толиб бўлса, бориб олсун! – деб хабар бериб эрди, андак фурсатда одамлар бориб, ҳамма мевасини, дарахтини олиб кеттилар ва ери қуруғ бўлуб қолди. Андин сўнгра ул баззоз қозига бориб, ўшал ерни мусулмонларга мазор қилмоқ учун вақф қилдим деб, вақфнома ёздурди. Бас, бул хабарни баззознинг хотуни эшитиб, гамгин бўлуб эрига қараб: – Нега айшу ишрат қилмоқ учун олган ерни вақф қилдингиз? – деб эрди, баззоз дилидаги муддаосини изҳор қилиб: – Эй хотун! Сизлар мани ҳаётлик вақтимда ўзимнинг олиб келган қовунимдин насиба сақламай фаромуш қилдингизлар. Эмди ман ўлсам, бир ўзга эрга тегиб, анинг бирла айшу ишратга мағрур бўлган вақтда, албатта, мани фаромуш қилгайсан ва фотиҳа бирла йўқламагайсан деб қўрқуб, ўзумнинг эҳтиётим учун савоб иш қилдимки, сизларга муҳтож бўлмагайман, – деб жавоб берди. Андин сўнгра улерни мусулмонлар учун мазор қилдиларки, анинг номини “Антар мазори” дерлар. Ҳануз ҳам мазордуқ бор, андак вақтдин сўнгра ул баззоз ҳам ўлди. Ани ҳам ўшал мазорга дафн қилдилар. Неча кундин сўнгра баззознинг хешу ақробаларидин бир киши тушида баз-

зозни кўрса, жаннатнинг қасрида ўлтурубтурки, анинг қасрини катталиги ҳар тарафи бир минг тошлик йўлдур ва анда тўрт анҳор бордурки, биридин сут, биридин занжабил ва биридин салсабил суви оқиб турубтур. Бас, ул одам базозга қараб: – Эй Антар! Сан нима учун мундог даража топдинг?– деб савол қилиб эрди, Антар анинг жавобига: – Дунёда бўстони мни вақф қилиб эрдим, ани бадалига охиратда Раҳмонимдин ушбу бўстонни олдим, – деди.

Бас, эй биродарлар! Ҳар ким оқилу ҳушёр бўлса, Антар базоздек ўзига дастгирлик қиладурган ишларни ҳаётлик вақтида қилиб қўйгай. Ва ҳар ким жоҳилу нодон бўлса, дунёда росту ялгон сўзлаб, мол жамъ қилиб, ўзга кишининг қўлига топшируб кетар ва молларнинг ҳузур ру ҳаловатини алар кўрарлар, ҳисобу азобларини эса ул нодон кўрар”.⁸³

Эҳтимол, бу гаплар ҳозирги давлатманду амалдорларнинг кўпчилигини ажаблантирар. Бироқ гап тарихий ҳақиқат устида кетмоқдаки, бундай мисолларга асло ҳайратланмаслик лозим. Негаки, аждодларимиз эзгулик йўлида хотамтойлик кўрсатишни оддий инсоний фазилатларидан деб билишган ва садакаи жориядек улуғ савобдан юз ўгиришмаган. Шу боисдан бўлса керак, уларнинг номлари тарих саҳифаларида абадий қолгандир.

Фикримизнинг далили сифатида Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” асаридан қуйидаги парчани келтириб ўтмоқчимиз:

“Ҳар бир соҳиб давлатга вожибдурки, бу фоний дунёда умри борича яхшилик қондасини тебратгай. Ва яхши амал биносин маҳкам этгай. Чунки ҳар ким ҳаётлигида яхшилик иморатин қуриб кетса, унинг савоби вафо-

⁸³ Жавоҳир ул-ҳикоят. // Тўплаб, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1993. – Б.80 – 82.

тидан кейин руҳига етиб туради. Ва бу амални садақаи жория дерлар. Чунончи масжид ва мадраса қурмоқ, хо-нақоҳ ва йўл, кўприк ёки работ қурмоқлик шулар жум-ласидан. Шу иморатлар бор экан, қурганнинг руҳига са-воби етиб туради.

Назм:

Яхши намуна айлаб ҳар ким вафот этмиш,
Ҳар лаҳза тоза файзи руҳи қошига етмиш.

Ҳар оқил ва ҳушёр киши билсаки, инобат сайқали би-лан хотири ойнаси зангини артса ва билсаки, дунё ма-тоси завол топгувчидур ва дунё улуглиги интиҳо топ-гувчидур. Подшоҳлар, умаролар ва давлатмандлардан қолган садақаи жория иморатлар бор экан, уларнинг номлари ҳам халқ орасида машҳурдур.

Байт:

Чунки қилмас бу жаҳони беқарор,
Яхши иш қилгилки, қолгай ёдгор.

Садақаи жория – ўзидан кейин қолган яхши ишлари охира-т сафари озукаси бўлур. Ҳадисда келтирибдурлар-ки: “Киши вафотидан кейин ҳеч амал унга ҳамроҳ бўл-магай, магар уч нарса ҳамроҳ бўлгай:

– аввал, садақаи жория;

– иккинчи, қолдирган илмиким, халойиқ ундан фой-даланмишлар;

– учинчи, солиҳ фарзандки, вафотидан кейин унинг ҳақи-га дуои хайр қилгай”.

Бас, мамлакат тасарруфини қўлга киритганларга ярашадиган иш шуки, масжидлар ва бошқа иморатлар қургайларки, токи халқ ундан фойдалансин.

Ҳадисда келтирибдурларки, кимки Худо розилиги учун масжид бино қилса, Аллоҳу таоло жаннатда унга кўшк бино қилур. Агар масжидни таъмирласа ҳам шу мартабага эришади. Ундан сўнг имом ва муаззин та-йин қилиб, уларнинг маошини ҳам муҳайё қилмоқ ке-

рак, токи тирикликка машгул бўлмай, ўз вазифаларида устивор бўлгайлар. Яна бири бу ким, баланд тоқлик мадрасалар қургайлар ва уларга покдомон мударрислар тайин қилгайлар, токи шарият уругин сочгайлар. Бу ишларнинг савоби ва баракоти шу даргоҳни бино қилувчига бу дунёда ҳам, охирада ҳам мададкор бўлгай.

Яна бири буки, валоятпеша шайхлар ва диллари огоҳ сўфийлар учун покиза хонақоҳлар ва мусаффо ҳужралар қурмоқ керак. Токи ҳақиқат толиблари ва дақиқ маъно соҳиблари ўз шариф нафаслари билан мақсадлари ниҳоятига етгайлар. Ва қилган тақволари ва риёзатлари туфайли содир бўлган нури илоҳий шу хайр қилувчи сабабли ҳосил бўлади. Яна бири дорул хайр, яъни садақа тарқатадиган бинолар барпо қилмоқ керак. Токи уларда фақиру мискинларга обу таом тарқатгайлар. Бу ишлар саховат қилгувчиларнинг хотирлари жам, кўнгиллари соф бўлмоғига сабаб бўлади.

Яна бири доруш-шифо, яъни шиfoxона бино қилиб, у ерга табиби ҳозиқ ва ҳакимларни жам қилиб, барча керакли асбоб ва дори-дармонларни муҳайё қилмоқ керак. Бу ишни баракотидан дунёда сиҳат-саломат умр кечиргай ва охирада саодатини топгай. Яна мустаҳкам работлар қургай, токи мусофир йўловчи ва гарибу гураболар истироҳат қилиб ўтгайлар. Бунинг натижаси ва самараси саноқсиздур. Яна кўприклар қургай, токи йўловчилар сув кечиш машаққатидан озор бўлгайлар. Ҳадисда келтирибдурларки: “Кимки бу дунёда мусулмонлар ўтадиган сувга кўприк қурса, Аллоҳу таоло у кишини сирот кўпригидан бемашаққат ўтказар. Кимки мусулмонлар учун қудуқ ёки ҳовуз қурса, Аллоҳу таоло у кишини қиёмат ташналигидан халос қилур”.

Бир саҳоба Расул соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради: “Ё расулаллоҳ, мен бир иш қилсамки, унинг савоби вафот қилган онамга бориб турса, шунга нима маслаҳат берасиз?” Расул соллаллоҳу алайҳи васал-

лам: “Сувдан яхшироқ садақа йўқ”, дедилар. У саҳоба бир қудуқ сотиб олиб, вақф қилдилар. Савобини оналари руҳига бахшида қилдилар. Ҳар кишиким, бузруклар мазорини обод қилса, уларни руҳи поклари шод бўлиб, таъмир қилувчига ҳар ишда мададкор бўлгайлар. Шундай яхши ишларга далолат қилса, шу вақфни қурганга қанча савоб берилса, далолат қилганга ҳам шунча савоб берилади.

Байт:

Хайр қил ё хайрга бўлгил далил,
Токи топгил қилгувчига янглиз савоб.”

Бир киши вафот қилди. Бузруклардан бири тушида кўрди: “Охират дунёсида аҳволинг қалай?”, деб сўради. Марҳум: “Азоб исканжасида эдим. Бирдан Аллоҳу таоло мағфират қилди. Азобим роҳатга айланди”, – деди. Бузрук сўрадики: “Азобдан халос бўлишинг сабаби нима экан?” “Ўлмасимдан илгари чўлга бир работ қурган эдим. Шу работга бир дарвеш келиб, истироҳат қилди. Чанқогини босди. Кейин дуо қилди: “Эй бор Худоё, шу работни қурган бандангни мағфират қилгин. Шу заҳоти Аллоҳу таоло мени мағфират қилди”, деди.

Маълумки, ёзма ҳужжатлардаги қимматли маълумотлар бошқа ёзма манбалардаги тарихда ўтган воқеа, ҳодисаларни ойдинлаштиришга, уларни тушунишга сабаб бўлиши ва ҳатто янги фикр, мулоҳаза ва тасаввурга олиб келиши мумкин.⁸⁴

Изланишлар давомида Мозори Кўҳна қишлоғида бир неча ўнлаб масжидлар билан боғлиқ вақф ҳужжатлари мавжудлиги аниқланди. Бу, аввало, халқимизнинг миллий маданий меросларига бўлган эътиборида яққол кўзга ташланади. Бир неча ўн йиллар мобайнида яшириб, сақлаб келинган мазкур

⁸⁴ Тарихий манбашунослик. – Тошкент: “Фан”, 2006. 185 – 186-б.

хужжатларни мустақиллик туфайли кенг жамоатчиликка ҳавола этишнинг имконияти туғилди. Шу пайтга қадар йўқолган деб қаралган насабнома ва шажараларни нафақат кўриш, балки улардан фойдаланиш учун ҳам шарт-шароитлар вужудга келди. Тарихчи олимларнинг Тўрақўрғон туманидаги мавжуд зиёратгоҳлар ва уларнинг тарихига доир ёзма манбаларни (шажара, вақфнома, васиқа, маноқибларни) тадқиқ этишлари биринчи навбатда шу билан долзарбки, улар таниқли тасаввуф шайхларининг биографияси, Марказий Осиё ва унга қўшни минтақаларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, географик муҳит ва у ёки бу мамлакат халқининг урф-одатлари бўйича қимматли маълумотлар беради. Бинобарин, муқаддас зиёратгоҳлар ўлкамиз тарихида ўчмас из қолдирган машҳур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ бўлиб, тадқиқот материаллари уларнинг биографияси ва фаолияти бўйича маълумотларни янада тўлдиради. Қуйида биз Мозори Кўҳна қишлоғи масжидлари билан боғлиқ вақфномаларнинг қисқача мазмунини келтириш баробарида уларда қайд этилган масжидлар номи-ни баён этиб ўтмоқчимиз.

Афсуски, бизнинг кунимизгача ушбу вақф хужжатларида қайд қилинган масжидлар деярли сақланиб қолмаган. Шу сабабдан қуйида мазкур масжидлар вақфномаларининг қисқача мазмунини эътиборингизга илк бор ҳавола қилмоқдамиз. Мазкур манбаларда маҳаллий аҳолининг диний ҳаёти ҳақида қимматли маълумотларни учратишимиз мумкин. Улар ўз ичига муайян муқаддас жой тарихи, унда хизмат қилувчи сулоаларга (шайх, хўжа, чироқчи) тегишли хужжатлар – вақфнома, ёрлиқ, васиқаларни олади. Шунингдек, уларда жамият ҳа-

ётининг бошқа соҳаларига тегишли маълумотлар кўплаб учрайди.⁸⁵

№1

Мозори Кўҳна қишлоғидаги “Лашкартут” масжидининг вақфномаси

Хужжатнинг ҳажми 20x26 см. Вақфнома Кўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Битта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Ахсикент вилоятига тобе файзи осор Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган тахминан бир ярим жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан бутунлай Тўрақул сўфи Ашурқулбой ўғлининг матруки ерига туташган. Шарқдан батамом “Лашкартут” масжидининг вақфига туташган ва жанубдан бутунлай мазкур вақф қилгувчининг мулкига туташган.

Мазкур қишлоқда жойлашган тахминан беш жуфтдан иборат бошқа бир ер ҳудудининг баёни. Ғарб ва жануб томондан бутунлай омма йўлига туташган. Шарқдан батамом Мирзокарим Мулло Холмирзо охунд ўғлининг мулкига туташган ва шимол томондан Зиёвуддин Низомиддинбой ўғлининг мулкига туташган.

Мазкур қишлоқнинг Жўйи хатиб мавзесида жойлашган тахминан беш жуфтдан иборат бошқа бир ер ҳудудининг баёни. Ғарб ва шарқ томондан хос ариққа туташган. Жануб томондан Муҳаммадқобил Шербаҳодир ўғлининг мулкига туташган. Шимол томондан қисман Сиддиқбой Муҳаммадмусо ўғлининг мул-

⁸⁵ Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари (факсимеле) // Тузувчилар: А.Мўминов, Н.Абдулаҳатов, Я.Кавахара. Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3. – Б.29.

кига ва қисман Абдурасулбой Абдулкаримбой ўглининг мулкига туташган.

Калвак қишлоқда жойлашган тахминан тўққиз жуфтдан иборат бошқа бир ер ҳудудининг баёни. Ғарбдан батамом омма йўлига туташган. Шарқдан бутунлай Муҳаммад сўфи Ниёзбой ўглининг мулкига туташган. Жануб ва шимол томондан Мирзоазим мирзо Мулло Мирзораҳим қори ўглининг мулкига туташган. Ҳавосиллари маълум.

Тарих 1304 йили шаввол ойининг ўн бешинчи (милодий 1887 йили 17 август) кунини (ҳозир бўлишиб), Мулло Абдужамил охунд Холназарбой ўгли, Оталиқбой Муҳаммадёрбой ўгли, Мирзоали сўфи Яхшибой ўгли ва Олимбой Ниёзбой ўғиллари юқорида баён қилинган ер майдонлари мазкур қишлоқнинг "Лашкартут" масжидига вақф қилинганлигига шоҳидлик бердилар.

Мазкур масжид майдони. Ғарб томондан омма йўлига туташган. Шарқ томондан Абдуназарнинг матруки ерига туташган. Жануб томондан Зокирбойнинг матруки ерига туташган. Шимолдан худди ғарб томондаги каби.

Биринчи ҳудудни вақф қилгувчи Муҳаммадалибой Аҳмадбой ўгли.

Иккинчи ҳудудни вақф қилгувчи Абдуқодир сўфи Шерқулбой ўғлидир.

Учинчи ҳудудни вақф қилгувчи Идрисқулбой Абдулла ўғлидир.

Тўртинчи ҳудудни вақф қилгувчи Мулло Муҳаммад-холиқ халифа Яхшибой ўғлидир.

Мазкурлар иттифоқликда келишдиларки, биринчи, учинчи, тўртинчи ҳудудлардан олинган ҳосиллар даромадини имом олмоғи шарт ва иккинчи ҳудуднинг даромади имом ва муаззин ўртасида тенг тақсим қилинмоғи лозим. Шунингдек, мазкур вақфнинг мутаваллиси мазкур масжиднинг имоми бўлмоғи шарт қилинди.



6-расм. Мозори Қуҳна қишлоғидаги “Лашкартут”
масжидининг вақфномаси.

⁸⁶ ЎЗР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 3-варақ.

Мозори Кӯҳна қишлоғи масжиди вақфномаси

Хужжатнинг ҳажми 25x25 см. Вақфнома Қўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Иккита муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кӯҳна қишлоғининг Жуии Мозори Кӯҳна мавзесида жойлашган тахминан бир таноб шаръий ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан Муҳаммадалибой Аҳмадбой ўглининг мулкига туташган. Шарқ томондан қисман Оталиқбой Утамбой ўглининг мулкига туташган. Шимол томондан "Лашкартут" масжидининг вақф ерига туташган. Жануб томондан худди шарқ томондаги каби. Ҳавосиллари маълум.

Тарих 1298 иилининг жумодул аввал (милодий 1881 апрель) ойида Мулло Абдужалил охунд Холназарбой ўгли юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкани мазкур қишлоқда жойлашган масжид учун вақф қилганлигини иқрор эътироф ва муътабар шаръий қилди.

Мазкур масжид майдони. Ғарб ва шимол томондан катта кучага туташган. Шарқ томондан масжиднинг ҳовлисига туташган. Жануб томондан бутунлай Муҳаммадзокир Ниёзмухаммад ўглининг мулкига туташган. Ҳавосиллари маълум. Вақф қилгувчи шарт қилдики, вақфнинг мутаваллиси мазкур масжиднинг имоми бўлмоғи лозим. Шунингдек, вақф шартига кўра, агар имомнинг мазкур даромадга эҳтиёжи бўлмаса, у ҳолда вақф даромади масжиднинг таъмир ишларига сарфланмоғи керак.

Вақфномага муҳр босганлар:

Муфтий Мулло Охунд ибн Мир Усмон. 1296.

Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа. 1296.⁸⁷

⁸⁷ ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 5-варак.

Мозори Кўҳна қишлоғидаги Саримсоқбой масжидининг вақфномаси

Хужжатнинг ҳажми 19x37 см. Вақфнома Қўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Битта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган тахминан икки жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан омма ариғига туташган. Шарқ томондан Муҳаммадали Алибой ўғлининг мулкига туташган. Шимолдан Абдумўмин Ғойиб сўфи ўғлининг мулкига туташган.

Тарих 1281 йилининг жумодул аввал (милодий 1864 йил октябр) ойида Муҳаммадражаб, Муҳаммадсайид ва Муҳаммадюнус Эрмуҳаммад авлодлари мазкур ҳудудни бундан икки йил аввал оналари Зиёда биби Алибой қизи мазкур қишлоқда жойлашган Саримсоқбой масжидига вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилдилар.

Мазкур масжид майдони. Ғарб томондан Абдурасулбой Абдукаримбой ўғлининг мулкига туташган. Шарқ ва жануб томондан омма йўлига туташган.

Вақф қилгувчининг (яъни Зиёда бибининг – Н.А.) шартига кўра, вақфнинг мутаваллиси мазкур масжиднинг имоми бўлмоғи лозим. Вақф даромадининг ўндан бир қисми вақф мутаваллисига ва қолган қисми масжид муаззинига берилиши ҳам шарт қилинди.

Шундан сўнг вақф қилгувчи (Зиёда биби) вақфни мутаваллига топширди. Авлодлари орасида бунга хилоф ва ихтилоф бўлмаслиги учун мазкур шаҳар қозиси томонидан вақфни тасдиқ қилди.

Вақфномага муҳр босган:

Қози Мансурхон хўжа ибн Улуғхонхўжа.

Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар:

Мулло Муҳаммадхолиқ халифа, Мулло Сулаймон охунд, Муҳаммадзиёдбой, Азимбой сўфи, Абдурасул сўфи ва бошқа муслимлар.⁸⁸

№4

Мозори Кўҳна қишлоғи масжиди вақфномаси

Хужжатнинг ҳажми 26x32 см. Вақфнома Кўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Битта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кўҳна қишлоғининг Мозорариқ мавзесида жойлашган тахминан уч ярим таноб шаръий ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан хос ариқча туташган. Шарқ томондан омма ариғига туташган. Шимол томондан бутунлай Комила биби ва Ихром биби Исломқулбой қизларининг мулкларига туташган. Жануб томондан Абдуназарбой Соҳибназарбой ўғлининг мулкига туташган.

Тарих 1300 йилининг жумодул аввал (милодий 1883 йил 30 апрель) оининг охирида мазкур Абдуназарбой ва Бобоназарбой Соҳибназарбой ўғиллари юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкларини Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган масжид учун вақф қилганликларини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилдилар.

Мазкур масжид майдони ғарб ва шимол томондан кўчага туташган. Шарқдан масжиднинг ҳовлисига туташган. Жануб томондан берк кўчага туташган.

Вақф қилгувчилар шарт қилдиларки, мазкур вақфнинг мутаваллиси Отабой Абдуназарбой ўғли бўлиши лозим. Мазкур вақфномани тузишда вақф қилгувчилар шарт қўйдиларки, аввало, вақф даромади масжиднинг таъмири учун сарфланиши керак. Агар таъмирга эҳтиёж бўлмаса, у ҳолда имомга ажратилсин. Токи сидқидилдан вазифасини бажариб, ҳар кунги хуфтон намо-

⁸⁸ ЎЗР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 7-варак.

зидан сўнг вақф қилгувчилар ва бошқа муслимларнинг руҳларига савоб учун Куръондан тиловат қилсин.

Вақфномага муҳр босган:

Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа. 1296.⁸⁹

№5

Мозори Кўҳна қишлоғидаги қорихонанинг вақфномаси

Хужжатнинг ҳажми 22x35,5 см. Вақфнома Кўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Иккита муҳр мавжуд. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган тахминан ним чекдан иборат атрофи ўралган ҳовуз ва бир эшикли меҳмонхона майдони. Ғарб томондан катта кўчага туташган. Шарқ томондан Рустамқул Мирзоёрбой ўғлининг мулкига туташган. Шимол томондан вақф қилгувчининг мулкига туташган. Жанубдан шарқ томондаги каби.

Мазкур қишлоқнинг Жўйи мазор (Мозорариқ) мавзесида жойлашган тахминан ярим танобдан иборат атрофи ўралган турли дарахтлар ўтқазилган ҳудуд майдони. Ғарб томондан омма йўлига туташган. Шарқ томондан вақф қилгувчининг мулкига туташган. Шимол томондан Мулло Муҳаммадгози ва Абдуқодир Исомқул ўғилларининг мулкига туташган. Жануб томондан Каримберди ва Мулло Муҳаммадолим Мулло Юнус домулло ўғилларининг мулкига туташган.

Тарих 1303 йилининг жумодул соний (милодий 1886 март) ойида Асрорқулбой Мирзоёр ботир ўғли юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкларидан биринчисини қориларга Куръон тиловат қилишлари учун қорихона сифатида вақф қилиб, мазкур қорихона учун ик-

⁸⁹ ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-нш. 9-варак.

кинчи бандда кўрсатилган мулкани вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди.

Вақф қилгувчи мазкур вақфни тириклик чоғида ўзи ва ундан кейин фарзандлари бошқаришини маълум қилди. Вақф қилгувчининг шартига кўра, вақф қилинган ердан олинадиган ҳосилнинг даромади, аввало, қорихонанинг таъмирлаш ишларига сарфланмоғи лозим. Агар таъмирга эҳтиёж бўлмаса, олинган даромад қориларга берилиши шарт. Токи қорилар сидқидилдан вазифасини бажариб, ҳар кунги бомдод намозидан сўнг “Ёсин” сурасини ва хуфтон намозидан сўнг “Мулк” сурасини ўқишиб, вақф қилгувчи ва бошқа ўтган муслимларнинг ҳақларига бахшида қилсинлар.

Муфтий Мулло Охунд ибн Мир Усмон. 1296.

Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа. 1296.⁹⁰


№ 6

Мозори Кўҳна қишлоғининг Ермасжид маҳалласида жойлашган масжид вақфномаси

Ҳужжатнинг ҳажми 25,5x42 см. Вақфнома Қўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Иккита муҳр мавжуд. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кўҳна қишлоғининг Жўйи мозори кўҳна (Кўҳна мазорариқ) мавзесида жойлашган тахминан олти жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан омма аригига туташган. Жануб томондан Муҳаммадали Аҳмадбой ўғлининг мулкига туташган. Шарқ томондан бутунлай Қушбаҳодир Бекбўтабий ўғлининг мулкига туташган. Шимол томондан Ирисқули девонбеги Яхшибой ўғлининг мулкига туташган.

⁹⁰ ЎЗР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 11-ва-
рак.



7-расм. Мозори Кухна қишлоғининг Ермасжид маҳал-
ласида жоилашган масжид вақфномаси.

Шаҳанд вилоятининг Ёрқўтан мавзесида жойлашган атрофи уралган ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан бутунлай уста Мир Ҳамид Мир Фулодбой ўглининг мулкига туташган. Шарқ томондан батамом Имом баққол Раҳмонберди ўглининг мулкига туташган. Шимол томондан бутунлай Парча биби Қулмуҳаммад сўфи қизининг мулкига туташган. Жануб томондан берк кучага туташган. Ҳавосиллари маълум.

Ҳамдлар бўлсин улуг ва иззат эгаси Аллоҳ таолога, салавот ва саломлар бўлсин унинг расулига, аммо баъд, дахлдор давлат ва дин арбобларига очик ва ошкора бўлсинки, тарих 1279 (милодий 1862) йилининг жумодул охир ойида Муҳаммад Абдухолиқбой Фармон сўфи ўгли юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкларини, етти дона тилло ҳамда айланаси туққиз ярим ним ҳажмдаги чўян қозонни мазкур (Мозори Кўҳна) қишлоқнинг Ермасжид маҳалласида жойлашган Ермасжид номли масжид учун вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шартий қилди.

Мазкур масжид майдони ғарб томондан Турсунмуҳаммад саркор Абдусўфи ўглининг матруки ерига туташган, шарқ ва шимол томондан кучага туташган.

Шундан сўнг вақф қилгувчи (Муҳаммад Абдухолиқбой Фармон сўфи ўгли) шарт қилдики, мазкур вақфнинг мутаваллиси уста Муҳаммад Ғойиб уста Муҳаммадали ўгли ва Муҳаммадвали Фармон сўфи ўгли ва Умарқули Норқул сўфи ўгли бўлиши лозим. Улардан сўнг мутавалли сифатида мазкур маҳалла аҳлининг солиҳларидан бири тайинланиши шарт.

Вақфномага кура, вақф даромади, аввало, масжиднинг таъмир ишларига сарф қилинмоғи керак. Агар таъмирга эҳтиёж бўлмаса, у ҳолда даромад беш қисмга ажратилиб, бешдан бир қисми мутаваллига, бешдан уч

қисми имомга ва қолган қисми масжиднинг муаззинига берилиши керак.

Шундан сўнг вақф қилгувчи (Муҳаммад Абдухолиқбой Фармон сўфи ўгли) вақфни мутаваллига топширди. Авлодлари орасида бунга хилоф ва ихтилоф бўлмаслиги учун қози томонидан вақфни тасдиқ қилди.

Вақфномага муҳр босганлар:

Муфтий Сайидалихўжа ибн Султонхўжа.

Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа.

Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар:

Мулло Султонқул охунд, Мулло Шавқий охунд, Мулло Жониқул, Имомқулбой, Муҳаммадсодиқ ва бошқа муслимлар.⁹¹

№7

Мозори Кўҳна қишлоғидаги Хушвақт понсадбоши мадрасасининг вақфномаси

Ҳужжатнинг ҳажми 30,5x39 см. Вақфнома Кўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Иккита муҳр мавжуд. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Бураматут қишлогининг Жуйи кўча Разон (Разон ариги кўчаси) мавзесида жойлашган тахминан беш жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан бутунлай Абдушукур махзум Мулло Курбон ўглининг мулкига туташган. Шарқ томондан қазилган ариққа туташган. Шимол томондан батамом Нишонбой Холмирзо ўглининг мулкига туташган. Жануб томондан Тошмуҳаммадбой Жумабой ўглининг мулкига туташган.

⁹¹ ЎЗР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошкармаси. 1-р, 34911-иш. 13-ва-
рак.

1297 йили (милодий 1880 йил июль ойида) Хонбиби Кўқонбой қизи юқорида зикр қилинган ўз мулкидаги ҳудуднинг ярмини барча ҳуқуқлари билан сидқидилдан Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган Хушвақт понсад-боши мадрасасига вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди.

Мазкур мадрасанинг майдони гарб томонидан мазкур қишлоқнинг қабристонига туташган, шимол томондан катта кўчага туташган. Жанубдан гарб томондаги каби.

(Хонбиби Кўқонбой қизи) мулкининг қолган ярим қисмини Бураматут қишлоғида жойлашган Мулло Муҳаммадолим Муҳаммадюнус домла ўғлининг масжидига вақф қилди.

Вақф қилгувчи (Хонбиби Кўқонбой қизи) вақф ерининг ярим қисмидан олинган даромадни қуйидаги тарзда уч қисмга бўлинишини шарт қилдики, учдан бир қисми мадрасанинг мударрисига, учдан бир қисми имомга ва қолган қисми муаззин ва кўп вақт марасада истиқомат қилиб илм олгувчи талабаларга берилиши лозим. Мазкур вақфнинг мутаваллиси мазкур мадрасанинг аввалги мутаваллиси бўлиши шарт.

Шундан сўнг вақф қилгувчи (Хонбиби Кўқонбой қизи) вақфни мутаваллига топширди. Авлодлари орасида бунга хилоф ва ихтилоф бўлмаслиги учун қози томонидан вақфни тасдиқ қилди.

Вақфномага муҳр босганлар:

Муфтий Мулло Охунд ибн Мир Усмон. 1296.

Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа. 1296.

Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар:

Саримсоқ оталиқ, Нўъмонхўжа, Мулло Нурмуҳаммад охунд, Бобохон ноиб.⁹²


⁹² ЦГА. Уз. Фонд № -19. Оп № 1. Ед. хр. 34911. Л. 15.

Мозори Кўхна қишлоғидаги Саримсоқбой масжидининг вақфномаси

Ҳужжатнинг ҳажми 16x22 см. Вақфнома оддий қоғозга форс тилида ёзилган. Битта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Бордимқул қишлоғининг Жўйи Чорбоғ (Чорбоғ ариғ) мавзесида жойлашган тахминан тўрт жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан жарга туташган. Шимол томондан Асрорқул полвон Абдурузиқбой ўғлининг мулкига туташган. Шарқдан омма ариғига туташган. Жануб томондан Отабой Ашуурмуҳаммад суфи ўғлининг мулкига туташган.



8-расм. Мозори Кўхна қишлоғидаги Саримсоқбой масжидининг вақфномаси.

Тарих 1304 (милодий 1887) йилнинг шаввол ойида Мулло Муҳаммадқобил Эрназарбой ўғли, Содик суфи Холназарбой ўғли, Мерганбой Турсунбой суфи ўғли ҳамда Ҳасанбой оқсоқол Эрназарбой ўғли шул ҳақда шохидлик

бердиларки, мазкур ер Мозори Кӯҳна қишлоғидаги Саримсоқбой масжидига вақфдир.

Мазкур масжид майдони ғарб томондан Абдурасулбой Абдукаримбой ўглининг мулкига туташган. Шарқ ва жануб томондан омма йўлига туташган.

Мазкур вақф мулки Холназарбой томондан холисона Аллоҳнинг йўлида Саримсоқбой масжидига вақф қилингандир.

Мазкурлар иттифоқликда қуйидаги келишувга эришдиларки, вақф даромадини масжиднинг имоми олмоғи шарт ва вақфнинг мутаваллиси масжиднинг мутаваллиси бўлмоғи керак.

Вақфномага муҳр босган:

Кози Мулло Охунд ибн Мир Усмон.⁹³

№9

Мозори Кӯҳна қишлоғидаги Саримсоқбой масжидининг вақфномаси

Вақфноманинг ҳажми 19x28 см. Вақфнома маҳаллий қоғозга форс-тожик тилида ёзилган. Битта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кӯҳна қишлоғининг Хатиб мавзесида жойлашган тахминан саккиз жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан ... Шерқулбой ўглининг мулкига туташган. Шимол томондан Ойбиби Холиқназарбой қизининг мулкига туташган.

Мазкур мавзеда жойлашган тахминан олти жуфтдан иборат бошқа бир ер ҳудудининг баёни. Ғарб ва шимол томонлардан Норқулбой Ниёзмуҳаммадбой ўгли

⁹³ ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 17-ва-
рак.

нинг мулкига туташган. Шарқ томондан омма аригига туташган.

Тарих 1280 йилнинг муҳаррам (милодий 1863 йил июнь) ойида Саримсоқбой Эрназарбой ўгли юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкларини барча ҳуқуқлари билан холисона мазкур қишлоқдаги масжид учун вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди.

Мазкур масжид ҳудудининг баёни. Ғарб томондан Ойимбиби Боймирозбой қизининг мулкига туташган. Шарқ томондан омма йўлига туташган. Шимол томондан берк кўчага туташган.

Вақф қилгувчи мазкур вақфни мутаваллиси фарзандларидан бири бўлишини шарт қилди. Вақф қилинган ердан олинадиган ҳосилнинг даромади аввало масжиднинг таъмирланишига, масжиднинг палоси ва ёритилиши учун сарфланиши лозим. Даромаднинг қолгани масжиднинг имомига берилиши керак.

Вақфномага муҳр босган:

Қози Мансурхон.

Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар:

Мулло Муҳаммадвали охунд, Муҳаммадзиёбой, Норқулбой, Абдуназарбой, Шерназарбой, Эрназарбой ва бошқа муслимлар.⁹⁴

⁹⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 5-ва-
рак.

**Мозори Кўҳна қишлоғидаги
Саримсоқбой масжидининг
вақфномаси**

Вақфноманинг ҳажми 18x26 см. Вақфнома маҳаллий қоғозга форс-тожик тилида ёзилган. Иккита муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кўҳна қишлоғининг Хатиб мавзесида жойлашган тахминан бир танобдан иборат ер ҳудудининг баёни. Ғарб томондан омма ариғига туташган. Шимол томондан хос (кичик) йўлга туташган. Шарқ томондан Муҳаммадражаб Абдуқодир сўфи ўғлининг мулкига туташган. Жануб томондан Тошмуҳаммадбой Муродбой ўғлининг мулкига туташган.

Тарих 1284 йилнинг зулқаъда (милодий 1867 йил февраль) ойида мазкур Муҳаммадражаб юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкани барча ҳуқуқлари билан холисона мазкур қишлоқда жойлашган Саримсоқбой Эрназарбой ўғлининг масжиди учун вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди.

Вақф қилгувчи ушбу вақфнинг мутаваллиси мазкур масжиднинг мутаваллиси бўлишини ҳамда вақф даромадининг ўндан бир қисми мутаваллига ва қолган қисми масжиднинг имомига берилишини шарт қилди.

Шундан сўнг вақф қилгувчи Муҳаммадражаб вақфни мазкур мутаваллига топширди.

Вақфномага муҳр босганлар:

1. Қози Мансурхон.

2. Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа.

Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар:

Эшон Ҳисомхўжа, Мулло Шермухаммад ва бошқа муслимлар.⁹⁵

№11

Ермасжид маҳалласи масжидининг вақфномаси

Вақфноманинг ҳажми 26x30 см. Вақфнома маҳаллий қоғозга форс-тожик тилида ёзилган. Учта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Мозори Кўҳна қишлогининг Жўйи мозори кўҳна мавзесида жойлашган ер ҳудудининг баёни. Чунончи, ғарб томондан хос (кичик) ариққа туташган. Шимол томондан қисман мулло Қулмухаммад Бекбўтабий ўглининг мулкига ва қисман Ирисқулининг мулкига ва қисман Муҳаммадалининг мулкига туташган.

Тарих 1283 йилнинг раббиул аввал (милодий 1866 йил июль) ойида Абдухолиқбой Фармон сўфи ўгли тани сиҳатлигида юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкани холисона Аллоҳнинг ризолиги учун Шаҳанд вилояти Ермасжид маҳалласидаги масжид учун вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди.

Мазкур масжид ҳудудининг баёни. Чунончи, шарқ, шимол ва жануб томонлардан кўчага туташган. Ғарб томондан бутунлай Имом баққол Раҳмонберди ўглининг мулкига туташган.

Вақф қилгувчи ушбу вақфнинг мутаваллиси Али Назарбой Ризоқулибой ўгли ва ундан сўнг мазкур маҳалладаги аҳли солиҳларидан бири бўлишини шарт қилди. Шунингдек, вақф қилгувчи вақф даромадининг ўн-

⁹⁵ ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 7-варақ.

дан бир қисмини мутаваллига ва қолган беш қисмини масжиднинг имомига ва бир қисми масжиднинг палоси ва ёритилиши учун ва қолган уч қисми масжиднинг муаззинига берилишини шарт қилди.

Вақфномага муҳр босганлар:

1. Муфтий Сайидхон ибн Султонхон Қози Мансурхон.

2. Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа.

3. Учинчи муҳрни ўқиб бўлмади.

Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар:

Пирмуҳаммад сўфи, Наврўзбой ва бошқа муслимлар.⁹⁶

Аширқул сўфи масжидининг вақфномаси

Вақфноманинг ҳажми 28,5x54 см. Вақфнома маҳаллий қоғозга форс-тожик тилида ёзилган. Битта муҳр мавжуд.

Вақфноманинг қисқача мазмуни куйидагича:

Ахсига қарашли Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган, тахминан, уч жуфтдан иборат ер ҳудудининг баёни. Чунончи, гарб томондан қисман Рустам Мирзо Ёрбой ўғлининг мулкига ва қисман Юнусбой Қурбонбой ўғлининг мулкига туташган. Шимол томондан хос йўлга туташган. Шарқ томондан қисман вақф қилгувчининг мулкига ва қисман Муҳаммадмусо Зиёбой ўғлининг мулкига туташган. Жануб томондан қисман мазкур Муҳаммадмусонинг мулкига ва қисман Мулло Муҳаммадгози ва Абдуқодирбой Исломқулбой ўғлининг мулкига туташган.

⁹⁶ ЎЗР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 9-ва-
рак.

Ҳамдлар бўлсин улуг ва иззат эгаси Аллоҳ таолога, саловот ва саломлар бўлсин унинг расулига, аммо баъд, дахлдор давлат ва дин арбобларга очиқ ва ошкора бўлсинки, тарих 1300 йилнинг раббиус соний (милодий 1883 йил февраль) ойида Аширқул сўфи Мирзоёрбой ўғли юқорида баён этилган ўз тасарруфидаги мулкани мазкур Мозори Кўҳна қишлоғида жойлашган ўзи бино қилган масжид учун вақф қилганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаръий қилди.

Мазкур масжид ҳудудининг баёни. Чунончи, шимол томондан Абдурасулбой Абдукаримбой ўғлининг мулкига туташган. Шарқ томондан йўлга туташган.

Вақф қилгувчи ушбу вақф даромадининг учдан икки қисми имомига ва қолган бир қисми масжиднинг муаззинига берилишини шарт қилди.

Вақфномага муҳр босган:

1. Қози Юнусхўжа ибн Мир Калонхўжа.⁹⁷

* * *

Шу ўринда ушбу вақфномаларга босилган муҳрларда номи қайд этилган Юнусхўжа қози Мир Калонхўжа ўғли тўтрисида.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида яратилган адабиётларда ўтмишда яшаб ўтган қозиларга порахўр, инсофсиз, иймонсиз кўпроқ узатишга қодир бадавлат кишиларнинг фойдасига ҳукм қилаверадиган кимсалар сифатида таъриф бериб келинди. Бироқ, асл ҳақиқатни олганда, қозилар орасида шеърийатни, адабиётни яхши билган, табобатдан хабардор, бой хазинага эга кутубхоналар жамлаган, жамиятнинг фаол арбоблари бўлган ҳурматли

⁹⁷ ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 22-варак.

одамлар кўп эди. Шулардан бири Юнусхўжа қози ва унинг фарзандлари Тошхўжа қози бўлади.

Айтишларича, Юнусхўжа қози Мир Калонхўжа ўғли (1830 – 1890) Қўқон хони фармониға биноан Тўрақўрғон музофотида қози вазифасини бажариш учун Қўқон шаҳридан жўнатилган экан. Айрим тахминларға қараганда, у Аҳси қишлоғининг Жанжал, ҳозирги Файзиобод маҳалласида таваллуд топиб, шу ерда улғайган. Юнусхўжа қози Тўрақўрғон, Аҳси ва Бурамагут ҳудудларида қози вазифасида хизмат қилиш баробарида 1875 – 1885 йиллари муқаддас ҳаж сафарига икки марта борган. Тўрақўрғон масжидларига доир вақфномаларни ўрганиш давомида Юнусхўжа қози муҳри туширилган вақфномалар мавжудлиги аниқланди.

Юнусхўжа қозининг Тошхўжа қози, Маҳмудхўжа қози, Ҳамидхўжа (Ҳомидхон) исми уч ўғил ва Ҳамропошша исми бир қиз фарзанди бўлган. Юнусхўжа қозининг Тошхўжадан олдинги фарзандлари турмаган. Тошхўжа туғилганида доя момо чақалоқни ўғирлаб уйига олиб кетади, сўнг Юнусхўжа қози ўғлини, яъни чақалоқни доя момодан сотиб олади ва боши тошдан бўлсин, умри узок бўлсин, фарзандларим тошдек маҳкам бўлиб, ҳаётда яшаб қолишсин деган яхши ният билан Тошхўжа деб исм қўяди. Юнусхўжа қозининг ўғиллари Тошхўжа ва Маҳмудхўжалар Қўқон шаҳридаги мадрасада ўқиб, ислом дини ва шариат илмларини мукамал эгаллайди. Ҳамидхўжа (Ҳомидхон) эса ислом дини илмларини эгаллайди.

Тошхўжа ва Маҳмудхўжа қози вазифаларида хизмат қилишади. Ҳомидхўжа маҳалла оқсоқоли-имо-

ми бўлиб хизмат қилади. Тошхўжа қозиди 6 ўғил, 6 қиз, жами 12 нафар фарзанд, Маҳмудхўжа қозиди 4 ўғил, 2 қиз, жами 6 нафар, Ҳомидхўжада 1 ўғил, 2 қиз, жами 3 нафар фарзанд бўлган. Юнусхўжа қозининг Ҳамропошша исмли қизларида 1 нафар Собитхон исмли фарзандлари бўлиб, жуда зукко, одобли ва қобилиятли, зеҳни ўткир бўлиб, 9 ёшида Қуръонни ёд олган. Собитхон 10 ёшида касаллик туфайли вафот этади. Ҳамропошша фарзанди дардида куйиб, хар куни қабрига бориб, йиғлаб келар экан. Ҳамропошша Собитхон доғида куйиб, касал бўлиб вафот этади. Ундан зурриёт қолмаган.

Тошхўжа қози (1866 – 1935 йилларда яшаган) узоқ муддат Тўрақўрғон, Аҳси ва Чуст ҳудудларида қози бўлиб хизмат қилади. Айтишларича, Тошхўжа қози отаси Юнусхўжа қози каби катта ҳурматга эга бўлган, шариат илмини етук биладиган, ўз даврининг илғор кишиларидан бўлган. Ўз ҳудудларида мадраса очиш, канал ва ҳовуз қовлатиш ҳамда йўл қуришдек хайрли ишларга бош бўлган. Ўша даврда ҳозирги каналлар бўлмаган. Сув таъминоти масаласи жуда қийин бўлган. Ҳудуд сув таъминотини яхшилаш учун Косонсойдан сув келтириш мақсадида янги ариқлар қовлашда Тошхўжа қози бош бўлган. Шунингдек, бошқа ободончилик ишларини амалга оширганлар. Ўз ҳудудларида шариат ҳукмлари асосида, тинчлик ва осойишталикни сақлаб, адолат ўрнатишда жонбозлик кўрсатган. Тўрақўрғон тумани Аҳси маҳалласида яшаган Набижон домланинг оталари Мамадали бува 1992 йили уйларидаги бир суҳбатда айтган эдилар: *“Маҳалла марказида Қозисарой (ҳозирги Файзиобод маҳалла марказидаги бозор ўр-*

нида) бўлиб, қози ишларини шу ердан бошқарган. Қозининг бир неча ходимлари бўлиб, одамлардан ариза-шикоятларни қабул қилишар ва қозига тақдим этишар ҳамда натижаларини эгаларига етказишар эди. Тошхўжа қози маҳалла айланса, одамлар кўчаларга сув сеиб, йўл четида ҳурмат билан салом бериб, кутиб олишар экан. Тошхўжа қози гузарлардан, одамлар кўп жойлардан ўтганларида от ёки араваларидан тушиб одамларга салом бериб, қўллари кўксиларида энгашиган ҳолда ўтиб кетар эканлар”.

ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ

Аввало, ниятни тўғриламақ: зиёратни холис Аллоҳ учун қилмоқ; ёрдамни, нажотни, ёлғиз Аллоҳдан тиламоқ лозим. Анбиёи изом (улуғ пайгамбарлар) ва авлиёи киромнинг зиёратлари, шубҳасиз, фойдадан холи эмас.

Баъзи адно (мушкул) даражада қолган бандалар Аллоҳ таолодан ҳожатларини бевосита талаб этмоққа ўзларида лаёқат ва муносабат топмагани сабабли, баъзи дунё ва охираат мақсадлари ҳосил бўлиши учун уларни восита ва васила айласалар, улар ҳурматидан ушбу талабни Аллоҳ ижобат қилиб, ҳожатлари раво бўлиши умид қилинади. Чунончи, “Ё Раббим! Шу зотнинг қурбу ҳурматини даргоҳингга восита ва васила айладим, менинг фалон мақсудимни раво қил!” деб дуо қилиши мумкин. Чунончи, бу “Ибодати исломия”да айтилган.

Ҳазрати пайгамбар ва азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилганда асар ва таассурот воқеъ бўлиши тажриба қилингандир, тажрибиёт ҳам тариқи илмдир. Бас, пайгамбарларни ва авлиёларни вафотларидан кейин зиёрат қилиш бефойда эмас. Лекин зиёрат қилинган зотга ҳам фойда етиши аҳли суннат вал-жамоат мазҳабида, шубҳасиз, бор масаладир. Фақат зиёратчи нияти ва ихлосини тўғри қилиши лозим. Уларни тирик деб эътиқод қилмаслик керак. Дуони ёлғиз Аллоҳга қилиши керак.

Сўрайдиган нарсаларини қабрдаги зотдан сўраш асло мумкин эмас. Бу ширк бўлади, ширкни эса Аллоҳ кечирмайди. Бирор кишида бундай хатолар ўтган бўлса, чин дилдан Аллоҳга тавба қилмоғи лозим.

Зиёрат пайтида таҳоратли бўлмоқ суннатдир.

Айниқса, ҳазрати Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак қабрларини ва азиз-авлиёлар

қабрини зиёрат этишдан олдин гусл қилмоқ одобга мувофиқдир.

1. Қисқа муддат бўлса ҳам дунё машғулотини тарк этиб, охиратни ўйламоқ.

2. Икки ракаат намоз ўқимоқ суннатдир.

Таҳоратли ҳолда (зиёратгоҳга яқин масжидда ёки намоз ўқиш жоиз бўлган жойда) икки ракаат намоз ўқиб, ҳар бир ракаатида “Фотиҳа” сурасидан сўнг бир марта “Оят ал-Курсий”ни ва уч мартадан “Ихлос” сурасини ўқийди. Салом бергач, бу намознинг савобини марҳумга ҳадя этади.

3. **Зиёратгоҳда виқор билан, сокин юрмоқ.**

Зиёратгоҳда виқор билан, яъни гоят сокин, вазмин, оҳиста юради. Беҳуда ва баланд овозда сўзламайди. Эҳтиёж бўлса, зарурий сўзларни оҳиста ва адаб билан гапиреди.

4. **Қабр аҳлига салом бермоқ.**

Қабристонга борганда аввал қабр аҳлига салом берилади. Масалан, бундай дейилади: “Ассалому алайкум, эй бу диёрнинг мўминлари ва мусулмонлари! Иншооллоҳ, бизлар ҳам сизларга келиб қўшилурмиз. Аллоҳ таолодан бизлар учун ва сизлар учун офият, тинчлик-омонлик тилайман!”

Бирор қабристон ёнидан ўтганда ҳам салом бериб ўтиш яхшидир.

Ҳадиси шариф: “Кимики бирор қабр ёнидан ўтаётиб, қабр аҳлига салом берса, худди дунёда билганидек, маййит уни билади ва алик олади”. Бу жавоб қайтариш қол тили билан эмас, балки ҳол тили биландир. Ҳазрати ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) бирор қабр ёнидан ўтсалар, албатта, салом бериб ўтардилар.

5. **Оёқ томонидан бориб, маййитга яқин ва юзма-юз ўтирмоқ.**

Зиёрат қилганда белгили қабр ёнига оёқ томонидан бориб, аввал маййитга салом беради, ҳаётлик пайтида унга қандай яқин ўтирса, шу даражада яқин ўтиради. Маййитнинг юзи ва кўкраги тўғрисига келиб ўтиради.

Маййит, албатта, юзи қиблага қаратиб кўмилади. Шу боис зиёратчи юзини қиблага эмас, балки, аксинча, қабрга қаратиб, марҳумнинг бош тарафида, унга юзма-юз ва яқин ўтиради.

6. Қабрни сийпаш, ушлаш ва ўпишдан қаттиқ сақланмоқ.

Зиёрат чоғида асло қабрни сийпамаслик, айланиб тавоф қилмаслик, ушламаслик ва ўпмаслик керак. Бу адашганларнинг одатидир.

7. Қабр бошида “Ёсин” сурасини ёки ўзи билган бошқа сура ёхуд оятларни ўқимоқ.

Ўтиргач, 1 марта “Фотиҳа” ва 3 бор “Ихлос” сурасини ёки ўзи билган сураларни ўқиб, савобини марҳумга бағишлаш кифоя. Яна 10 марта салавот ва тасбиҳ айтмоқ савоб.

Бир марта “Фотиҳа” ва 11 марта “Ихлос” сурасини ўқиш афзал. “Ихлос”ни 10 бор ўқиш ҳам мумкин.

“Шарҳи Ширъат ул-Ислом”да айтилади: “Қабристонда сураи “Ёсин”ни ўқиш мустаҳаб эканлиги машҳур ҳадислар билан собит бўлгандир”.

Қабристонда “Оятул-курсий”ни ўқиш фазилати юқорида баён этилди. “Таборақ”ни ўқиса ҳам яхши. Бир марта “Фотиҳа”, “Ихлос”, “Ал-фалақ” ва “Аннос” сураларини ўқиш ҳам тавсия қилинган. Бир марта “Фотиҳа”, 3 марта “Ихлос ва 1 марта “Ал-ҳокум ут-такосур” сурасини ўқиса, улуг савоб ҳосил бўлади. Булар ҳаммаси тавсия қилинган савобли амаллардир.

Қабр бошида бирор фикҳий масалани айтмоқ, айниқса, савоблироқдир. Бутун ер юзидаги маййитлар руҳи унинг савобини талашади.

Аммо ҳазрати Имом Бухорий, ҳазрати Қусам ибн Аббос (розиаллоҳу анҳумо), Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳақим Термизий, Абу Ийсо Муҳаммад Термизий, Шайх Сўфи Оллоёр мақбараларидек гавжум зиёратгоҳларда бошқа зиёратчиларга ҳам тезроқ навбат бермоқ одобдандир.

Зиёратчилар марҳумга бағишлайдиган нарсаларини олдиндан ўқиб, тайёрлаб келсалар ҳам бўлади.

8. Зиёратга пойабзални ечиб кириш суннатдир. Бу ҳақда ҳадиси шарифлар бор.

Изоҳ: “Фатовойи оламгирия”да айтилади: “Қабристонда ковуш ва этик билан юрмоқ бизнинг (Имом Аъзам) мазҳабимизда макруҳ эмас”. “Сирож ул-ваҳҳож” китобида ҳам шундай дейилган.

9. Қабрни босмаслик лозим. Қабр усти майитнинг ҳаққидир.

Қабрни босиш майитнинг қорнини босиш кабидир. Қабр устидан ёки қабристон ичидан ўтиш зарур бўлиб қолса, тасбиҳ (“Субҳаналлоҳ”, “Субҳаналлоҳи ва биҳамдихи”, “Субҳаналлоҳи вал-ҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар” каби тасбиҳларни), таҳлил (“Ла илаҳа иллаллоҳ”), такбир, дуо ва истиғфор айтиб ўтса, бўлади.

Кимки қабристондан: “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбару ва лиллаҳил-ҳамд” такбирини айтиб ўтса, қабрда ётган киши: “Кошки, шу одам қабрим ёнидан яна бир марта ўтса эди!” деб орзу қилиб қолади.

10. Мўминларнинг яхши сифатларини эслаш суннатдир.

11. Зиёратдан беҳад сокин, вазмин ҳолатда қайтиш лозим.

(Мирзо Аҳмад Хушназарнинг “Қабристон зиёрати одоби” рисоласидан олинди).

ХУЛОСА

Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний” асарида шундай ёзади: “Келтирибдурларки, уч подшоҳ Нўширавон мажлисида ҳозир эдилар: Қайсарӣ Рум, хоқони Чин, доройи Ҳинд. Нўширавон деди: “Яна қанча вақтда бундай йигиламиз. Худо билади. Келинлар, ҳар биримиз баҳоли қудрат сўз айтайлик, не учунким, подшоҳлар сўзи сўзлар подшоҳидур. Биздан тарих саҳифасида ёдгор бўлиб қолсин. Агар йигилишимизда бир ҳикмат айтмай, шу анжуманни зое қилсак, кейин надоматдан фойда йўқ”.

Байт:

**Мумкин бўлса яхши сўз қил ошкор,
Яхши сўздин хўб йўқдур ёдгор.**

Аввал навбатни Нўширавонга бердилар. Нўширавон деди: “Ҳаргиз айтилмаган сўзга пушаймон бўлмадим ва баъзи сўзларники айтган эдим, надомат едим”. Ундан кейин Рум қайсарӣ деди: “Ончаким демадим, хоҳлаган пайтимда дея олдим. Аммо деганимнинг ҳеч бирин қайтариб тасарруфимга киргиза олмадим. Ундан кейин Чин хоқони деди: “Ҳар сўзники айтмабдурман, менга зери дастдур ва мен унга голибдурман. Ҳар сўзники айтибдурман, мен унга голиб бўлолмасман”. Навбат Ҳинд доройига етди: “Ҳар калимаки кўнгил саҳифасидан зуҳур арсасига келса ё савоб сураатида жилва берур, ё хато хилъатида кўринур. Агар савоб сўз бўлса, айтгувчининг ўзи ҳам амал қилгувчи бўлиши керак. Агар хато бўлса, унинг зиёни ҳаммага аёнки, шарҳга ҳожат йўқ. Бас, икки ҳолатда ҳам хомушлик яхшидур”.

Ушбу китобимизнинг хулосасида Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ҳикматларидан бежиз сўз очмадик. Зеро, китобда айтилган ҳар бир сўзга жавобгарлик ҳиссини ўйлар эканмиз, келгусида бўлажак

эътирозлар ва танқидлардан холи бўлиш учун китобни чоп этмаслик керакмиди, деган фикру ўйлар бизни сира тарк этмади. Китоб ёзиш аввалида қишлоқ аҳлига саволномалар ҳам тарқатдик, керак бўлса, эринмасдан бирма-бир юриб, ёши улуғ инсонлар билан суҳбатлашдик. Аммо ўйлаган режаларимиз тўла-тўкис амалга ошмай қолди. Афсуски, қаердадир биз учун жуда керакли маълумотларни айтиб берувчи инсонлар билан учраша олмадик ва муҳим манбаларни эътибордан қолдирдик. Шуларни ўйлаганимиз сари китобни чоп этишни атайин кечиктириб келдик. Қисқаси, кутиб яшадик...

Ва ниҳоят, Мозори Кўҳна қишлоғи тарихини ўрганиш борасида илк қадамларимизнинг натижаси сифатида ожизоналик билан ёзилган ва тўпланган ушбу маълумотлар дунё юзини кўрса, эҳтимол, келгусидаги мукаммал китоблар учун асқотиб қолар, дея қўлёзмани нашр қилишга қарор қилдик ва ушбу китобни биринчи китоб эканига ишора бердик.

Китобда зехнимиз доирасидан четда қолган мавзу юзасидан узрлимиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда. Уламолар наздида вақтнинг қадри. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Н.Абдулаҳатов, В.Азимов. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Тошкент: “Шарқ”, 2005.

Н.Абдулаҳатов, Аҳмедова Н. Комиллик сари. – Тошкент: “NOSHIR”, 2018.

Н.Абдулаҳатов, С.Маснонов, И.Тўхтабоев. Ҳазиний юрти. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010.

Ф.Абдуллаев. Этимология бўйича кузатишлар // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: “Фан”, 1967.

Э.Абдуллаев. Оғир қилмиш интиҳоси. “Даракчи”. №42(345). 20.10.05.

Абдурахмон Жомий. Баҳористондан. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

Абдурахмон ибн Али ибн Муҳаммад Абул Фараж. Сифатус софва. – Байрут: Дорул маърифат, 1979. 1-ж.

Абдуррауф ал-Муновий. Файз ул-қодир. – Миср: Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937.

Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-ҳанафий. Шарҳ бадҳ ул-амолий. – Макка. 2001.

Абу Ҳафс Насафий. Қандия. – Тошкент: “Минҳож”, 2005.

Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тай-

нах сердец. (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-клуб). Старейший персидский трактат по суфизму. Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. — Москва: “Единство”, 2004.

Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Мукам-мал асарлар тўплами. Йигирма жилдик. Ўн еттинчи жилд. Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. — Тошкент: “Фан”, 2001.

Д.Ю.Арапов, Г.Г.Косач. Ислам и мусулмане по материалам восточного отдела ОГПУ. 1926 год. — Нижний Новгород: 2007.

Л.Аҳмадалиева. Мулла Қирғиз мадрасаси // “Мозийдан садо”, 2015. №2.

Н.Жабборов. Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий: ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси // Тошкент ислом университети. Илмий-ғахлилий ахборот. 2009. №1.

Жавоҳир-ул ҳикоят / Тўплаб нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. — Тошкент: “Ёзувчи”, 1993.

С.Жалилов. Бобур қадами теккан қишлоқ // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, 2003. № 2.

У.Жуманазаров. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. — Тошкент: “Фан”, 1991.

Э.Х.Зоиров. Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи вужудия” асари хусусида // Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. — Тошкент: 2006.

Ибн Мулаққин. Табақот ул-авлиё. 1-ж. 62-б. <http://www.alwarraq.com>

Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2001.

Илёсхон Ғозий. Нақшбандия тариқатининг буюк сиймоси – Маҳдуми Аъзам// Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994.

К.Имомов. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент:, 1984.

Ислом эциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017.

М.Исмоилов. Архиён-Тўрақўрғон тарихидан лавҳалар. – Наманган: “Наманган”, 2008.

З.Исҳоқова. Боб Умар Фарғоний // “Имом Бухорий сабоқлари”. 2008. №3.

К.Калонов. Социал маконда “оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // “Ўзбекистон тарихи”. 2012. № 3-4.

К.Каттаев. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ва унинг машҳур авлодларидан мерос қолган қадимий нодир китоблар. Биринчи китоб. – Тошкент: “ТАҒАҚҚУР ВО‘СТОНИ”, 2016. – Б. 28.

К.Каттаев. Маҳдуми Аъзам тарихи ва мукамал даҳбедийлар тариқати. – Тошкент: “MASHHUR-PRESS”, 2016.

Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс-тожик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. – Тошкент: “Маънавият”, 1997.

Мулла Йўлдош Хилватий. Девон // Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Тошкент: “Фан”, 2001.

Мурод Хўжа. Биз қанчалик ватанни севамиз // “Ўзбегим”. Тошкент, 1992.

Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқибӣ. Форс тилидан Абдуллоҳхўжа Маъруфхўжа ўғли ва Шухрат Сирожиддинов таржимаси. – Тошкент: Имом ал-Бухорий жамғармаси. 2002.

“Нафоҳат-ул-унс” ҳазрат Мавлавий Жомий. О.А.Порцев литографияси. – Тошкент: 1915.

С.В.Оболенская. История повседневности в современной историографии ФРГ. – Москва: 1990.

Сайид Мубашшир Косоний (1928 йил – Наманган, 1998 йил – Тошкент). Бир умр дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман. Хотиралар. 2000 й. Қўлёзма.

Б.Сарнов, Е.Гик. Тўқилмаган ҳангомалар. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2015.

СВР. III т. Ташкент, 1958. С.315

А.А.Семенов. Уникальный памятник агиографической Средне-Азиатской литературы XVI века // “Известия Узбекистанского филиала”. – Ташкент: Издательства УзФАН, 1940. №12.

“Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари” (факсимеле) // Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулахатов, Кавахара Яёи. Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3.

Содиқ Сайхун. Яхшиликка яралган умр. Чуст, 2010.

Сўфи Оллоёр. Саботул ожизийн. – Тошкент: “Чўлпон”, 1991.

Суюндиқ Мустафо Нуротой. Хатирчилик табаррук сиймолар. – Тошкент: “Муҳаррир”, 2010.

Тарихий манбашунослик. – Тошкент: “Фан”, 2006.

Тўра Сулаймон. Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим... – Тошкент: “Movarounnahr”, 2013.

Ўроқхон (Раъфиддинхон) ҳожи шайх Назрулла-хон ўғли. Ибратли ҳаёт гулшани. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2005.

Фаридиддин Аттор. Тазкиратул-авлиё. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1997.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент: “Абу Али ибн Сино”, 2004.

Хожа Абдухолик Ғиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.

Хожа Абул Бақо ибн Хожа Баҳовуддин. Жомеъ ул-мақомот. Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. – № 72

Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. – Тошкент: Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Мусиқа” нашриёти, 2006.

Р.Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август — 5 ноябр). Иккинчи китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2007.

Шукрулло. Ҳақиқатни айтмаслик – хиёнат // Халқ хотираси олдида бош эгамиз: хужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2001.

Б.Эралиев, И.Остонакулов, Н.Абдулахатов. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Андижон ва Наманган вилоятлари. Иккинчи китоб. – Тошкент: “Turon Zamin Ziyο”, 2014.

П.Қайюмов, “Тазкираи Қайюмий”. Тошкент, 1998. III жилд.

Қатағон қурбонлари. (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2009.

Қози Иёз. Тартиб ул-мадорик ва тақриб ул-масолик. 1-ж, <http://www.alwarraq.com>

Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: “Маънавият”, 2002.

Ҳабибулла Қодирий. Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати // Адабиёт – бадиият адабиёт. Хотиралар, бадиалар, мақолалар / Нашрга тайёрловчи: Хондамир Қодирий. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004.

Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби. – Тошкент: “Шарқ”, 1996.

Ҳайитов Ш.А., Собиров Н.С., Легай А.С. Хориждаги ўзбеклар. – Тошкент: “Фан”, 1992.

А.Ҳожиев, З.Кенжаева. Ноёб китоблар // Халқ иродаси. Наманган. 1997 йил. 4-сон.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 3-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 5-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 7-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34911-иш. 9-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 11-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 13-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 15-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 17-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 5-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 7-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 9-варақ.

ЎзР МДА. И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси.
1-р, 34911-иш. 22-варақ.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
МОЗОРИ КЎҲНА ҚИШЛОҒИ ҲАҚИДА	7
МОЗОРИ КЎҲНА ҚИШЛОҒИ ТАРИХИГА ДОИР МАНБАЛАР.....	15
МОЗОРИ КЎҲНА – МАҲДУМИ АЪЗАМ ҚАДАМЖОСИ	18
БУЗРУК БУВА ЗИЁРАТГОҲИ	33
МОЗОРИ КЎҲНА БУЗРУКЛАРИ	58
МОЗОРИ КЎҲНА ТАРИХИДАН СЎЗЛАГУВЧИ НОДИР ҲУЖЖАТЛАР	100
ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ.....	130
ХУЛОСА.....	134
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	136

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ,
Алишер ТОШҚУЛОВ,
Турсинали ЖАМОЛОВ

МОЗОРИ КЎҲНА ТАРИХИДАН

Биринчи китоб

Муҳаррирлар:
Хуршидбек ИБРОҲИМОВ,
Абдулазиз МУБОРАК

Мусаҳҳих:
Наргиза СОТВОЛДИЕВА

Бадий муҳаррир:
Жаҳонгир АБДУЖАЛИЛОВ

Саҳифаловчи:
Муштарий АБДУЖАЛИЛОВА

Нашриёт лицензияси: АИ №008. 20.07.2018

“Kitobdornashr” нашриётида тайёрланди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20А-мавзе 42-уй.
E-mail: kitobdornashr@gmail.com


Мурожаат учун телефон:
(90) 222-25-55, (71) 216-33-31

Маркетинг бўлими:
(91) 353-41-00, (71) 216-44-41

Теришга берилди: 04.07.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 14.11.2019 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 1/32.
“Palatino Linotype” гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 4,75. Шартли б.т.: 7,56.
Адади: 300 нусха. Буюртма № 109.

“Kitobdornashr” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20А-мавзе 42-уй.

ISBN 978-9943-5741-3-7



9 789943 574137